

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Ж. Т. ХОЛМЎМИНОВ, Н. Р. МАЛЛАЕВ

ЭКОЛОГИЯ ВА АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ҲУҚУҚИЙ  
МУХОФАЗА ҚИЛИШ

Ўқув қўлланма

Тошкент- 2012



КБК 67.407

УДК 349.6+347.8(075.8)(575.1) X72

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлигининг 2012 йил 15 августадаги 332/1 сонли бўйргити асосан чоп этиш учун руҳсат берилган

Холмуминов Ж. Т., Маллаев Н. Р.

Экология ва атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза  
қилиш: Ўқув қўлланма – Тошкент: Тошкент давлат  
юридик институти, 2012. – 200 б.

**Маъсул мухаррир:**

Муҳаммади Батригдинович Усмонов – Тошкент давлат юридик институти илмий  
ишлар бўйича профектори юридик фанлар доктори, профессор.

**Тақризчилар:**

1. Йўлдош Очиловиҷ Жўраев – ЎзМУ “Давлат ва ҳуқуқ асослари, экология  
ҳуқуки” кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор.

2. Ҳасан Шерматовиҷ Ҳантов – Ўзбекистон Республикаси Баш Прократураси  
Олий ўқув курслари ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.

Ўқув қўлланмада атмосфера ҳавосини тирик мавжудот ҳаётидаги аҳамияти, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилинган экологик-ҳуқуқий тадбирлари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилинни ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуки, унинг принциплари, субъектлари ва обьектлари, ушбу соқадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза қилинни тартибга солинча давлат бошқаруви, унинг функцияси, тақдилари, атмосфера ҳавосидан фойдаланишини назорат қўлуви ве муҳофаза қилувчи давлат бошқарув органлари ҳамда уларнинг ваколатлари кўрсатилган. Шунингдек, давлат назорати, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи маябалар ва уларни бартараф этишининг ҳуқуқий Йўллари, экология: атроф мухит ва инсон саломатлиги, атмосфера ҳавосининг трансанегравий ифлосланниши, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, иклим Ўзғарини ва олон қатламини бузилишини олдиги олишининг ҳалқаро ҳуқуқий асослари, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбозлар мониторингни. Ҳалқаро Конвенция ва табииатни муҳофазаси масаласидаги битимлар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг турлари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тартибини бузганлик учун юридик жавобгарлик турлари ва қўлланиладиган жизо чоралари киби масалалар кўриб чиқилган.


Экология ҳуқуки фанининг «Атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза қилиш» мавтуи  
бўйича қўшимча қўлланма сифатида тавсия этилади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим мұассисаларининг талаба ва магистрантлари, катта илмий  
ходим изланувчи, ўқитувчилари ва улубу мавзуга қизикувачи барча китобхоналарга  
мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фон ва технологияларни  
рияоблагандарини мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан берилган № I-ФА-0-20-737  
“Экологик таҳдидларнинг олдиги олиш ва бартараф этиш ҳуқуқий муаммоларининг илмий-  
назарий таҳлили” лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

© Ж.Т.Холмуминов, Н.Р.Маллаев.

© Тошкент давлат юридик институти, 2012 йил.



41351  
10 293

## КИРИШ

Инсоният учун энг муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш, унинг мусаффолигини таъминлаш бугунги куннинг нийоятда долзарб вазифаларидан биридир. Маълумки, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши инсон, ўсимликлар ва бошқа тирик мавжудотларга зарарли таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2013 йилни “Обод турмуш йили”<sup>1</sup> деб номланиши, ёшларга бозор иқтисодиёти шароитида экологик таълим ва тарбияни ҳалқаро андозалар талаби даражасида олиб борилишини ҳам тақозо этади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50–моддасида “Фуқаролар атроф–мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” ва 54–моддасида “Мулқдор ўз мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулқдан фойдаланишда экологик муҳитга зарар етмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳукуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт,”–деб ифода этилган.

Қомусимизнинг 55–моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, – деб кўрсатилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов: «Ҳаво бўшлигининг ифлосланиши ҳам республикада экологик ҳавфсизликка солинаётган таҳдиддир»<sup>3</sup>, – деб бежиз айтмаган эди. Бундан ташқари, Президент ҳозирги шароитда барча ижтимоий, иқтисодий, ҳукукий, экологик ва географик ҳусусиятларни инобатга олиб, мамлакатимизда экологик ҳавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Улар жумласига ҳаво ва сув муҳитига бўладиган зарарли таъсирларни камайтириш, саноат корхоналарида замонавий тозалаш қурилмаларини ўрнатиш, мавжуд ер ва қазилма бойликларидан оқилона

<sup>1</sup>Каримов И.А. Инсон манфаати ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эридиш–бизнинг бosh мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 Йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги мъурказаси. // Инсон ва қонун, 2012 йил 8 деқабрь.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (қўшимча ва ўзгартиришлар билан). – Т.: Ўзбекистон, 2012.

фойдаланиш, жонли табиат генофондини сақлаб қолиш, шаҳар ва кишлоқларда аҳоли учун қулай шароит яратиш, жаҳон жамоатчилиги эътиборини миңтакасининг экологик муаммоларига каратиш каби долзарб масалалар киради.

Табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Шу маннода уларга риоя қилмаслик пировард натижада экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, аксинча улардан хўжасизларча фойдаланиш кўплаб жойлардаги табиат бойликлари ва атроф – муҳитдаги тенглик ва мутаносибликни издан чикармокда.<sup>1</sup> Натижада, дунё мамлакатларининг айрим ҳудудларида бебаҳо бўлган ер, сув, ҳаво ифлосланиб, яроксиз ҳолга келиб колмоқда ва айрим ўсимлик, ўрмон ҳамда ҳайвонот дунёси турлари қисқариб кетмоқда.

Собиқ шўро ҳокимияти даврида республикамизнинг географик, экологик ва иктисадий ҳусусиятларини, иқлим шароитларини ҳисобга олмаган ҳолда, табиат қонунларига, жумладан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоида ва талабларига зид равишда турли хил саноат корхоналарининг қурилиши атроф муҳитнинг, айниқса атмосфера ҳавосининг ифлосланишига олиб келди.

Шу сабабли бугунги кунда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш, мазкур муаммо ҳусусида илмий тадқиқот ишлари олиб бориши нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга эга. Барқарор экологик вазиятни вужудга келтириш, инсон ҳаётни ва фаолияти учун қулай экологик шарт-шароитларни яратиш, барча табиат бойликлари қатори, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг мусаффо ҳолда сакланишини таъминлаш шу куннинг долзарб вазифалардан биридир.

Бу масала ҳусусида Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида алоҳида қайд этганидек "...атроф-муҳитни муҳофаза қилиш аҳолини, айниқса, ёшлиарни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ катламларни кўллаб-куватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган

<sup>1</sup> Холмұмінов Ж.Т. Экологик муаммолар ечими: табигатни муҳофаза киёнининг конституциявий асослари. //Инсон ва қонун. 2012, 31 январь

қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, атроф-мухитни ҳимоя килишини таъминлаш тизимида подавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул килиш фурсати етди, деб ўйлаймиз”<sup>1</sup> – деган кўрсатмалари табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза килиш соҳасида бир қатор муаммоларни бартараф этишда асос бўлди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сонли карорига асосан “2008–2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-мухитни муҳофаза килиш ишлари Дастури”<sup>2</sup> қабул килингандигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу Дастурга асосан тўртта йўналишлар бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган:

– атроф муҳитни муҳофаза килиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш;

– табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг экологик методларини жорий этиш;

– норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда экологик илм-фанни, аҳолининг экологик таълим ва тарбиясини ривожлантириш;

– ҳалқаро ҳамкорлик ва минтақавий экологик хавфсизлик<sup>3</sup>.

Умуман олганда, табиат мутаносиблигининг бузилиши, табиий ресурсларнинг камайиб бориши ва атроф-мухит ифлосланишининг 90–97 % инсонларнинг хўжасизларча фаолият юритишлари билан боғлиқ. Ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни экологик муҳофаза қилиш талабларига риоя қиласлик, иқтисодий ривожланишда экологик талабларни инкор этиш, табиат бойликларининг камайиб кетишига, экологик мувозанатнинг бузилишига, жамиятнинг эса инқироз ҳолатига тушиб қолишига ва экологик хавф пайдо бўлишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2008 йилнинг 12 март кунида бўлиб ўтган «Орол

<sup>1</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш концепцияси. Президент Ислом Каримовининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшия мажлисидаги маъruzasi. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – № 37-38. – 382-модда.

<sup>3</sup>Ўша манба, 382-модда.

муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳақида оқибатларини енгиллаштириш учун ҳалқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» ҳалқаро конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригида алоҳида таъкидлаганидек: «Доимий экологик ҳавф мавжуд ҳудудда, маҳаллий аҳолининг турмуш сифати, саломатлиги, генофонди салбий из колдирувчи омиллар таъсири остида нафакат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар – Козогистоннинг Қизилўрда вилояти, Туркманистоннинг Тошховуз вилояти ва Ўзбекистоннинг Қарақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари, балки бутун Марказий Осиё минтақаси ҳам жойлашгандир.

Сув ресурсларининг, жумладан ичимлик сувининг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг завол топиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши натижасида иқлим ўзгаришлари... Оролбўйида келиб чикиши ва асоратлари жиҳатидан ҳалқаро, глобал характердаги мураккаб экологик, ижтимоий-иктисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган». Бу эса ўз вактида бевосита табиат ресурсларидан окилона фойдаланиш ва уларни экологик муҳофаза қилиш муаммоларини ўз вактида ҳал қилиш ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга ҳам тааллуклидир.

Янги асрга келиб аҳвол кескин ўзгарди. Сўнгги ўн йилликда биосфера бизга ташвишли сигналлар юбормоқда. У эндиликда илмий-техника революцияси сабабли тезлик билан ўсиб бораётган инсоннинг технологик фаолияти натижасида юз берадиган ҳаво, тупроқ ва сувнинг ифлосланиш суръатларига бас келолмай қолмоқда. Сайёрамиз биосфераси биз учун ижобий бўлмаган томонга ўзгара бошлади. Одамлар аввалига бу ўзгаришларнинг аҳамиятини тушуниб етмадилар. Инсоният минг йиллар давомида табиатдан ўз ҳаётини таъминлаш ва авлод қолдириш учун керак бўладиган барча нарсаларни олишга ўрганиб қолди.

Бирор, аввало, олимлар, кейин кўпгина мамлакатларнинг жамоатчилиги иқлимдаги салбий ўзгаришлар, сайёрамиз атмосферасининг бузилиши, ўрмонлар майдони қисқариб боришининг ижтимоий оқибатларидан қаттиқ ташаиш билдиримоқдалар. Яқиндагина маҳаллий хусусиятга эга бўлган экологик ўзгаришлар бир авлод кўз ўнгидага

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовининг «Орол муаммоларини бартароф этиш йўнандаги ҳалқаро ҳамкорликни мавзусида ўтказилган конференция иштирокчиларига табриги // Ҳалқ сўзи, 2008 йил, 13 марта.

минтақавий ва глобал фалокатларга айланмоқда.

Инсон сүнгги 100–150 йил давомида табиатни, ер қобиғи бўлмиш биосферани, атмосфера ҳавосини шунчалар ўзгартириб юбордики, натижада унинг миллион йиллар давомида таркиб топган гўзаллиги ва мусаффолигига рахна солинмоқда, наботот ва ҳайвонот оламининг ноёб намуналари камайиб кетмоқда.

Ҳозирги пайтда кўплаб шахарлар, саноат марказлари жойлашган ҳудудларда экологик вазият кескин ёмонлашган. Саноат корхоналарининг режа асосида жойлаштирилмаслиги, уларнинг ишлаб чиқариш кувватини тўғри баҳоламаслик, технологик жараёнлардаги нуксонлар, шунингдек эски технологик воситалардан фойдаланиш ҳам атроф табиий мухит ва атмосферанинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Саноат корхоналари чиқинидиларининг ҳавога чиқариб ташланишидан ҳосил бўладиган кислотали ёмғирлар қарийб бутун Европа ва Шимолий Америка ҳудудларидағи табиий мухитга заарар етказмоқда. Масалан, АҚШдаги «Тинчлик сокчиси» институтининг хисоботига караганда, дунёдаги атроф табиий мухитга энг кўп салбий таъсирни АҚШ, Япония, ГФР, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Бразилия давлатлари кўрсатади. Бу давлатларда дунё ахолисининг 56 % яшайди, ўрмон бойликларининг 53 % мавжуд, дунё бўйича ишлаб чиқаришнинг 59 % ана шу давлатларга тўғри келади. Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган карбонат ангидрид газининг 58 %, уларнинг ҳиссасига, жумладан, 23 % – АҚШга, 13 % – Хитойга, 7 % – Россияга тўғри келади<sup>1</sup>.

Хисоб-китобларга кўра, ҳар йили атмосфераға 100 миллион тоннадан ортиқ углеводород чиқарилар экан. Шунинг 74 фоизи ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Олимларнинг фикрича, ўрмон ёнғинлари оқибатида атмосферага чиқаётган карбонат кислотаси саноат чиқинидиларининг 50 фоизига teng. Ҳавога кўтарилган тутун атмосферанинг юкори қатламида куйинди зарраларини кўпайтиради. Оқибатда сайёрамизга қўйдан келаётган иссиқлик энергияси кайтадан коинотга ёйилиши ўрнига Ернинг ўзида қолиб, «буғона ҳодисаси»ни келтириб чиқармоқда.<sup>2</sup>

Мамлакатимиз мустакилликка зришганидан кейин атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берила бошлианди. Конституциямиз билан бир қаторда, 1992 йил 9 декабрда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», 1996 йил 27 декабрда эса

<sup>1</sup> Столповский О. А. Основы теории безопасности. – Т., 2001. – С. 58.

<sup>2</sup> Ахмедов Т. Икким узтаришлари дунё ҳамкамияти эътиборида. //Жамият 2012 йил 30 ноябрь

Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. У 30-та моддадан иборат бўлиб, республикамизнинг атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш билан боғлиқ барча хусусиятлари инобатга олинган. Мазкур қонунда атмосфера ҳавоси табиий ресурсларнинг таркибий қисми бўлиб, умуммиллий бойлик ҳисобланиши ва давлат мухофазасида эканлиги Ўзбекистонда илк бор ифода этилган.

Ўзбекистон Республикаси «Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида шундай деб белгилаб қўйилган: «Фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атмосфера ҳавосига эга бўлиш, атмосфера ҳавосининг ҳолати ҳамда уни мухофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ўз вактида ва ишончли ахборот олиш, атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилиши ҳамда физикавий омилларнинг атмосферага зарарли таъсир кўрсатиши орқали ўзларининг саломатлигига ҳамда мулкига зиён етказилган ҳолларда зарарни ундириб олиш ҳукуқига эгадирлар.

Фуқаролар атмосфера ҳавосини авайлашлари, унинг ифлосланишига, камайишига ва физикавий омиллар зарарли таъсир этишига олиб келувчи ҳаракатларни қиласликлари шарт<sup>1</sup>.

«Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат бўлиб, ҳар бир юридик ва жисмоний шахс ушбу талабларни бажариши шарт: атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлаш; атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатилишининг олдини олиш ҳамда ушбу таъсирларни камайтириш; давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини мухофаза килиш соҳасидаги фаолиятини ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш.

Шу муносабат билан, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «саноат корхоналарида атмосферага, сув ҳавзаларига ва тупрокка ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган маҳсус солиқдан кенг фойдаланган ҳолда масъулиятни ошириш даркор. Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак. Бошланғич хомашёдан тайёр, пировард маҳсулот олгунга кадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 52-м

самарали ускуналарни ўрнатиш лозим»<sup>1</sup>.

2000-2007 йиллар давомида 27773 объектлар шу жумладан, 22246 саноат ва 5536 транспорт корхоналари текширилди. Асбобий услуг билан 1003682 ифлослантирувчи манбалар текширилди. 121293 та белгиланган меъёрлар ва давлат стандартлардан ортик кўрсаткичлар билан манбалар аникланди, 39531 ифлослантирувчи манбаларнинг фаолияти вактинча тўхтатилиди. Ишлаб чиқариш фаолиятининг тўхтатилиши хисобига, 3,862 минг тонна ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферага ортичча ташланишининг олди олинди.

2000 йилга нисбатан 2007 йилда умумий текширишлар 3526 тага камайтирилиши билан бирга асбобий услуг билан текширилган стационар ва кўчма ифлослантириш манбалари сони умумий республика бўйича 8,7 баробарга ортди.<sup>2</sup>

Ушбу ҳолатлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни хукукий тартибга солиш масаласи бўйича бир қатор ишларни амалга ошириш лозим.

Бундан маълумки, келиб чиқадиган муаммолар ва улар билан узвий боғлиқ масалаларни ҳал этиш ҳар томонлама илмий асослашга муҳтоҷ бўлиб, бунда экология ва табиий ресурслар соҳалари, хукук тармоклари фанларининг назарий ютуқлари муҳим ўрин тутиши лозим бўлади. Ҳолбуки, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги кўпгина масалалар ҳамон илмий тадқиқот предмети бўлган эмас ёки тўла тадқиқ этилмаган.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тизимида юридик жавобгарликнинг ўрни ва аҳамияти, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаш, назорат қилиш, экспертиза ўтказиш, хукукий жиҳатдан муҳофаза қилиш, тегишли ҳукуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш чораларининг имкониятлари етарлича таҳлил этилмаган. Ушбу муаммолар хусусида айрим тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги жавобгарлик турлари ва нормаларини комплекс таҳлил этиш мақсадида илмий тизимлаш ҳамда атмосфера ҳавосини хукукий муҳофаза қилиш нормаларини такомиллаштириш муаммоси ўта долзарбдир.

Таъкидлаш жоизки, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ху-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққонёт кафолатлари. – Т., 1997. – 132 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасида итроф-муҳит ҳоляти ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий Мъерьуз. –2008 (1988-2007 йиллар бўйича ғарбият таҳлил). Б. Б. Алихонов умумий таҳрири остида. Тошкент. – 2008. -35 б.

кукий тартибга солиш муаммосини собиқ Иттифоқ даврида Д. Л. Байдельдинов, М. М. Бринчук, В. И. Елманов, О. С. Колбасов, Н. И. Малишко, В. И. Терновая Ю. С. Шемшученко, В. Н. Яковлев, Н. Ф. Реймерс, В. В. Петров ва бошқа олимлар қисман тадқиқ этган бўлсаларда, республикамизниң экологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўрганилган алоҳида монографик тадқиқотлар йўқ.

Айни пайтда мамлакатимиз мисолида атмосфера ҳавосини муҳофаза килишни ҳукукий тартибга солишнинг айrim жиҳатларини ҳукукшунос эколог олим ва мутахассислардан У. Т. Аюбов, У. Б. Бозоров, И. Ж. Жалилов, Й. О. Жўраев, Т. Мирзаев, А. Н. Нигматов, М. Б. Усмонов, Ш. Х. Файзиев, Ж.Т.Холмўминов, Ш.Х.Хайдаров Н.Р.Маллаев ва бошқалар ҳам ўрганганлар<sup>1</sup>.

Мазкур муаллифларнинг илмий ишларида атмосфера ҳавосини муҳофаза килишни ҳукукий тартибга солишнинг назарий муаммолари, «атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш» тушунчаси, принциплари, атмосфера ҳавосини мухофаза қилишда экологик қонун ва ҳукукий нормаларнинг аҳамияти, атмосфера ҳавосини бошқариш ва назорат этиш тартиби, улар тўғрисидаги қонун ва талабларни бузгандлик учун юридик жавобгарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Эътиборли томони шундаки , ҳозирги пайтда табиатни муҳофаза килиш тадбирларининг ва мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш юзасидан амалга оширилган комплекс чора – тадбирлар натижасида атмосферага чиқариб ташланётган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий микдори 2008 йилдагига нисбатан 55 минг тоннага ёки 2,5 фоизга камайиб, 2,13 миллион тоннани ташкил қилди, жумладан, кўчмас манбалардан 741 тоннага, ҳаракатланувчи манбалардан 1,38 миллион тоннага камайган. 18,6 мингта автомобил газ ёнилғисига ўтказилган, 1,26 миллион тонна в 161,7 минг куб метр чиқинди қайта ишланган, 234,9 километр водопровод тармоғи таъмирланди ва 188,8 километр водопровод тармоғи , 157,9 километр канализация тармоғи фойдаланишга топширилган, 1,4 миллион куб метр ичимлик суви

<sup>1</sup> Аюбов У. Т. Лишение, ограничение и приостановление прав, связанных с природопользованием // Экологический вестник Узбекистана. – 1996. – № 3; Базаров У. Б. Эколого-правовое обеспечение охраны биосфера // Экономика и статистика. – 1996. – № 5. – С. 58–60; Жураев Ю. А. Права и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1996; Мирзаев Т. Р. Экологияга доир конунулар юрисси // Даълат ва қуқуқ. – 2000. – № 1. – 41–44-б. Усмонов М. Б. Ер ва конун. – Т., 1994; Файзиев Ш. Х. Экологик ҳаффизилик концепциясини ҳукукий таъминлаш // Даълат ва қуқуқ. – 2000. – № 2; Холмўминов Ж. Т. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, ислам ўзғаршилия изон китлами бузилиши олдани олишинг халқаро ҳукукий асослари. //Философа ва қуқуқ. 2009. №2. Т., 14-17-бет.; Уюнот Ҳиз. Значение Конвенции о трансграничном загрязнении воздуха на большие расстояния для Республике Узбекистан. //Ж Философии и права 2012. №1. 61-63 стр. Хайдаров Ш.Х. Правовые проблемы сохранения озонового слоя. Автореферат дисс. на соис. учен. степ. к.ю.н. – Ташкент, 2010;

тежаб қолинган, экология мавзуидаги радио эшиттиришлар ва телекүрсатувлар 2008 йилдагига нисбатан 27 фоизга, лекция ва сұхбатлар 43,7 фоизга ошган.<sup>1</sup>

Комил ишонч билан айтиш мүмкінки, табиат – биосфераны сақлад қолиш ва уни үзгартариши күп жиҳатдан инсон фаолияти, айникса экологик-хукукий саводхонлик, экологик хукукий таълим ва тарбия билан ҳам бөглиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Мустақиллик йилларида “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган чукур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйгуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди”, - деб эътироф этган гоялари баркамол авлодни ҳар томонлама тарбиялаб вояга етказиша экологик хукукий таълим ва тарбияни ҳалкаро андозалар асосида олиб боришини талаб этади.<sup>2</sup>

Шу маънода АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Швейцария, Италия, Хитой, Жанубий Корея каби ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларига эътибор берадиган бўлсак, уларда биринчи галдаги вазифа сифатида экологик-хукукий таълим ва тарбияга алоҳида эътибор берилган.

Таъкидлаш ўринлики, 2012 йилгача ривожланган мамлакатлар атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар микдорини камайтириш учун тузилган махсус жамғармага 30 миллиард АҚШ доллари микдорида маблағ ажратиши керак эди. 2020 йилгача эса бу маблағ 100 миллиард АҚШ долларига етиши кўзда тутилган. Бирок Ҳалкаро атроф-муҳит ва ривожланиш институти маълумотига кўра, ваъда қилинган 30 миллиард АҚШ долларидан фақатгина 23,6 миллиарди берилди. Ажабланарли томони, мазкур маблагнинг 70 фоизи кредит тарикасида, 20 фоизи эса грант шаклида ажратилган.<sup>3</sup> Демак, бундан кўриниб турибдик мазкур масалага жаҳон ҳамжамияти ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Ушбу ўкув кўлланма экология қонунчилигига киритилган сўнгги қўшимча ва үзгартришлар, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва конун ости норматив-хукукий

<sup>1</sup> Табиатни муҳофаза юклиш ҳамманинг иши. // Халқ сўзи, 2010 йил 10 апрель.

<sup>2</sup> Каримов И.А.Инсон манфатига хукук ва эркинликтарни тъмимлаш, ҳәётимизниң лида эркин ва обод бўлишига эршиш-бизнинг баш максадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маъруфаси // Инсон ва конун, 2012 йил 8 декабрь.

<sup>3</sup> Ахмедов Т. Ихлии узгаришлари: дунё ҳамжамияти эътиборида // Жамият 2012 йил 30 ноябрь

хужжатлари, тегишли Давлат дастурлари талаблари инобатга олинган холда тайёрланган. Ўйлаймизки, ўкув қўлланма ҳурматли китобхон ва азиз ўкувчиларга экология соҳасидаги билимларни кенгрек эгаллашга ёрдам беради деган умиддамиз.

# I-БОБ. АТМОСФЕРА ҲАВОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

## 1.1. Атмосфера ҳавосини тирик мавжудот ҳаётидаги адамияти

Атмосфера ҳавоси Ерни ўраб олган газли қатлам – табийи омиллардан биридир. Атмосфера ҳавоси таркибида бир қанча газлар бўлиб, уларнинг асосини азот, аксинча (кислород), карбонат ангидриди, хидроген (водород), аргон ва бошқа инерт газлар ташкил этади. Ҳаммамизга яхши аёнки, ер юзидағи бутун мавжудот ҳаво билан тирик. Ҳаво инсон учун сув ва қуёшдек мўътабар ва азиз!

Инсон яшайдиган муҳитни ифлос килмаслик, бундан бир неча асрлар олдин, 1382 йили Фарангистон кироли Карл VI томонидан конунлаштирилган ва ҳавога “ёмон ҳидли, кўнгил оздирадиган” тутун чиқарувчилар қаттиқ жазоланган.

Атроф-муҳит, унинг атмосфераси ифлосланиши тўла ёки қисман инсон фаолияти натижаси бўлиб, бунинг бевосита ёки қисман инсон фаолияти натижаси бўлиб, бунинг бевосита ёки билвосита таъсири натижасида физик-кимёвий муҳитга қуёшдан келаётган энергия, радиация даражаси ва тирик организмнинг шароити ўзгаради.

Она сайёрамизда ҳаётнинг мавжудлиги ҳам ер атмосферасида яшаш учун энг зарур омил бўлган кислороднинг етарли микдорда борлигидир. Биз ҳаводан нафас олганимизда кислород нафас йўллари орқали организмимизга сингади, модда алмашуви сингари мураккаб ички биохимик жараёнлар юз беради. Одам бир кечакундузда ташки муҳитдан 20 куб метр ҳаво олади. Унинг ўпкаси минутига 16–20 мартагача ҳаво ютиб, ҳаво чиқаради.

Маълумки, одамнинг ўпкаси орқали бир минутда ўрта ҳисобда 12 литр ҳаво ўтиб туради. Бир кечакундузда эса 17 минг 290 литр ҳаво ўтади. Бу эса 23 килограммни ташкил этади. Демак, одам ҳавони овқатга нисбатан 4–5 баравар кўп истеъмол килади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, атмосферанинг оғирлиги 5300000 миллион тоннадан иборат. Шунча юкни Москвадан Санкт-Петербург шаҳрига ташиш учун 4 миллиард йил керак бўлади. Ҳар 1000 йилда ерга ҳаводан 3 миллиметр чанг тушади<sup>1</sup>.

Абу Бакр Розий таъкидлаганидек, табиатнинг бекиёслигини тан олмоқ керак. Кишининг қанчалик соғлом, носоғлом бўлиши ҳаво,

<sup>1</sup> Содиков Д. Онажоним – табиат // Халқ сўзи, 2008 йил, 23 июль.

иқтимал ва яшаш тарзига боғлиқдир.

Тадқиқотчи олимларнинг маълумотларига қараганда, Американинг энг йирик саноат шаҳарлари – Лос–Анжелосда ҳаво атмосферасига ҳар куни 9 минг тонна, Нью–Йоркда 10 минг тонна микдорда газ иси чиқариб ташланади. Нью–Джерси шаҳрининг ҳаво атмосфераси таркибида 44 хил кимёвий модда борлиги аниқланган.

Статистика маълумотларига кўра, ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларида 320 млн.дан зиёд автомобиль ҳаракатда. Автомобиль моторидан ҳавога чиқадиган газлар таркибида эса 200 хил турли захарли кимёвий моддалар борлиги ўрганилган.

Атмосферага чиқит чиқарилишини камайтириш мақсадида чиқариладиган газларни тозалашнинг юкори самарали воситаларини курган ҳолда аспирация системаларини марказлаштириш, шу жумладан эскирган тозалаш аппаратларини модернизация қилиш ва янгилари билан алмаштириш, янги технология схемаларини жорий этиш, зарарли моддалар ҳосил бўлишини камайтириш методларини жорий қилиш, майдо козонхоналарни тугатиш, атмосферани булғатувчи моддалар чиқарилишини бошқариш ва назорат қилишни автоматлаштирилган системаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур, 2005 йилгача атмосферага чиқариладиган ифлос газларни 60–65 % камайтириш керак.

Шаҳар ва саноат марказларида дарахтзорларни қўпайтириш, яшил хиёбонлар сонини ошириш зарур. Олимларимиз катта кўча билан турар жой бинолари орасида яшил дарахтларни икки катор қилиб ўтқазишини тавсия қилаяптилар. Зоро, ҳавонинг мусаффолиги табиат мувозанатининг, инсон саломатлигининг гаровидир.

Шу ўринда ёзувчи Павленконинг «Бахт» асарида шифокор тилидан роман қаҳрамонига айтилган қўйидаги сўзларни келтириш мумкин: «Сизнинг дардингиз оддий дорига – ҳавога муҳтоҷ. У қанча мўл бўлса, шунча яхши, уйкуда ҳам, бедорликда ҳам. Соғ ҳаво сизнинг у ёғингиздан кириб бу ёғингиздан чиқсан, ҳар бир ҳужайрангизни ювсин. Очик ҳавода овқатланинг, ухланг ҳам. Шундай қилиб чекланмаган микдорда ҳаво қабул қилинг», – деб бежизга айтмаган.

Оддий бир мисол, республикаимизда транспорт воситаларидан чиккан заҳарли газлар бир йилда ҳар бир киши ҳисобига 203–208 килограммдан тўғри келар экан. Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси мамлакат миқёсида 450 дан ортиқ шаҳарга ҳавони текшириш учун доимий назорат пунктлари ўрнатган. Текширишлар

натижасида ҳавосининг ифлослиги бўйича Тошкент шаҳри энг олдингидар турниши аниланган. Кўриниб турибдики, атроф мухитнинг экологик ҳолати ва ҳудудлар экологик мувозанатининг бузилиши кўп жиҳатдан атмосфера ҳавосининг таркибига ҳамда унинг турли ишлаб чиқаришлар таъсиридаги салбий ўзгаришларга боғлиқдир. Бу ўзгаришлар сайдеравий, регионал ва топологик (маҳаллий) масштабда рўй беради. Ўзбекистон ҳудудининг ўзига хос табиий ҳусусиятлари уни экологик хўжалик районларига ажратишга ва ҳар бир район ер усти атмосфера ҳавосининг ифлосланиш потенциалини аниглашга имкон берди.

Чирчик-Оҳангарон ва Фарғона водийси районларида атмосфера ҳавоси ифлосланиш даражасининг катталигига сабаб, бу ердаги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари нисбатан ривожланганлиги, автотранспорт ҳаракатининг кўплиги, тоб-кон саноатининг салбий таъсири ва кишлоп хўжалигида заарли химикатлардан ортиқча фойдаланишдадир. Айни вақтда, бу жойларда ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтириш ёки заарсизлантириш тадбирлари суст олиб борилган.

1990-йиллар маълумотларига кўра, республикада ҳавони булғаётган 35000 доимий манба бўлиб, уларнинг ярмига якинигина чанг ва турли хил заарли газларни тутиб қолувчи ва тозаловчи мосламага эга, бу мосламаларнинг 4,1 кисми эса бузук ёки самарадорлиги жуда паст.

Атроф мухитнинг меъёрдан ортиқ ифлосланиши йирик шаҳарларга хос. Ўзбекистон Республикасида Олмалик, Фарғона, Бекобод, Андижон, Оҳангарон, Ангрен, Тошкент, Самарқанд, Навоий шаҳарлари атмосфера ҳавоси энг кўп ифлосланган шаҳарлар жумласига киради. Ўзбекистонда ер усти ҳавосининг ифлосланиши 1983 йилда энг юкори даражага етиб, сўнгги йилларда ахволнинг бирмунча яхшиланганлиги қайд қилинган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кишлоп жойларда атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий омил кишлоп хўжалигида фойдаланиладиган турли хил учувчан кимёвий моддалар бўлса, йирик шаҳарларда эса шаҳар транспортидир.

Чунончи, пойтактимиз атмосфера ҳавосининг ифлосланишида шаҳар транспортининг ҳиссаси 80 %дан ортади. Умуман республика бўйича, атмосферага ҳануз йилига 2,41 млн. тоннага яқин заарли моддалар чиқариб юборилмоқдаки, булар атмосфера ҳавосинигина эмас, балки сув, тупроқ, инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам

маълум даражада заар етказмокда.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳаво бўшлигининг ифлосланиши ҳам республикада экологик ҳавфсизликка солинаётган таҳдиддир»<sup>1</sup>, – деб бежизга айтмаган.

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4 млн. тоннага яқин заарли моддалар кўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 %ни углеводород чиқиндилари, 14 %ни олтингугурт кўш оксиdi, 9 %ни азот оксиdi, 8 %ни каттиқ моддалар ташкил этади ва 4 %га яқини ўзига хос ўтқир заҳарли моддаларга тўғри келади.

Атмосферада углерод йигиндининг кўпайиб бориши натижасида ўзига хос кенг кўламдаги иссиқхона эфекти вужудга келади. Оқибатда Ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб кетади.

Арид минтакасида жойлашган Ўзбекистон Республикасида тез-тез чанг бўронларини қўзғатиб турувчи, атмосферани чанг–тўзонга чулғатувчи Қоракум ва Қизилкум саҳроларидек йирик табиий манбалар мавжуд.

Бемалол айтиш мумкинки, бу соҳада маҳсус қонунлар қабул килинган, маҳаллий маъмурий органлар томонидан эса кўплаб қарорлар чиқарилмоқда, афсуски натижаси ҳаво ҳалокатини олдини олишга кодир эмас.

Албатта, бундай нохуш ҳолатларнинг сабаби, қонуннинг кучи, таъсири камлиги, одамларнинг экологик–хукукий маданиятини паст даражада эканлигидадир.

Шуни ҳам айтиш лозимки, республикамида 2005 йилгача бўлган «Табиатни муҳофаза қилишга оид давлат дастури» ишлаб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси тузилиб, унда 26 нафар депутат фаолият кўрсатаётir, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг вилоят бўлимлари ишлаб турибди, лекин шаҳарларимизда, мусаффо осмонимизда кундан–кунга заҳарли газлар кўпайиб, ажал уруги сепилаётir.

Ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида, хозирги кунда ҳавони заарарли газ ва заррачалардан тозалашда турли замонавий усуllар кўлланилмоқда.

1. Физик – кимёвий усуllар – ҳавони заарарли газалардан

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид. барҳарорлик шартлари ўз тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. 129-б.

тозалашда қўлланилади. Бу усул кўпинча газларни кимёвий йўл билан тозаш деб юритилади. Киёвий бирикмалардан таркиб топган фильтрловчи ускуналар ёрдамида завод, фабрика ва комбинатлардан чиқадиган захарли газлар тутиб колинади ёки турли катализаторлар ёрдамида зарарсизлантирилади.

2. Физик усуллар – хаводаги зарарли газ, қаттиқ ва суюқ қўшилмалар – чанг, тутун ва бошқаларни тозалашда қўлланилади ва х. к.

Алоҳида қайд этиш лозимки, атроф мухитни жумладан, атмосфера ҳавосини ифлосланишининг қуидаги турлари маълум:

- табиатни механик ифлосланиши – бунда атмосферага чанг чикиши, турли захарли қаттиқ заррачалар ҳамда айрим предметлар тушуни тушунилади.

- атроф – мухитнинг кимёвий ифлосланиш – турли газсимон, суюқ ва қаттиқ кимёвий элементлар ва бирикмалар табиатга ташланиши ва уларга салбий таъсир ўтказишдан иборат.

- биологик ифлосланиш – атроф мухитга турли органик аэрозоллар, антибиотиклар, бактерия – вируслар ва бошқа микроорганизмларни тушунишдан юзага келади.

- физикавий ифлосланиш – табиатдаги ўлик ва тирик жинсларнинг ҳаммасига бир текисда таъсир ўтказади.

Юқоридаги ҳолатларни олдини олиш ва экологик ҳавфсизликни таъминлашда аҳолининг экологик ҳукукий билими, маънавияти ва маданияти ҳам талаб даражасида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг аҳоли ўртасида ўтказган тадқиқотига кўра, одамларнинг экология, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конунларни билмайдиган қисми 41 %ни ташкил қиласкан.

Республикамизда аҳолининг 80 % ўз соглигининг бузилишини экологик ҳолатни, яъни ер, сув, ҳаво таркибини бузилишида деб билмоқдалар.

Куллас, мутахассисларнинг маълум қилишича, «бешинчи океан» деб аталувчи сайёрамиз атмосферасининг заҳарли моддалар билан ифлосланиши, кейинги йилларда кескин тус олган. Эътибор берайлик, ерда, осмонда, ер ости бойликларида маълум микдорда чегара мавжуд, аммо ҳаво ва сувда чегаранинг аҳамияти йўқ, келинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қиласлий, ўзимизни–ўзимиз авайлаб келажакни сақлайлик, ҳалокатни олдини олайлик.

2013/76	Alisher Navoiy
5949	nomidagi
O'zbekiston MK	

## 1.2. Атмосфера ҳавосини мухофаза қилишда фаннинг ўрини ва уни ҳозирги ҳолати

Тирик мавжудотнинг яшаш ҳаёт манбаи бўлган ҳавони (атмосферани) мухофаза қилиш, уни соғ ҳолда саклаш ҳамма фанларнинг асосий вазифасидир.

Одамлар табиатни атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш табиатшунослик, биология, география, физика, кимё ва бошка фанларнинг вазифаси деб биладилар. Бошка фанлар қатори табиат бойликларини, жумладан атмосфера ҳавосини мухофаза қилишда хукукшунослик фанининг ҳам аҳамияти бекиёсdir.

Хукукшунослик фанида атмосфера ҳавосини хукукий мухофаза қилиш масаласига 1970 йилларнинг охири – 1980 йилларнинг бошига келиб зътибор берила бошланди. Кўриниб турибдик, биз табиат мухофазаси, ҳавони (атмосферани) хукукий мухофаза қилиш масаласига зътиборсизлик билан анча кечикиб муомалада бўлганмиз. Республикашимиз миқёсида атмосфера ҳавосини хукукий мухофаза қилиш масаласига умумий жиҳатдан кўпроқ зътибор берилмаган. Олимларимиз томонидан кўтарилаётган экологик муаммолар кўп-у, аммо олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас.

Ҳозирча биз айрим журнал ва газеталарда чиқаётган мақолалар билан чекланиб қояпмиз. Республикашимиз мисолида атмосфера ҳавосини хукукий мухофаза қилиш масаласига бағишлиланган ягона илмий ишни кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>. Бундан ташкири экология хукуқида мазкур мавзуни хорижий олимлар томонидан ўрганилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир<sup>2</sup>.

Шунга қарамасдан мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам атмосфера ҳавосини хукукий мухофаза қилишга олимларимиз томонидан зътибор берилиб, илк бор мақола<sup>3</sup>, ягона диссертация<sup>4</sup> тадқиқоти ҳамда алоҳида ўкув кўлланма<sup>5</sup> чоп этилганлигини ҳам таъкидлаш ўринли.

Булардан ташкири ҳозирги кунда мамлакатимизда инсон ва фукароларнинг конституциявий хукуқларини таъминлаш, амалга ошириш ҳамда кафолатлашга ҳам алоҳида зътибор берилмоқда.

Шу муносабат билан олимларимиз томонидан тадқиқ этилгандан ушбу масалага бағишлиланган илмий тадқиқотни ҳам таъкидлаш

<sup>1</sup> Маллаев Н.Р. Атмосфера ҳавосини мухофаза қилишни хукукий тартибга солиш муаммолари. ю.ф.н.дисс. автореферати. Т., 2003.

<sup>2</sup> Колбасов О.С. Атмосфера под защитой закона // Соц. законности. 1980, №10; Петров В.В. Экология и право. М. 1981; Малышко А.И. Государственный контроль за охраной атмосферного воздуха. Киев, 1982; Елманов В.И., Терновая Г.Г. Охрана атмосферного воздуха. М., 1984; Бринчук М.М. Правовая охрана атмосферного воздуха. М. 1985; Байдельдинов Д.Л. Правовая охрана атмосферного воздуха. Автореф. дисс. к.ю.н. Алма-Ата, 1986.

<sup>3</sup> Холмуминов Ж.Т. Биосфера химияга муҳтож. //Ўзбекистон кишилик кўжалаш. 1990, №10, 35-36 бет.

<sup>4</sup> Маллаев Н.Р. Атмосфера ҳавосини мухофаза қилишни хукукий тартибга солиш муаммолари. ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссерт. автореферати. Т. 2003.

<sup>5</sup> Холмуминов Ж.Т., Маллаев Н.Р. Атмосфера ҳавосини хукукий мухофаза қилиш. Т.: ИИВ Академияси, 2004, 93 бет.

<sup>6</sup> Икромов Р.А. Фукароларнинг қулай ятроф табиият мухитига зга бўлиш хукуқини такомиллаштириш

жоиздир.

Энг асосийси мустақиллик даврида мамлакатимизда барча экологик ҳусусиятлар инобатга олинниб атмосфера ҳавосини муҳофаза килишнинг ҳукукий асоси<sup>1</sup> яратилганлиги ўта қувончли ҳолдир.

Олимларнинг изохича, икlim ўзгариши ер биосфераси эволюциясига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади, сайдерамизнинг флора ва фаунасини гариблаштириб қўяди.

Мутахассислар бу жараён сайдерамизнинг узок ўтмишида ҳам юз берганини таъкидлашмоқда. Сўнгти юз йилликда эса фан-техника, саноат ва транспорт тараққиёти, мегаполисларнинг тез суръатда кенгайиши табиатга ўз таъсирини кўрсатмай колмади. Окибатда ўсимликларнинг ноёб, эндем турлари йўқ бўлиб, ҳайвонот оламида камёб жониворлар камайиб кетди.

Инсон, аслида табиатнинг бир бўлаги. Атроф-мухит – ҳаво, биологик ранг-баранглик, ер ва сув ресурслари эса ҳётнинг, авлодларнинг давомийлигини таъминловчи омилдир. Лекин инсоннинг яхшиликка, уммону фазога даҳл этиши оқибатида табиий ландшафтларнинг ўзгариши кузатилияпти.

Лекин ҳамма ҳам табиатга оқилона муносабатда, деб бўлмайди. Бир гектар кўкламзор бир соат ичидаги 200 нафар одам чикарадиган миқдордаги карбонат ангидрид газини ўзига «ютиб» олади, ҳавони тозалаб беради. Бунинг қадрига етиш керак.

Мутахассисларнинг таъкидлашвила, атроф-мухит ифлосланишида ҳавога «ташланётган» чиқиндилар салмоқли ўрин тутади. Агар 1 гектар майдонда бошоқли дон пояси ёкилса, 500 грамм азот оксиди, 379 грамм углеводород, 3 килограмм кул, 20 килограмм ис гази ва углерод оксиди (CO) атмосферага кўтарилади. Окибатда наинки ҳаво, ҳатто тупроқ таркиби бузилиб, эрозия кучаяди, унумдорлик кескин камаяди<sup>2</sup>.

Яхши биламизки, кузда кўпинча ҳазон ёкиб юборилади. Аммо бундан ҳаво канчалик булғанишини кўпинча тасаввур қилмаймиз, 1 тонна ҳазон ёкилганда ҳавога 30 килограмм углерод оксиди кўтарилади. Битум ёкилганда хосил бўлган курум инсон организмидаги сил ва саратон касалликларини келтириб чиқаради.

Табиатга муносабатда ҳар бир ҳаракатимиз эҳтиётликни талаб этади. Файлусуф Гро Харлем Брундаланд айтганидек: «Табиат – бу аждодларимиздан бизга қолдирилган мерос эмас, балки келгуси авлодларимиздан олинган қарзdir».

Маълумки, атроф-мухит ва атмосферани ифлослантиришнинг асосий кисми ёкилги-энергетика мажмуасига тўғри келади. Бу соҳада атмосферага чиқарилаётган олтингугурт, азот, углерод оксидлари

муаммолари. ю.ф.и. илмий дарражасини олиш учун ёзилган диссерт. автореферати. Т. 2006.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза юлиши тутрисидави» конуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й. №2, 52-модда;

<sup>2</sup>Сайхун С. Табиатга муносабет // Ўзбекистон опози, 2008 й. 5 июнь.

узок–узокларга таркалади. У ҳавога синггач, сув билан ўзаро реакцияга киришиб, куруқликка «кислотали ёмғир» бўлиб ёғади.

Одатда, чўл ва тоғолди ҳудудда яшовчи аҳоли дизель ёқилғисини ишлатади. Дизель курилмалари ишлатилганда, атроф–мухитга ис гази ( $\text{CO}$ ), углеводородлар ( $\text{C}_n\text{H}_m$ ), азот оксидлари ( $\text{NO}_x$ ) ёйлади, ҳаво кўп микдордаги ёниб улгурмаган углеводородларнинг колдиги билан ифлосланади.

Одамзод табиатан яратувчи. Зеро, инсон табиатга етказган хатосини тузатишга, мураккаб экологик вазиятни ўнглашга ҳаракат килади, калаванинг учини топишга уринади.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб, дунё ҳамжамияти атроф–мухит ифлосланиши глобаллашувининг олдини олиш ҳаракатини бошлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси томонидан кўрилаётган чора–тадбирларни таъкидлаш ўринилдири.

Республикамизда табиат, атроф–мухит, атмосфера ифлосланишининг олдини олишда, айниқса, ёқилғи–энергетика мажмуасида истиқболли, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш – келажак талаби. Қайта тикланувчи энергия манбалари қўлланиши, экологик тозалиги нуктаи–назаридан жудаям истиқболлидир. Юртимизда бу соҳада етарли тажриба тўғланган.

Маълумки, Марказий Осиё бирлашган энергия тизими кувватининг 50 фоизи мамлакатимизга тўғри келади. Республикамиз Энергетика балансига экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини жалб қилиш атроф–мухитга техноген таъсир ўтказишдан муҳофазалайди. Шундай омилларнинг бири, дунёда кенг ишлатиб келинаётган қайта тикланувчи шамол энергиясидир. Унинг ялпи потенциали Ўзбекистонда 2,2 миллион т.н.э. деб баҳоланган. Аммо бунда локал, алоҳида ҳудудлардаги (Устюрт, Бекобод) шамол энергияси потенциали тўла ҳисобга олинмаган.

Куёш энергиясини олсак, мамлакатимизнинг иқлим ва жўғрофий ҳусусиятлари электр ва иссиқлик энергиясини саноат қўламида мазкур имкониятдан фойдаланишга тўла имкон беради. Куёш энергияси фойдаланишга қулай бўлиб, имкониятлар ҳам кенг. Юртимизнинг ялпи куёш энергияси салоҳияти 50973 миллион т.н.э., техникавий салоҳияти эса 176,8 миллион т.н.э.га тенгдир. Ҳозирги пайтда республикамизда куёш энергиясининг 0,3 фоизи ўзлаштирилган, холос. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси БМТнинг Таракқиёт Дастури билан ҳамкорликда «Қорақалпоғистон қишлоқ аҳолиси учун тоза энергия» кўшма лойиҳасини амалга оширди. Хуллас, аждодларимиз бизга бой табиий бойликлар, мусаффо ҳаво ва унумдор заминни мерос қилиб қолдирган. Уни кўз корачигимиздек асраримиз зарур.

### I.3. Атмосфера ҳавосини мухофаза қилишнинг экологик-хукукий тадбирлари

Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш мақсадида экологик-хукукий тадбирларни белгилаш ва кучайтириш ҳам давлатимизнинг экологик сиёсатининг бир кисмидир. Ўзбекистондаги мавжуд экологик вазият яхшиланмоқдами? Аммо, жумладан атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ишида катта сезиларли силжиш йўқ. Биз газ ва чанг билан ифлосланган ҳаводан нафас олаяпмиз, саломатликка зарарли бўлган, таркиби турли хил зарарли моддаларга бой сувни ичмоқдамиз, кўз олдимизда дараҳтлар куриб колмоқда, болалар тез-тез касал бўлиб, инсон умрининг кискариши пасайиб кетмоқда.

Кейинги йилларда атмосфера ҳавосининг тозалиги устида назоратнинг кучайтирилиши, корхоналарда технология жараёйларининг такомишлиштирилиши, ҳаво тозалагич мосламалардан кўплаб фойдаланиш, мутахассисларнинг экологик онги ва масъулиятининг ошиши, «Экосан» ҳалкаро экологик ва саломатлик жамғармасининг ҳамда Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитасининг фаол саъй-ҳаракати натижасида Ўзбекистон Республикасида бир канча ижобий силжишлар рўй бермоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу соҳада жуда катта ишлар килиниб, 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси қабул килинди. Ушбу конун IV бўлим, XV боб, 135 та моддадан иборат бўлиб, ҳавони мухофаза қилишга доир янги ҳукукий экологик тадбирларни белгилади.

Мазкур конуннинг З-моддасига асосан, «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаво кемалари парвози ҳавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ҳўжалиги ва фуқароларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадларида авиация фаолиятини ҳамда самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди».

Бундан ташкири, атмосфера ҳавосини ҳукукий мухофаза қилиш Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг, Давлат бошқаруви ва назорати бош инспекциясининг тегишли буйруқлари ҳамда бошқа конуцлар билан ҳукукий экологик мухофаза қилинади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни мухофаза қилиш тўғрисида»ги конунининг 20-моддасида атмосфера ҳавосидан фойдаланиш шартлари ва талаблари аниқ кўрсатиб берилган.

Ушбу конунда, «Атмосфера ҳавоси дейилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиги тушунилади.

Ҳаводан фойдаланишда муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортик даражада

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳаво Кодекси 1993 йил 7 майда қабул килинган. //Ўзбекистон Республикаси Олий Конгаси Ахборотномаси. 1999, №6, 247-модда; 1998, №3, 38-модда; 2000, №5-6, 153-модда; 2003, №5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Конун ҳуқуматлари туплами. Расмий напр. 2008, №28, 261-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Конгасининг Ахборотномаси. 1993, №1, 38-модда.

ифлослантирмаслик ёки сийраклаштирмаслик шарти билан йўл кўйилади.

Халқаро битимга мувофик, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахслар озон қатламига зарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишини қисқарттиришлари ва келгусида батамом тұхтатишлари шарти», – деб ёзиб кўйилган.

Мазкур қонун кишиларга яхши турмуш шароитлари яратиш – меҳнат қилиш, дам олиш, соғлигини сақлаш учун зерур шароит таъминлаш, моддий ишлаб чиқариш ва маданиятни янада ривожлантириш учун атмосфера ҳавосининг ҳолатини яхши сақлаш, унинг тикланиши ва яхшиланишига қаратилган. Қонунда мустакил Ўзбекистон давлати атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ва унга кўрсатиладиган бошқа зарарли таъсирларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган, илмий жиҳатдан асосланган техник, иқтисодий, социал ва бошқа комплекс тадбирларни ўтказади, шунингдек, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга оширади, деб аниқ кўрсатилган.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг асосий манбаи бўлиб, Ўзбекистон Республикасида 1996 йил 27 декабрда кабул килинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳисобланади. Унга асосан, атмосфера ҳавоси табиий ресурсларнинг таркибий кисми бўлиб, у умумиётлий бойлик ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir. Қорақалпоғистон Республикасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий вазифалари нималардан иборат?

Мазкур қонуннинг З–моддасига мувофик, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

- атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлаш;
- атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатилишининг олдини олиш ҳамда камайтириш;
- давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш.

Юкорида номи зикр этилган қонуннинг 4–моддасига кўра, фуқаролар ҳаёт ва соғлик учун қулай атмосфера ҳавосига эга бўлиш,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Ахборотномаси, 1997, №2, 52-модда; 2003, №9-10, 149-модда, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, №41, 405-модда.

атмосфера ҳавосининг ҳолати ҳамда уни мухофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ўз вактида ва ишончли ахборот олиш, атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилиши ҳамда физикавий омилларнинг атмосферага зарарли таъсир кўрсатиши оркали ўзларининг саломатлигига ҳамда мулкига зиён етказилиган ҳолларда зарарни ундириб олиш ҳукуқига эгадирлар. Фукаролар атмосфера ҳавосини аввайлашлари, унинг ифлосланишига, камайишига ва унга физикавий омиллар зарарли таъсир этишига олиб келувчи ҳаракатларни килмасликлари шарт.

Албатта бу тадбирлар барча табиат бойликлари қатори, атмосфера ҳавосидан оқилона фойдаланиш, уни ифлосланишдан саклаш учун асосий ҳукуқий тадбирлардир. Экологик муаммо накадар долзарб, шунинг учун ҳам атмосфера ҳавосини ҳукуқий мухофаза қилиш, уни ифлосланишига қарши чора-тадбирлар белгилаш, мусаффолигини таъминлаш масаласи «Узбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Конуннинг 12-моддасида ўз аксини топган. Унда барча корхоналар ҳавога заҳарли газлар, чикиндилар, тутуналар ва химиявий моддалар чиқарганликлари учун қонун олдидаги жавобгарлиги белгиланган.

Шунинг учун ҳам «Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тўғрисида»ги конуннинг 17-моддаси талабарини, яъни атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатувчи транспорт воситалари ва бошқа катнов воситалари ҳамда қурилмаларини таъмирлайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар микдорининг ҳамда уларнинг физикавий омиллари зарарли таъсир кўрсатишнинг нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминлашига оид вазифаларини ҳам ўз вактида бажаришлари лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қайси асарларида экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ўз аксини топган?
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддаларида табиатни мухофаза қилиш билан боғлик бўлган масалалар кўрсатилган?
3. Ўзбекистон Республикасида Конституцияга асосан қандай экологик конунлар қабул килинган?
4. Экология тушунчасига таъриф беринг ва уни мақсади нима ?
5. Атмосфера ҳавосини тирик мавжудот ҳаётидаги аҳамияти ҳақида нималарни биласиз?
6. Атмосфера ҳавосини мухофаза қилишнинг ҳукукий асослари нималардан иборат?
7. Атмосфера ҳавосини мухофаза қилишда фаннинг ўрни ва уни хозирги ҳолати қандай?
8. Амалдаги қонунчиликда атмосфера ҳавосини мухофаза қилишнинг экологик ҳукукий тадбирлари қандай кўрсатилган?

## **II-БОБ АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

### **2.1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг принциплари**

Маълумки, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда муайян чегара йўқ. Шу боис инсоннинг меҳнат қобилиятига, ҳаётий фаолиятига, умрининг узун-кисқалигига, умуман, сиҳат-саломатлигига таъсир кўрсатадиган асосий омил бўлмиш атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишимиз лозим. Зеро, бутун тирик мавжудот учун унинг аҳамияти бекиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлага-нидек, «асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик ҳавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, кўл қовуштириб ўтириш ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар»<sup>1</sup>. Бу гап атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш муаммосига ҳам бевосита тегишли бўлиб, ушбу муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиниши зарур.

Атмосфера ҳавоси – инсоният, қолаверса, барча тирик мавжудотларга ҳаёт баҳш этадиган табиий манба. Шунинг учун ҳам у ўзининг бетакрор хусусияти билан бошқа табиат обьектларидан ажralиб туради. Атмосфера ҳавоси таркибида бир қанча газлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосини азот (78,1 %), кислород (20,9 %), аргон (0,9 %), карбонат ангирид (0,03 %), неон, гелий, метан, криптон, водород ва бошқа газлар ташкил этади<sup>2</sup>.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тартиби тўғрисида тушунчага зга бўлиш атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий-экологик нормаларни билиб олишга, уларни амалиётда тұғри ва аник қўллашга ҳамда амалга оширишга ёрдам беради.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида кенгрок тасаввур ҳосил қилиш ва унинг мөхиятини англаб олиш учун, «атмосфера», «биосфера», «озон қатлами» каби бир катор тушунчаларнинг маъноси билиб олишимиз зарур.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI ежр бўстагисида: ҳавфсизланув таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараздык қиёвлайлари. – Т., 1997. – 112-б.

<sup>2</sup> Брюнчук М. М. Правовая охрана атмосферного воздуха. – М., 1985. – С. 5.

*Илмий адабиётда кўрсатилишича<sup>1</sup>:*

*атмосфера* – ер шарининг бир қанча газлардан иборат ҳаво қатлами, биосферадаги ҳаёт мавжудлигини таъминловчи асосий манбалардан бири бўлиб, у барча жонзодларни зарарли космик нурлардан химоя килиб туради, сайдаги мўътадил ҳароратни саклади;

*биосфера* – тирик организмларнинг яшаш макони бўлган қуий атмосфера, юқори атмосфера ва гидросфера қатлами, глобал экологик тизим;

*озон* – рангиз, ўзига хос ўткир ҳидли газ. Атмосферанинг озон қатлами қўёшнинг инсоният учун, умуман, ер юзидағи барча ҳайвон ва наботот олами учун ўта зарарли бўлган ультрабинафаша нурларини «тутиб» қолувчи асосий тўсиқ ҳисобланади. У ер юзидан 15–20 км юкорида жойлашган бўлиб, сайдаги ҳаётни муҳофаза килиб туради.

Демак, юкоридағи тушунчалар ичидаги «атмосфера» тушунчаси кенгроқ бўлиб, у барча тирик мавжудот ҳамда табиатнинг бошка бойликларини ўзаро мутаносибликда сакладиган бетакрор табиий манбадир.

*Атмосфера ҳавоси* – ер шарини ўраб олган бир неча хил газлардан иборат бўлган ҳаво қатлами, тирик мавжудот ҳамда бошка табиат бойликларининг мутаносиблигини таъминловчи манба. Атмосфера ҳавосини ҳукукий муҳофаза қилиш, табиат ва инсон ўртасидаги ажралмас боғлиқлик ва мутаносибликни таъминлайдиган, атмосфера ҳавосининг сифати бузилишига, атроф табиий муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймайдиган, ҳозирги ва келажак авлодга экологик жиҳатдан мусаффо ҳолдаги яшаш имкониятини беришга қаратилган экологик онгли ва маданиятли ҳукукий муносабатлар ҳамда ҳукукий нормалар тизими ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам атмосфера ҳавосини ҳукукий муҳофаза қилиш ва талаб даражасида саклаш учун аниқ вазифаларни бажариш лозим. Ана шу вазифалар Ўзбекистон Республикаси «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг З-моддасида қуйидагича белгиланган:

– атмосфера ҳавосининг табиий таркибини саклаш;

– атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошка хил таъсир кўрсатилишининг олдини олиш ҳамда буни камайтириш;

<sup>1</sup> Отабоев Ш., Набиев М. Инсон ва биосфера. – Т., 1995.

- давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини мухофаза килиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқукий жиҳатдан тартибга солиш ва бошқалар.

Атмосфера ҳавосининг экологик-ҳуқукий аҳамияти ва ундан фойдаланиш мақсадига қараб, унинг бир қанча хусусиятларини ажратиш мумкин:

*биринчидан*, атмосфера ҳавоси бебаҳо бойлик бўлиб, у табиат ва тирик мавжудот, хусусан, инсоният ўртасидаги алоқани таъминлайди;

*иккинчидан*, у – тирик мавжудотнинг бевосита ҳаёт манбаи;

*учинчидан*, бошқа табиат бойликларини бир-бирлари билан чамбарчас боғловчи ва ўзаро ҳаётий мутаносиблигини сақловчи табиий омилдир;

*тўртинчидан*, ҳаво транспортининг қатнов мухити, яъни ҳаво йўли вазифасини ҳам бажаради.

Кўрсатиб ўтилган барча хусусиятлар атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативларини мустаҳкамлашни талаб этади.

«Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига кўра:

– ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативлари атмосфера ҳавосининг табиий таркиби ўзгаришига олиб келмайдиган даражада белгиланади;

– атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза килиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади;

– атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза килиш давлат қўмитаси томонидан белгилаб қўйилади.

Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солишни тавсифлайдиган ҳамда унинг ҳуқукий табиатига алоқадор бўлган яна бир талаб атмосфера ҳавосига нисбатан мулк ҳуқуки шаклининг белгиланишидир.

Атмосфера ҳавосига нисбатан мулкчилик масаласи, барча табиат бойликлари катори, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган. Конституциянинг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир», – деб кўрсатилган.

Ана шундай талаб «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конуннинг 5-моддасида ҳам ўз аксини топган. Мазкур қоидалар атмосфера ҳавоси ва бошқа табиий ресурсларнинг згаси ҳалқ, миллат эканлигини кўрсатмоқда.

Юридик адабиётда бошқа бир катор фикрлар ҳам мавжуд: «Ер, ҳаво, сув, дарё, кўл ва океан каби табиатнинг буюк бойлиги. Улар бебаҳо. Улар ҳеч қачон хусусий мулк бўлиши мумкин эмас, чунки уларни ҳеч ким яратган эмас. Уларнинг згаси бўлиб, шу ҳудудда яшаётган ҳалқ ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Табиат бойликларига нисбатан мулк ҳуқуки уларнинг фақатгина юридик тартиби ёки уларни юридик воситалар ёрдамида ҳақконий моддийлаштириш имконияти эмас, балки бундай объекtlарга нисбатан давлат ва жисмоний шахслар орқали жамиятнинг згалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуки объектига муносабатdir<sup>2</sup>.

Табиий бойликларга нисбатан мулк ҳуқуки улар устидан юридик ҳокимлик қилиш демақдир. Бу ҳокимликни миллат, ҳалқ бевосита (тўғридан-тўғри) эмас, балки ўзи вужудга келтирган маълум аппарат, яъни давлат орқали амалга оширади. Шу сабабдан ҳам табиий ресурсларни давлат мулки деб ҳисоблаш мумкин<sup>3</sup>.

Мазкур масала юзасидан амалдаги конунчиликда ҳам турли фикрлар баён этилган. Жумладан Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тўғрисида»ги конуннинг З-моддасига асосан, барча табиат бойликлари каторида ҳаво ҳавзаси мулк объекти сифатида кўрсатилган<sup>4</sup>. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 169-моддасида эса «Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар... мулк ҳуқукининг объекти бўлиши мумкин» эканлиги таъкидланган.

Атмосфера ҳавоси (ҳаво ҳавзаси, ҳаво бўшлиги) маълум жисмоний ва юридик шахсга нисбатан мулк объекти бўла олмайди, аммо уни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш асосан давлат орқали амалга оширилади.

Атмосфера ҳавоси бир давлатнинг мулки бўла олмайди, чунки у бошқа табиат бойликларини муҳофаза қилиш билан боғлик. Атмо-

<sup>1</sup> Уразов Ш. З. Собственность на землю // Правда Востока. – 1990. – 16 сент.

<sup>2</sup> Жўраев Ю. А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1996. – С. 28–29.

<sup>3</sup> Усмонов М. Б. Ўзбекистон Конституциясини тақомиллаштиришнинг аврим жиҳатлари // Мустаким Ўзбекистон: ҳуқуқ фанонинг долзирб мувиммолари. – Т., 1998. – 112-б.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги конунга шарх / Масъул мухаррирлар Х. А. Раҳмонкулов, М. Э. Абдусаломов. – Т., 1994. – 18–19-б.

сфера ҳавоси нафакат ҳозирги авлоднинг, балки кейинги авлодларнинг ҳам мулкидир. Атмосфера ҳавосида чегара йўқлиги туфайли уни муҳофаза қилиш кўпчилик давлатлар ва уларда яшайдиган ҳалқларнинг ўзаро бирлигини талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, «атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳуқукий тартибга солиш» анча кенг тушунча бўлиб, юқорида таъкидлаб ўтилган бир қатор хусусиятлари билан бошқа табиат бойликларини муҳофаза қилишдан ажралиб туради. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳуқукий тартибга солиш атмосфера ҳавосидан фойдаланувчиларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари, бошқариш ва назорат этиш тартиби, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда юридик жавобгарлик элементлари билан бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги шароитда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор ҳуқукий принципларнинг мавжудлиги атмосфера ҳавосини ҳуқукий муҳофаза қилишни тартибга солишга катта ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида табиатни муҳофаза қилиш мақсадига эришиш билан боғлиқ ана шу принциплар белгиланган. Улар қўйидагилардан иборат:

- инсониятнинг яшаш мухити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан ҳавфсизлигини, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонли ҳакида ғамхўрлик қилиш;

- фуқароларнинг хаёт учун қулай табиий мухитга эга бўлиш ҳуқукини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;

- жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини имлый асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

- табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;

- экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги;

- табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

- табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий мухит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун заарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

- табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;

- табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, миңтақавий ва ҳалқаро манфаатларни уйғунлаштириш;
- табиатни муҳофаза қилиш конунларининг талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш ва ҳ.к.<sup>1</sup>

Ушбу принциплар Ўзбекистон Республикасининг мустакиллиги ва бозор муносабатлари талабидан келиб чиқиб, барча табиат бойликларига нисбатан белгиланган принциплардир. Аммо, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга оид принциплар ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвоног дунёсидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир принциплардан маълум даражада фарқ килади. Чунки бошқа табиат обьектлари кўз билан кўриб, кўл билан ушланадиган маълум обьект (предмет) шаклида намоён бўлади. Атмосфера ҳавоси эса кўзга кўринмас газ қатламидан иборат бўлиб, бошқа табиат бойликларининг мавжудлиги, ҳаётйлиги, ўзаро чамбарчас боғликлигини таъминлайдиган табиий омилдир.

Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни хуқуқий тартибга солиш принциплари Д. Л. Байдельдиновнинг илмий ишларида кенгрок кўрсатилган бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

- 1) ҳаво бўшлигига нисбатан давлатнинг чегара мустакиллиги;
- 2) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг умумдавлат хусусиятига эга бўлиши;
- 3) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирларининг аниқ режжа асосида амалга оширилиши;
- 4) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг иқтисодий манфаатдорликдан устунлиги;
- 5) инсон саломатлиги ва экологик мувозанатини саклаш;
- 6) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартларнинг меъёрида бўлиши;
- 7) атмосфера ҳавосини ифлослантирумаслик учун табиат обьектларидан оқилона фойдаланиш;
- 8) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида миллий ва ҳалқаро манфаатларнинг уйғулиги;
- 9) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конунларни ва талабларни бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши ва бошқалар<sup>2</sup>.

Мазкур принциплар асосан атмосфера ҳавосини муҳофаза қи-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини Ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 37-м.

<sup>2</sup> Байдельдинов Д. Л. Правовая охрана атмосферного воздуха. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Алматы, 1986. – С. 8.

лишга хизмат килади. Аммо уларни Ўзбекистон Республикасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлик бўлган куйидаги янги принциплар билан тўлдириш зарур:

а) атмосферадаги озон қатлами ning таркибини янги талаб ва стандартлар асосида доимий равишда кузатиб бориш;

б) ҳаво ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилиш;

в) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда биргина давлатнинг эмас, балки ҳалқаро ҳуқуқ нормалари асосида бошқа давлатларнинг ҳам манфаатларини инобатга олиш;

г) экологияга оид ҳалқаро нормаларни ҳаётга татбиқ этиш;

д) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни, давлат норматив стандартларини экологиялаштириш.

Маълумки, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид «Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Вена Конвенцияси (1985 й.) ва 1996 йил 26–29 августда Швейцариянинг Женева шаҳрида қабул килинган Монреал протоколи мавжуд. Вена конвенциясига жаҳондаги 147 та мамлакат кўшилган. 1995 йилдан бошлаб ҳар йили 16 сентябрь кунини жаҳон ҳалқлари Атмосферанинг озон қатламини муҳофаза қилиш ҳалқаро куни сифатида кенг нишонлаб келадилар.

Шу муносабат билан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси олимлари «Ўзбекистонда озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича миллий дастур» ишлаб чиқмоқдалар. Умуман олганда, ушбу ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг мустакиллиги ва экологик хусусиятларидан келиб чиқиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлик янги талабларни ўз ичига олиши лозим.

Хуллас, ушбу тадбирларни амалга ошириш атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга катта ёрдам бериб, мазкур муаммо билан боғлик масалаларни ҳуқуқий тартибга солади.

## **2.2. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқукининг субъектлари ва объектлари**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни ҳуқукий тартибга солиш муаммоларини теран тушуниш учун атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда бевосита иштирок этадиган субъектларга кисқача тўхталиш зарур.

*Ҳуқуқ субъекти* деганда, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, ҳуқукий муносабатларга кириша оладиган корхона, муассаса, ташкилот, жамоа ташкилотлари ва якка шахслар тушунилади<sup>1</sup>. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш субъектларини ундан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ташкил этади<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси «Ҳаво кодекси»нинг 7-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси давлат органларида расмий рўйхатдан ўтган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг самовий худудидан фойдаланувчилар хисобланади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрь қонунида атмосфера ҳавосидан фойдаланувчи субъектлар аник кўрсатилмаган. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш субъекти бошқа табиат объектларидан фойдаланувчи субъектлардан ўзининг бир катор жиҳатлари билан фарқ килади.

Умумий қоидага асосан, табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳуқукий муносабатларида катнашувчи барча субъектларнинг ҳуқукий лаёкатга ва муомала лаёкатига эга бўлишлари лозимлиги эътироф этилади.

Аммо мазкур талабни атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга нисбатан тўлиқ қўллаб бўлмайди. Чунки баъзан ҳуқукий лаёкатга ва муомала лаёкатига эга бўлмаган жисмоний шахслар ҳам атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг субъекти бўлишлари мумкин.

Шунга кўра, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш субъектларини уч турга бўлиш мумкин:

**1) ўз худудида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ҳуқукий**

<sup>1</sup> Алексеев С. С. Теория права. – М., 1995. – С. 19–20.

<sup>2</sup> Байдельдинов Д. Л. Правовая охрана атмосферного воздуха: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Алматы, 1986. – С. 12.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси. – Т., 2000.

тартибга солишининг асосий эгаси бўлган мустақил давлатлар;

2) корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда бошқа юридик шахслар;

3) жисмоний шахслар (инсон ва фуқаролар).

Барча табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишининг субъектлари Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг 6-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикасида табиатдан умумий тарзда ва маҳсус йўсинда фойдаланилади.

Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан хаётий зарурий эҳтиёжларни кондириш учун текинга табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга бириттирмай ва ҳеч кандай рухсатномалар бермай туриб бепул амалга оширилади.

Табиатдан маҳсус йўсинда фойдаланиш тариқасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳак олиб маҳсус рухсатномалар асосида эгалик қилишга, фойдаланиш ёки ижарага берилади<sup>1</sup>.

Аммо, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрь қонунида атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлик бир қатор муаммолар ҳамон ўз ечимини топмаган. Мазкур қонун 30 та моддадан иборат бўлиб, асосан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлик масалаларнинг умумий томонларини ўз ичига олган. Жумладан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишининг асосий хусусиятлари, ушбу соҳадаги давлат бошқаруви, давлат назорати, бу борарадаги қонун ҳужжатлари ва талабларини бузганлик учун аниқ җавобгарлик турлари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги аниқ нормативлар ва стандартлар ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масалалари бўйича қабул қилинган ҳалқаро шартнома ва битимларнинг аҳамияти ҳозирги талаб даражасида кўрсатилмаган. Шунингдек, айрим юрист-экологлар: «Экологик кодекс қабул қилиш мақсадга мувофиқ»<sup>2</sup>, – деб эъти-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси – 1993. – № 1. – 37-м.

<sup>2</sup> Холмұминов Ж. Т. Эколого-правовые проблемы рационального использования и охраны орошаемых земель в Республике Узбекистан. Автореф. на соискание учен. степ. доктора юрид. наук. Алма-Ата, 1997. 45 стр. Уникт ўзи: Ўзбекистон Республикаси экология кодексини қабул қилиши истикборлари. // "Баркамол залодин тарбиялауда экология комуниципалитети ўрни" мавзусига илмий-маддий конф. материаллари. Тошкент. ТДЮИ, 2010. 15-25 б.

Усмонов М. Б. Экологик комуниципалитет: мувымолари, уларни ҳал этиш йўллари кандай? // Ҳадёт ва қонун. – 2002. – № 2. – 53–54-б.

роф этганлар. Ваҳоланки, Экологик кодекснинг қабул килиниши – табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ижобий ҳолат, аммо бевосита атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳуқукий тартибга солиш муаммосини ҳар томонлама ўзида акс эттира олмайди. Чунки Экологик кодексда табиат бойликлари бўлган ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмонлар ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари атрофлича ёритилиши мумкин. Агарда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги кодекс қабул қилинса, биз юкорида эътироф этган атмосфера ҳавоси билан боғлиқ бўлган барча масалалар кенг ёритилган бўлур эди. Бизнингча, келажакда қабул килиниши лозим бўлган ушбу кодексда атмосфера ҳавосини ҳуқукий муҳофаза қилишни тартибга солиш билан боғлиқ ана шу ва бошқа масалалар тартибга солинса, мақсадга мувофик бўлади.

Хусусан, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конунда атмосфера ҳавоси давлат томонидан муҳофаза қилиниши кўрсатилган-у, аммо унинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларда асосий субъект эканлиги кўрсатилмаган. Зеро, давлат атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқукий масалаларни ҳал этишда бевосита ўзи ёки бошқарув органлари орқали иштирок этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Соглиқни саклаш, Ички ишлар вазирликлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган бошқа органлар маҳсус ваколатли органлар хисобланади.

Амалдаги қонунларга биноан, ушбу давлат органлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга доир бир катор ҳуқукий ваколатларга зга бўлиб, улар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартларни ва атмосфера ҳавосининг сифатига доир нормативларни белгилайдилар.

Шунингдек, мазкур органлар ўз ваколатлари доирасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқарув, давлат хисобини юритиш, атмосфера ҳавоси мониторинги, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш юзасидан назорат ўрнатиш каби турли ҳуқук ва мажбуриятларни белгилайдилар.

Умуман олганда, атмосфера ҳавосидан фойдаланувчи ва уни муҳофаза килувчи субъектларнинг барча хусусиятларини инобатга олиб, уларни куйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

- 1) автотранспорт ва бошқа ҳаракатдаги машиналар;
- 2) саноат корхоналари;
- 3) иссиқлик электр станциялари;
- 4) завод ва фабрикалар;
- 5) бошқа корхона, мұассаса ва ташкилотлар;
- 6) ишлаб чыкашында асосланған қурилиш корхоналари ва иншо-отлари:
- 7) фуқаролар, фуқаролиги бүлмаган шахслар ва чет зал фуқаролари.

Фан-техниканинг ҳозирги ривожи ва амалиёттинг күрсатишича, юқорида номлари көлтирилген барча субъектлар атмосфера ҳавосидан объект сифатида фойдаланадилар. Демак, атмосфера ҳавосидан объект сифатида фойдаланиш ва уни мұхофаза қилиш хусусида фикр юритишимиз ҳам амалий, ҳам назарий ажамиятта эга бўлиб, мазкур муаммони кенгрок тушунишга ёрдам беради.

Юридик адабиётда атмосфера ҳавосини объект сифатида тушуниш масаласида икки хил фикр мавжуд. Биринчи фикр тарафдорларининг фикрича, атмосфера ҳавоси фойдаланиш обьекти сифатида қуидагиларни ўз ичига олади: а) атмосфера ҳавосида учраши аниқ бўлган чанг, тутун, газ; б) шовқин; в) радиоактив ҳолат; г) куёш энергияси<sup>1</sup>. Иккинчи нұктай назардан қараганда, атмосфера объект сифатида икки элементни – Ер шарини ўраб турган ҳаво бўшлиги ҳамда ана шу бўшликни тўлдириб турувчи газ, сув буғлари каби моддаларни ўз ичига олади<sup>2</sup>. «Баллон, компрессор ва вентиляция трубаларидағи ҳаво сифатидаги газлар атмосфера ҳавосига кирмайди»<sup>3</sup>.

Атмосфера ҳавоси бошқа табиат бойликларидан уни аниқ мулк сифатида тасарруф қилиб бўлмаслиги билан фарқ қиласи. Факат давлаттинга ҳаво бўшлигининг чегаралари орқали уни тасарруф қилиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Зеро, атмосфера кәтлами табиий ресурсларнинг таркибий қисми сифатида умуммиллий бойлик хисобланади ва ҳар доим давлаттинг атмосфера ҳавосини мұхофаза қилишга нисбатан суверен (мустакил) ҳуқуқи пайдо бўлади.

Ҳар қандай мустакил (суверен) давлат ўз ҳаво бўшлиги чегарасида ҳудудий устуворликдан, атмосфера ҳавосидан фойдаланишида давлат мустакиллиги каби бир қатор ҳуқуклардан фойдаланиши мумкин<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Стәйнов П. Правовые вопросы защиты природы. – М., 1974. – С. 76.

<sup>2</sup> Бригчук М. М. Правовая охрана атмосферного воздуха. – М., 1985. – С. 49.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Колбасов О. С. Атмосфера под защитой закона // Соц. законность. – 1980. – № 10. – С. 15.

Ушбу фикр мустақил давлатлар атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш соҳасида тегишли стандартларни, атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш нормативларини ҳамда атмосфера ҳавоси сифатининг нормативлари белгиланишини тасдиқлайди. Масалан, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш тартибини, унинг аҳволини назорат килиш усулларини, атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш бўйича ўзга талабларни белгилайди.

Атмосфера ҳавосининг ҳолатини акс эттирувчи асосий кўрсатичлар стандартлар орқали белгиланади. Инсон учун атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар (санитария нормалари) Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги томонидан, бошқа стандартлар эса Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитаси томонидан тасдиқланади.

Шунингдек, мазкур қонунда атмосфера ҳавоси сифатининг нормативлари масаласига ҳам катта зътибор берилган. Жумладан, ушбу қонуннинг 7-моддасида шундай дейилади: «Атмосфера ҳавосининг ҳолатини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди учун атмосфера ҳавоси сифатининг куйидаги ягона нормативлари белгиланади:

- атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва атроф табиий муҳит объектлари учун йўл кўйиладиган даражада тўпланиши;

- физикавий омиллар атмосфера ҳавосига акустик, электромагнит, ионлаштирувчи ва бошқа хил зарарли таъсир кўрсатишнинг инсон ва атроф табиий муҳит объектлари учун йўл кўйиладиган даражалари.

Қонун ҳужжатларида айрим минтақалар учун атмосфера ҳавоси сифати нормативларига нисбатан оширилган талаблар белгилаб кўйилиши мумкин.

Атмосфера ҳавоси сифатининг нормативлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади».

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш тўғрисида»ги қонунда доимий манбалардан атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш нормативлари ҳам аниқ белгилаб кўйилган.

Шуниси муҳимки, мазкур қонуннинг 8-моддасига кўра, «атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг ҳамда унга физикавий омиллар зарарли таъсир кўрсатишнинг йўл кўйиладиган доирадаги нормативлари атмосфера ҳаво-

сига чиқиндилар чикарувчи ёки заарли физикавий таъсир кўрсатувчи ҳар бир доимий манба учун ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар ва физикавий таъсир кўрсатиш омилларининг ҳар бири бўйича белгиланади».

Ҳавони ифлослантирувчи доимий манбалардан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари ҳамда унга физикавий омиллар заарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ишлаб чиқадилар. Бу нормативларни тегишилича Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайди.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, атмосфера ҳавосига физикавий омиллар заарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгилаб қўйилади.

Юридик адабиётда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш маълум бир фан соҳаси билан ҳукукий тартибга солиниши хақида ҳам ҳар хил фикрлар мавжуд.

Бундан бир неча ўн йил мукаддам И. С. Перетерский атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳаво ҳукуки билан<sup>1</sup>, айримлар авиация ҳукуки билан<sup>2</sup>, Х. И. Шварц, Ю. И. Тютекин ҳавони муҳофаза қилиш ҳукуки билан<sup>3</sup>, С. Б. Байсалов эса атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳукуки билан<sup>4</sup> тартибга солишини таклиф қилган эдилар.

Назаримизда, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳукукий тартибга солиши масаласида Д. Л. Байдельдинов анча тўғри гояларни олга суради. Унинг фикрича, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳукуки билан тартибга солиши мақсадга мувофиқ<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Вопросы воздушного права. Вып. 1. – М., 1927. – С. 77.

<sup>2</sup> Международное воздушное право. Кн. 1. – С. 33.

<sup>3</sup> Шварц Х. И., Тютекин Ю. И. Правовая охрана природы Моддавни. Кишинген, 1964. – С. 289.

<sup>4</sup> Байсалов С. Б. К вопросу о посягах природоохранного права. – Алма-Ата, 1976. Вып 6. – С. 172-174.

<sup>5</sup> Байдельдинов Д. Л. Правовая охрана атмосферного воздуха: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Алма-Ата, 1986. – С. 13-14.

Бизнингча, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни тартибга солиш масалалари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳукуки институти билан тартибга солиниши ҳозирги замон ва мустақиллик даврида қабул килинган ҳужжатлар талабига тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш субъектлари муайян хусусиятларга эга бўлиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга нисбатан тегишли ҳукук ва мажбуриятларни амалга оширадилар. Айрим субъектлар айни вактнинг ўзида ҳам фойдаланувчи, ҳам назорат қилувчи, ҳам бошкарувчи орган бўлиб ҳисобланадилар.

Атмосфера ҳавоси табиатнинг таркибий кисми сифатида умум-миллий бойлик бўлиб, давлат ҳамда барча юридик ва жисмоний шахслар уни ҳамиша муҳофаза қилишлари зарур.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш муносабатлари экология ҳукукида атмосфера ҳавосини ҳуқукий муҳофаза қилишдан иборат алоҳида институт билан тартибга солиниши, ушбу институт эса атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор субинститутлардан иборат бўлиши керак.

## **2.3. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар**

Барқарор экологик вазиятни вужудга келтириш, инсон ҳаёти ва фаолияти учун қулай экологик шарт-шароитлар яратиш, одамларнинг саломатлигини таъминлаш масалаларини ҳал қилиш юридик ва жисмоний шахслардан қонуналарда кўрсатиб кўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилишларини ҳамда уларни ўз вактида бажаришларини талаб этади.

Умумназарий талаблардан келиб чиқиб таъкидлаш ўринлики, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ҳолати асосан учта ҳуқуқий элементдан, яъни атмосфера ҳавосини ёки ҳар қандай табиат обьектини эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан иборатdir.

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга асосан, атмосфера ҳавосидан фойдаланувчи ва уни муҳофаза қилувчилар атмосфера ҳавосини тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмасдирлар. Зоро, бу ҳуқуқни атмосфера ҳавосини тасарруф қиладиган ва умуммиллий бойликнинг згаси бўлган давлат амалга оширади. Демак, атмосфера ҳавосидан фойдаланувчилар ва уни муҳофаза қилувчилар, атмосфера ҳавосига мулк ҳуқуки асосида зғалик қилмайдилар ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқига ҳам эга эмасдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида фуқароларнинг ҳаёт учун қулай атмосфера ҳавосига эга бўлиш ҳуқуки ва уни сақлаш соҳасидаги мажбуриятлари кўрсатилган. Мазкур қонуннинг 4-моддасига кўра, фуқаролар ҳаёт ва соғлик учун қулай атмосфера ҳавосига эга бўлиш, атмосфера ҳавосининг ҳолати ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ўз вактида ва ишончли ахборот олиш, атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилиши ҳамда физиковий омилларнинг атмосферага заарли таъсир кўрсатиши орқали ўзларининг саломатлигига ҳамда мулкига зиён етказилган ҳолларда заарни ундириб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқаролар атмосфера ҳавосини авайлашлари, унинг ифлосланишига, камайишига ва унга физиковий ва кимёвий омилларнинг заарли таъсир этишига олиб келувчи ҳаракатларни кильмасликлари шарт.

Ушбу қонунда фуқароларнинг ҳаёт ва соғлик учун қулай атмо-

сфера ҳавосига эга бўлишларини таъминлаш максадида, атмосфера ҳавосидан фойдаланувчилар ва уни муҳофаза қилувчиларга атмосфера ҳавосидан экологик конун талаблари асосида фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш масъулияти юклатилади.

Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ўзаро чамбарчас боғлик жараён бўлиб, унга маълум ҳуқукни чеклаш, тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш холатлари ҳам хосдир. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳуқуқини умуман ёки қисман чеклаш мумкин бўлиб, ушбу ҳуқуқнинг асосий мақсади атмосфера ҳавосидан конун талаби асосида фойдаланиш ва уни ҳуқукий муҳофаза қилиш тартибини таъминлашдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатишни ҳамда ундан фойдаланиши чеклаш, тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш масаласига алоҳида зътибор берилган. Унга асосан, атмосферага ифлослантирувчи моддалар ёки биологик организмларни чиқариш, унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланишга доир рухсатномаларда назарда тутилган шартлар ва талабларни бузиш билан боғлик фаолият маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги томонидан уларнинг ваколати доирасида қабул қилган карорига кўра чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир кўрсатиш сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда эса, улар тугатилиши мумкин.

Бинобарин, субъектлар атмосфера ҳавосидан фойдаланишда мазкур конун талаблари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар ҳамда атмосфера ҳавоси сифатининг нормативларига аниқ риоя қилишлари лозим. Акс ҳолда, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш чекланиши, тўхтатиб қўйилиши ёки тугатилиши мумкин бўлади.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида кўрсатилганидек, «табиий ресурслардан фойдаланиш талабларини муттасил бузадиган фойдаланувчи табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин». Ушбу талабни бевосита атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасига ҳам татбик этиш мумкин.

Шунингдек, атмосфера ҳавосидан фойдаланувчи ва уни муҳофаза қилувчи субъектлар «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун-

нинг 20-моддасида кўрсатилган шаутларни ҳам тўлиқ бажаришлари лозим. Унга асосан, «атмосфера ҳавосидан фойдаланишга муайян худуд ҳавосини ўзгартирмаслик, уни бўлгиланган нормативлардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сийраклаштирумаслик шарти билан йўл қўйилади.

Халкаро битимга мувофик, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахслар озон қатламига зарарли таъсири этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишни кисқартиришлари ва келгусида батамом тўхтатишлари шарт».

Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни амалга ошириш атмосфера ҳавосидан фойдаланувчи субъектларнинг мазкур соҳадаги ўз мажбуриятларини бажаришлари билан ҳам боғлик. Мазкур ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Радиация ҳавфсизлиги тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа норматив ҳукукий хуҗожатларида ўз аксини топган.

Масалан, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг бир қатор моддаларига кўра табиатдан фойдаланувчилар: «ёкилғи ва ёнилғи-мойлаш материаллари сифатига доир талаблар» (14-модда), «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда курилмаларини олиб кириш ва уларнинг кириб келиши шартлари» (15-модда), «транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда курилмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш» (16-модда), «транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда курилмаларини таъмирлайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар олдинга қўйиладиган талаблар» (17-модда), «кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш» (18-модда), «козон қатламига зарарли таъсири кўрсатишнинг олдини олишга доир талаблар» (19-модда), «минерал ҳомашёни қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлаш пайтида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга доир талаблар (20-модда), «ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш ёки кўмиб ташлашга доир талаблар» (21-модда), «атмосфера ҳавосининг ҳолатига таъсири кўрсатувчи корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, куриш, қайта куриш ва фойдаланишга топшириш» (22-модда), «кашфиётлар, ихтиrolар, саноат намуналарини, техника ва технологияларни жорий

этиш пайтида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талаблари» (23-модда)га риоя этишлари шарт.

Ушбу қонун талаблари атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни ҳуқукий тартибга солишида атмосфера ҳавосидан фойдаланувчи ва уни муҳофаза килувчиларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини бир неча гурухга бўлишни тақозо килади.

Мазкур масалага ҳуқукий адабиётда ҳам эътибор берилган. Хусусан, атмосфера ҳавосидан фойдаланишга рухсат олинганидан кейин субъектнинг тўрт хил мажбурияти юзага келиши таъкидланади:

1) ташкилий-хўжалик, техник ва бошка нормативлар ҳамда стандартларни ўзида акс эттирувчи (ҳавога чикариладиган газлар миқдорини камайтириш; тегишли аппарат ва техника воситаларини назорат қилиш; атмосфера ҳавосига чикариб ташланадиган чиқиндиларни доимий ҳисоб-китоб қилиш);

2) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш чоғида ер, тупрок, сув ва бошқа табиат бойликларининг ифлосланишига йўл қўймаслик;

3) авариялар оқибатида атмосфера ҳавосининг ифлосланишига йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш;

4) ноқулай метеорологик ҳолатлар вужудга келган тақдирда зарур чораларни кўриш ва бошқа ҳолатлар<sup>1</sup>.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлик барча ҳуқуқлар тегишли мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Агарда мазкур масаланинг конституциявий талабидан келиб чиқадиган бўлсанк, «атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш» (50-модда), «экологик муҳитга зарар етказмаслик» (54-модда), «табиий захиралардан умуммиллий бойлик сифатида оқилона фойдаланиш» (55-модда), «атроф муҳитни муҳофаза қилиш» (100-модда) каби ҳуқук ва мажбуриятлар бевосита амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конунида, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари аниқ кўрсатилган. Жумладан, ушбу қонуннинг 24-моддасига кўра, «фаолияти атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар, иссиқхона газлари ва озонни бузувчи моддалар чиқариш ҳамда атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг зарарли

<sup>1</sup> Природноресурсовое право и правовая охрана окружающей среды. – М., 1988. – С. 324–325.

таъсир кўрсатиши билан боғлик бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар кўйидагиларга мажбурдирлар:

- атмосферага чиқарилган чиқиндилярни тозалаш ва заарли физикавий таъсирни камайтириш учун иншоотлар, асбоб-ускуналар ва аппаратуралардан, шунингдек улар устидан назорат килиш воситаларидан фойдаланиш қондларига риоя килиш;

- хўжалик обьектлари теварагида санитария-мухофаза зоналари барпо этиш;

- чиқиндиляр чиқаришни ҳамда заарли физикавий таъсирни камайтириш чора-тадбирларини кўриш;

- чиқарилган чиқиндиляр ҳамда физикавий омиллар заарли таъсирининг йўл кўйиладиган доирадаги нормативларига риоя килиш юзасидан назорат ўрнатиш, уларнинг ҳисботини юритиш ва белгиланган тартибда статистика ҳисботини тақдим этиш;

- энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, ёкилги-энергетика ресурсларини тежаш, экологик жиҳатдан тоза энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

- метеорология шароитлари нокулай келиши кутилаётганилиги муносабати билан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришни камайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган холда чора-тадбирлар кўриш;

- корхоналар ва транспорт коммуникацияларининг таъсир доирасида атроф мұхитга ҳамда аҳоли саломатлигига заарли таъсир кўрсатилишини баҳолаш;

- кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар ҳамда буғланувчи бирикмаларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва улардан бўшаган идишларни заарсизлантириш шартларига риоя қилиш;

- атмосферага бирваракайига ва авария туфайли чиқиндиilar чиқиши, яширин ҳавфли вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, шунингдек, атмосфера ҳавосининг чегаралараро ифлосланишини камайтириш чора-тадбирларини кўриш;

- чиқиндиларни йўқ қилишни таъминлаш ҳамда улар тўпланиб колганида ва қайта ишланадиганида атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш.

Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш чора-тадбирларини бажариш тупроқ, сув ва атроф табиий мұхитнинг бошқа обьектлари ифлосланишига олиб келмаслиги лозим. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, атмосфера ҳавосидан фойдаланувчи ва уни мухофаза қилувчи субъ-

ектлар ўз хуқукларидан тўла фойдалансалар-да, айрим ҳолларда атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш борасидаги кўплаб мажбуриятларини бажармайдилар.

Очик айтиш мумкинки, минтақамизда атроф муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир этаётган бир қанча экологик ҳавф ўчиқлари ҳамда обьектлари мавжуд. Ҳусусан, Тожикистон алюминий заводи (ТАЛКО ДУК) йилдан-йилга қуввати оширилгач, 80-йилларнинг бошларида ҳавога кўп микдорда фторли водород, олтингугурт гази, азот ва углерод оксидлари чиқариб ташлай бошлади. Аянчли томони шундаки, бу ҳол Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятининг туманларида экологик вазиятнинг кескин ёмонлашувига олиб келган.

Ушбу завод ҳар йили ҳавога 40 минг тоннагача уни булғатувчи моддаларни, шу жумладан 300–400 тонна энг зарарли модда – фторли водородни чиқариб ташлаган. Айрим пайтларда, айниқса, ёз ойларида Сариосиё туманида ҳаводаги фторли водороднинг микдори йўл кўйиш мумкин бўлган меъёрдан 6–8 баравар ошиб кетган. Ёзда вужудга келадиган фавқулодда вазиятдан ташқари, 1983 йилдан буён ўтказилаётган кузатиш даврида ҳаводаги фторли водороднинг ўртacha микдори йўл кўйиш мумкин бўлган меъёрнинг 1,5–2 бараваридан камаймаган. Шу даврда олтингугурт диоксиди ва азот диоксиди, фторли водород ва олтингугурт диоксиди ўртасидаги ўзаро қўшилиш туфайли ҳавонинг булғаниши кучайган.

Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларининг хукуматлари, атроф муҳитни муҳофаза килиш соҳасидаги биргаликдаги саъй-хараткларни янада кучайтириш максадида, 1994 йилнинг 17 нояброда Тожикистон алюминий заводи салбий таъсир қиласидаги ҳудуддаги экологик вазиятни яхшилаш борасида ҳамкорлик килиш тўғрисида битим имзолаган эдилар. Битимда техник мақсадлар учун алюминий ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, экологик меъёrlарни ишлаб чиқиши, иктиносиди зарарни аниқлаш, мазкур ҳудудда атроф табиий муҳитни муҳофаза килиш юзасидан давлат назоратини таъминлаш назарда тутилган. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг табииатни муҳофаза килиш билан шуғулланувчи республика органлари ушбу битимни амалга ошириш максадида 1996–2000 йилларда Тожикистон алюминий заводининг экологик ҳолатини яхшилашга доир илмий тадқиқот ва техника ишлари дастурини ишлаб чиқдилар.

Шу муносабат билан 1999 йил апрель ойида Тожикистоннинг Регар алюминий заводи салбий таъсир қиласидаги ҳудуддаги ижти-

моий-экологик вазиятни барқарорлаштиришга бағишенгандан халқаро учрашув иштирокчилариға Тожикистан ҳамда Ўзбекистон республикалари парламентларининг кўшма мурожаати<sup>1</sup> катта аҳамиятга эга. Хусусан, Регаръ алюминий заводи билан боғлиқ экологик вазиятни юмшатиш учун «Экосан» халқаро жамғармасининг эксперталар гурухи 1999 йилнинг январида Сариосиё ва Узун туманларидаги экологик вазиятни ўрганди, айни пайтда мазкур битимга тегишли жойларда келишув қоидалари қандай бажарилаётганлиги билан ҳам танишиди. Натижада жойлардаги айрим корхона ва ташкилотлар ўз зиммасига олган бир қанча мажбуриятлар шу вактга қадар бажарилмаганлиги, чунончи, Тожикистан алюминий заводи (ТАЛКО ДУК) нинг экологик ҳолатини яхшилаш, фторли водород ва олтингугурт диоксиди кўшилишининг салбий таъсирини тугатиш, иссик иқлим шароити учун санитария-гигиена қоидаларини қайта кўриб чиқиш ва экологик нормаларни ишлаб чиқиши молиялаштириш, ҳаво булғанишини назорат қилишнинг автомат тизимини жорий этишга доир тадбирлар амалга оширилмаганлиги маълум бўлди.

1998 йилда Тожикистан алюминий заводи (ТАЛКО ДУК) кувватининг кисқартирилишига қарамай, унинг одамлар саломатлигига ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига салбий таъсири юқорилигича қолмокда. Масалан, Сариосиё ва Узун туманларида 1998 йилда аҳоли орасида флюороз, юқумли касалликлар, паразитар, эндокрин касалликлар, шиш пайдо бўлиши, иммунитет танқислиги касалликлари, қон хосил килувчи органлар, суяк-мушак тизими касалликлари, туғма нұқсонлар 1996 йилдаги даражага нисбатан 1,5–2 баравар кўпайган.

Эколог ва иқтисодчи олимларнинг фикрича, Сариосиё туманиндағи токзорлар ва машҳур Дашибод анорлари нобуд бўлганлиги, бу ерда ипак қурти бокиш тўхтатилгани оқибатида ҳар йилги иқтисодий зарар 50 миллион сўмга етган. Узун туманида тиббий текширувдан ўтказилган болаларнинг 45,7 % да нафас органлари касалликлари аниқланди. Аҳолининг тиббий кўрикдан ўтган қисмида епотес ва флюороз билан касалланиш даражаси ҳам 45 % дан ошиб кетган. Бу туманда Тожикистан алюминий заводи (ТАЛКО ДУК) нинг салбий таъсири оқибатида 1998 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши 55 миллион сўм зарар кўрган<sup>2</sup>.

Тожикистан давлат тиббиёт институти акушерлик ва гинекология

<sup>1</sup> Ҳалқ сўзи. – 1999 йил 30 апрель.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

кафедраси ходимлари ўтказган тадқиқотларнинг натижалари ҳам Тожикистон алюминий заводида ишлаётган аёллар саломатлигининг ёмонлигини кўрсатди. Чунончи, аёлларнинг катта гурухи текширилганида, уларнинг 82 % да гинекологик касалликларнинг бир хилидан тортиб беш хилигача мавжудлиги, заводдаги ноқулай ишлаб чиқариш вазияти аёлларнинг иммунологик ҳолати, шунингдек уларнинг организмдаги нейро-эндокрин бўғинларга салбий таъсир қилиши аниқланган.

Шуниси ачинарлики, туғма нуксонлар билан тухилаётган болалар Тожикистоннинг Турсынзода туманида мазкур заводнинг салбий таъсиридан олисда жойлашган бошка туманлардагига нисбатан 3 баравар кўп учраши аниқланди. Тожикистон алюминий заводи (ТАЛКО ДУК) атрофидаги ҳудудда истикомат қилаётган болаларни текшириш чоғида уларнинг 83,9 % да иммунологик кўрсаткичлар меъёрида эмаслиги маълум бўлган. Тожикистон алюминий заводи (ТАЛКО ДУК) ҳавога чиқариб ташлаётган заҳарли моддаларни водий шамоллари Ўзбекистон ҳудудига учириб келмоқда, бу ҳол Сурхондарё вилоятининг бир катор туманларида табиатга ва одамлар саломатлигига, айниқса атмосфера ҳавосига салбий таъсир қилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, республикамизнинг жанубий вилоятларидаги экологик аҳволнинг бузилишига ва заводдан чиқарилаётган фтор моддасининг зарарли таъсири оқибатида катталар ва ёшлар ўртасида касалликларнинг 2 баравар ошишига, кўплаб тирик мавжудот ва ўсимликлар дунёсининг йўқолишига олиб келди<sup>1</sup>. Демак, ушбу завод экологик таъсирининг олдини олиш учун: биринчидан, янги технологияларни жорий қилиш; иккинчидан, Ўзбекистон Республикасига етказилаётган экологик зарарни коплатиш; учинчидан, мазкур масала юзасидан давлатлараро ҳамкорликни йўлга кўзиш ва тегишли ҳалқаро ҳуқуқий хужожатлар қабул қилиш; тўртинчидан, ҳалқаро нормаларни ҳаётга татбиқ этиш максадга мувофиқдир.

Хуллас, атмосфера ҳавосидан фойдаланувчи ва уни муҳофаза ки-лувчи субъектлар доимо ўз мажбуриятларига оғишмай амал қилишлари лозим. Бунинг учун улар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда бир катор тадбирларни ҳам амалга оширишлари шарт. Зеро, ишлаб чиқаришда замон талабига мос келадиган, экологик самара берадиган янги технологияларни кўллаш уларнинг биринчи галдаги бурчлари бўлиши лозим. Шу билан бирга, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи ҳар бир субъект етказилган зарарни қоплаш ҳамда атмосфера

<sup>1</sup> Шодиметов Ю. Ш. Центральная Азия: семья, экология и здоровье // Материалы круглого стола «Семья, экология и здоровье». – Т., 1994. – С. 3–10.

ҳавосига заарли таъсир кўрсатганилиги учун товоң тўлаши шарт.

Умуман олганда, амалдаги қонун хужжатларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ ҳамда батафсил аксини топмаган. Шу муносабат билан «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда ёки келажакда қабул қилиниши мумкин бўлган Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш кодексида юридик ва жисмоний шахсларнинг мазкур соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ тавсифи ҳамда турларини кўрсатиш ҳам давр талабидир.

### **Назорат саволлари:**

1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳуқукий тартибга солиш тушунчаси нимадан иборат ?
2. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳуқукий тартибга солишнинг қандай принциплари мавжуд?
3. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқукининг субъектлари ҳакида нималарни биласиз?
4. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқукининг обьектлари нима?
5. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қандай ҳуқуклар мавжуд ?
6. Қонунчиликда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий мажбуриятлар кай даражада ўз аксини топган?
7. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш тартибининг ҳуқукий асоси нималардан иборат?
8. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастриининг ҳуқукий мазмуни нималарда намоён бўлади. ?

# **III – БОБ. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА НАЗОРАТИ**

## **3.1. Атмосфера ҳавосини ҳуқукий муҳофаза қилишни тартибга солишда давлат бошқаруви, унинг функцияси ва шакллари**

Сўнгги йилларда экологик тадбирларнинг замон талаблари асосида амалга оширилмаслиги атмосфера ҳавоси билан бөглиқ бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, табиатни муҳофаза қилиш, айниқса, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасида давлат бошқарувини янги усулда ташкил этишни такозо этади.

Шу боис ҳам атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви, республикамиз ва халқимиз ҳаётий манфаатларидан келиб чиқиб, асосан она табиатимизга, атмосфера ҳавосига зарар етказилишига йўл кўймайдиган, экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмайдиган чора-тадбирларнинг кўрилиши ва тартиб-қоидаларнинг ўрнатилишига хизмат қилади. Зоро, амалиётнинг кўрсатишича, умуман, табиатни муҳофаза қилиш ва экология соҳасида, айниқса, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасида давлат бошқарувини ҳозирги замон талаби даражасида ташкил қилиш учун масаланинг назарий томонларига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур.

Шу муносабат билан экология ҳуқуки, хусусан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги бир қатор олимларнинг ишлари<sup>1</sup> ҳамда қабул қилинган конунларнинг<sup>2</sup> ахамиятини таъкидлаш ўринли.

Юридик адабиётда мавжуд фикрлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасидаги давлат бошқаруви экология ҳуқуқида алоҳида

<sup>1</sup> Байдельдинов Д. Л. Правовой механизм государственного управления в области экологии. – Алматы, 1998; Бринчук М. М. Правовая охрана атмосферного воздуха. – М., 1985; Жўраев Ю. А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дис. – д-ра юрид. наук. – М., 1996; Колбасов О. С. Экология: политика, право. – М., 1976. – С. 215; Лунев А. Е. Природа, право, управление. – М., 1981; Холмуминов Ж.Т. Государственное управление в области охраны окружающей среды (понятие, принципы и функции). Ҳуқук. Право. Law. 2004 №3, 42-44 стр.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Табиятни муҳофаза қилиш тутрисидайги 1992 Йил 9 декабрь конуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 38-м.; Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тутрисидайги 1996 Йил 27 декабрь конуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Маълисисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 52-м.

институтни ташкил килади. Уни ташкил этишдан мақсад атмосфера ҳавоси ифлослантирилишининг олдини олиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлик бир қатор тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, инсоннинг мусаффо атмосфера ҳавосига бўлган эҳтиёжини қондириш учун давлат органлари фаолиятини конун асосида олиб боришдан иборатдир.

Ушбу фаолиятнинг ҳуқукий асосини Ўзбекистонда қабул қилинган экологик қонунлар, давлат органларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив ҳуқукий ҳужжатлари ташкил килади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш борасида давлатнинг бир қатор функциялари мавжуд бўлиб, ушбу функциялар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда давлат бошқарувининг самарадорлигини таъминлаш ва кўплаб ижобий ишларни амалга оширишга қаратилган.

Шу сабабли, ушбу функцияларнинг бажарилиши бир қатор масалаларни, яъни бошқарувни амалга оширувчи давлат органлари, уларнинг ҳуқукий ваколатлари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш юзасидан давлат назоратини олиб бориш каби масалаларни ҳам ҳал этишни талаб қиласди.

Ҳозирги шароитда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни бошқаришнинг барча функциялари ушбу масалага қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқукий шакл ва усусларда амалга оширилади. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни бошқаришнинг қуйидаги уч *шаклини* таъкидлаш ўринли:

1) ҳуқуқ ижодкорлиги – атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни бошқаришга доир давлат органларининг тегишли ҳуқукий-норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва уларни қабул қилиши жараённида мавжуд бўлади;

2) ҳуқукий нормаларни қабул қилиши – бунда давлат атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни бошқариш соҳасидаги ҳуқукий норматив ҳужжатларни аниқ мақсадлар йўлида чиқаради;

3) ҳуқуқни муҳофаза қилиш – бу давлатнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни бошқариш фаолиятида намоён бўлиб, ҳуқукий нормаларда кўрсатилган талабларни ўз вақтида бажармаслик ва атмосфера ҳавоси тўгрисидаги қонунларни бузиш жараённида вужудга келади.

Шунингдек, атмосфера ҳавосини мухофаза қилишни бошқариш тизимини мустаҳкамлаш *усуллари* ҳам мавжуд бўлиб, улар юкоридаги шакл ва функцияларнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди:

- а) мазкур соҳадаги кўрсатмаларни амалга ошириш;
- б) давлат органлари чиқарган буйрукларни аниқ бажариш;
- в) маълум экологик шарт-шароитларни ҳисобга олиб, илмий ва амалий тавсиялар бериш.

Ҳар қандай шароитда атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш юзасидан давлат бошқаруви усуллари хокимият ва унга бўйсуниш жараённида тегишли ҳуқукий норма талабларини бажариш ҳоллари билан боғлиқдир.

Юкоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланишини бошқариш тизими бир катор хусусиятларга эга бўлиб, бошқа табиат объектларидан фарқланади.

Улар қўйидаги ҳолларда намоён бўлиши мумкин:

атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги стандарт ҳамда нормативларни белгилаш жараёнида;

атмосфера ҳавоси мониторингини амалга оширишда;

атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнида давлат ҳисобини юритишида ҳамда экологик экспертиза ўтказишида;

атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш юзасидан давлат назоратини олиб борища;

атмосфера ҳавоси тўғрисидаги қонунларни бузиш оқибатида кўлланиладиган жазо чораларини белгилашда;

зарарли таъсир кўрсатганлик учун қонун асосида тегишли жарима тўлаш ва бошқа жараёнларда.

Хуллас, атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланишини бошқариш функцияси, шакл ва усуллари катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу масала амалдаги қонун ҳужжатларида кенгроқ ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир. Зоро, атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланишини бошқаришнинг экологик талабларга асосланган ҳолда ташкил этилиши ҳамда олиб борилиши янада самарали бўлишига ҳамда барча табиат бойликларининг келажак авлоддга бус-бутун қолдирилишига ёрдам беради.

### **3.2. Атмосфера ҳавосидан фойдаланишни назорат қилувчи ва муҳофаза қилувчи давлат бошқарув органлари ҳамда уларнинг ваколатлари**

Атмосфера ҳавосидан фойдаланишни назорат қилувчи ва уни муҳофаза қилувчи давлат бошқарув органларининг фаолияти катта аҳамиятга эга бўлиб, у муайян давлат органларининг тегишли ваколатлари орқали амалга оширилади.

Давлат органлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг аниқ мақсадларига кўра икки гурухга, яъни 1) умумий ва 2) маҳсус ваколатли органларга бўлинади. Умумий бошқарув органига, барча турдаги ижтимоий муносабатлар билан бир қаторда, экологик муносабатларни ҳам тартибга солиб туриш ваколати берилган бўлса, маҳсус бошқарув органига эса бевосита экологик муносабатларни тартибга солиш ваколати берилган<sup>1</sup>.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш мақсадидаги умумий ваколатли давлат бошқарув органларига марказда ва жойларда ижроия ҳокимиятини амалга оширадиган органлар киради. Улар ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда амалга оширадилар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни тартибга солувчи маҳсус органлар фаолияти ва функцияларига кўра икки тоифага ажратилади: *биринчиси* атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга масъул бўлган асосий (бевосита) органлар бўлиб, уларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзгидромет» ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси киради; *иккинчи* (бильвосита) тоифадаги давлат органларига эса атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга бевосита ёрдам бериш ваколатига эга бўлган тармок бошқарув органларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасига биноан, «атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив хужоатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

<sup>1</sup> Экологическое право (на основе Экологического законодательства Республики Узбекистан). Альбом схем. Учебное пособие //Министерство Высшего и средне-специального образования РУз: Автор составитель Ж.Т.Холмунилов. Т.: Тафаккур. 2010. 272 с.

маси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

Ууман олганда, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш борасида вужудга келадиган ҳукукий муносабатларни тартибга соладиган бошқа органлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конунининг 7-моддасида Олий Мажлиснинг табиатни муҳофаза қилишга таалтуқли ҳукукий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари кўрсатилган бўлиб, улар атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни бошқаришга ҳам бевосита тегишлидир.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси экология ва табиатни муҳофаза қилишининг асосий йўналишларини белгилаш билан бирга, жойларда тегишли экологик қонунларнинг ижросини ўрганиш орқали маҳаллий ҳудудларда атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш билан боғлик бўлган экологик сиёсатни ҳам амалга оширади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг табиатни муҳофаза қилиш билан боғлик ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси (15-банди) ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги 1994 йил 22 сентябрь конституциявий қонунида<sup>1</sup> ҳам батафсил кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конунининг 5-моддасига кўра, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширадилар.

Мамлакатимизда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни бошқарища ижро этувчи органларнинг ўрни ҳам катта. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат ва ижроия ҳокимият бошлигидир. У Ўзбекистон Конституцияси 93-моддасининг 4-бандига асосан, экология, табиатни муҳофаза қилишга, жумладан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга онд шартнома ва битимларни имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг яхборотномаси. – 1994. – № 10. 250-м.

хамда, мазкур модданинг 13-бандига кўра, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимига номзодларни тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конунининг 9-моддасига мувофиқ, табиатни муҳофаза қилиш хамда атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги ваколатлари катта аҳамиятга эга бўлиб, у табиатни, шу жумладан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида қуийидаги ваколатларни амалга оширади:

– табиатни муҳофаза қилиш борасида ягона сиёsat юритиш;

– табиат ресурсларидан фойдаланиши тартибга солиш;

– табииy ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгилаш ва бундай кадастр юритилишини таъминлаш, республика аҳамиятiga молик табиат ресурсларининг захираларини тасдиқлаш;

– экологик жиҳатдан танг вазиятлар, табииy оғатлар ва фалокатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши;

– табииy оғатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– табииy ресурслардан фойдаланганлик, атроф табииy мухитни ифлослантирганлик, чикиндилар, зарарли таъсир этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташлаганлик учун ҳақ тўлаш тартибини, шунингдек табииy ресурслардан фойдаланиш, чикиндилар жойлаштириш лимитларини белгилаш;

– экологик таълим ва тарбия тизимини яратиш хамда унинг амал қилишини таъминлаш;

– табиатдан алоҳида тартибда фойдаланиладиган худудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва хўжалик фаолияти режимларини тасдиқлаш;

– табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ва бошқа тадбирлар.

Вазирлар Маҳкамасининг табиатни хамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бир қатор ваколатлари Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги конунинг 11-моддасида ҳам ўз аксини топган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, табиат бойликлари ва атмосфера ҳавосидан фойдаланиш хамда уларни муҳофаза қилишни бошқариш борасида

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги 1993 йил 6 май конуки // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. -- 1993. -- № 5. -- 202-м.

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳамияти ҳам катта.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг «Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонунида мазкур органнинг табиатни муҳофаза қилиш, жумладан атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлик ваколатлари аник белгиланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида кўрсатилганидек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жумладан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари ҳам киради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари аник кўрсатилган бўлиб, ушбу ҳолатлар бевосита атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга ҳам тегишилдири. Унга асосан, қуйидаги вазифалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатига кириши кўрсатилган:

- ўз ваколати доирасида ўз худудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг (худуднинг) экологик дастурларини тасдиқлаш;
- табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экологик жиҳатдан зарарли бўлган обьектларни рўйхатга олиш;
- табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техник жиҳатидан таъминлаш;
- табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи, саноат ёки рўзгор чиқиндиларини тўплаш ёки кўмиб ташлашга рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш;
- табиий ресурслардан фойдалангандик учун тўловлар ундириш;
- табиатнинг муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф табиий муҳитга зарар етказаётган маҳаллий аҳамиятга молик обьектлар фаолиятини вақтингча ёки бутунлай тўхтатиш ва кайта ихтинослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 9. 322-м.; 1997. – № 4-5. – 126-м.; 1999. – № 5. – 110-м.

Шу билан бирга, маҳаллий вакиллик давлат органлари ўз худудларида Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси жойлардаги бўлинмаларининг табиатни ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишни бошқариш билан боғлик ишларини сесияларида кўриб, назорат қилиб туради.

Булардан ташқари, маҳсус ваколатли давлат органлари ҳам мавжуд. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни бошқаришда Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ваколатлари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида аниқ кўрсатилган. У ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўйсунади ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1996 йил 26 апрелда тасдиқлаган тегишили Низом<sup>1</sup> билан тартибга солинади. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул килган қарорлар давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам ўз ваколати доирасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлик бир катор ишларни амалга оширади. Масалан, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига биноан, кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлик масалаларни ҳал этади.

Кимёвий моддаларни ишлаб чиқарувчи ёки улардан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар бундай моддаларнинг атмосфера ҳавосида йўл қўйиладиган даражада тўпланиш нормативларини, уларни назорат қилиш усуслари ва экологик-токсикологик паспортларини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белги-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тўғрисидаги Низом. – Т., 1996. – 32-б.

лаган тартибда ишлаб чиқадилар.

Ишлатиш тақиқланган ва ишлатишга яроксиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш Ўзбекистон Республикасининг Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бералиган руҳсатнома асосида амалга оширилади.

Кимёвий моддаларни ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаси, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи омил, минерал ўғит ва бошқа препаратлар сифатида факат ердан туриб ишлатишга йўл қўйилади. Қишлоқ хўжалиги экинларига кимёвий моддалар билан ишлов бериш қонун хужжатларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколати доирасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, уни ифлосланишдан сақлаш, белгиланган стандарт ва нормативлар асосида атмосфера ҳавосидан фойдаланишни бошкариш холларини белгилайди. Вазирлик асосан Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги хизмати (ЙХХХ)нинг фаолиятини тўғри ташкил этиш ва унинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда тегишли давлат стандарти ва нормативларига риоя қилинишини таъминлаши асосида ушбу функцияларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги ўз гидрометеорология маркази хизмати, ўз ваколатига асосан, атмосфера ҳавосининг ҳолатини кузатиш, у ҳақда ахборот тўплаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва истиқболни белгилаш, атроф табиий мухитнинг давлат мониторингини ягона тизим бўйича қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш каби вазифаларни бажаради.

Амалдаги қонунчиликка асосан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда яна бир қатор органлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги Ер каърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология хизмати, «Ўзметкомбинат» АИЧБ, «Ўзбекэлектрокимёсаноат», «Ўзбеккимёмаш», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси, «Ўзавтосаноат» АК, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниялари ва бошқаларни

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишга бевосита ёрдам бериш ваколатига эга бўлган тармок бошқарув органлари жумласига киритиш мумкин.

Хуллас, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишини бошқаришни такомиллаштириш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур:

*биринчидан*, барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва агентликларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишдаги ҳамкорлигини тъминлаш;

*иккинчидан*, жойларда маҳалла қўмиталари, фуқаролар йигини, тадбиркорлар, хусусий корхоналар ва хорижий фирмаларнинг табиатни ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш;

*учинчидан*, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш учун «ЭКОСАН» ҳалқаро экология ва саломатлик хайрия жамоат фонди, «Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати», «Маҳалла» ва бошқа нодавлат ташкилотларнинг фаоллигини янада ошириш;

*тўртинчидан*, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда ва экологик фалокатларнинг олдини олиш ҳамда унга карши курашда депутатларнинг фаоллигини ошириш;

*бешинчидан*, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда ёки келажакда қабул қилиш таклиф этилаётган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги кодексда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга масъул давлат бошқарувини органларининг ваколатларини янада батафсилоқ ва аниқроқ кўрсатиш.

Фикримизча, ушбу вазифаларни тез ва тўлиқ бажариш атмосфера ҳавосининг хуқуқий жиҳатдан самарали муҳофаза қилинишини тъминлашга ёрдам беради.

### **3.3. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда давлат назорати**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги экологик назорат экология ҳуқуки субъектларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш талабларини ўз вақтида бажаришларини назорат қилиш демакдир. Экологик назоратнинг асосий мақсади атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаб, ушбу соҳадаги ҳуқукбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиши ҳамда уларнинг олдини олишдан иборат.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат экологик назорати қўйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

**бириңчидан**, мустақил давлатимизнинг экологик сиёсатини ўзида акс эттириши;

**иккинчидан**, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг асосий элементи эканлиги;

**учинчидан**, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда белгиланган норматив ва стандартларга амал қилишини таъминлашга каратилганлиги;

**тўртинчидан**, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқукий асосини белгиловчи норматив ҳужжатларни амалга ошириш;

**бешинчидан**, атмосфера ҳавоси мониторинги, уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисоботини юритиш;

**олтинчидан**, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқукбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ушбу қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ва бошқалар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг обьектини атмосфера ҳавоси, унинг таркиби ҳамда бошқа табиат бойликлари билан ўзаро муносабати ташкил этади.

Табиат бойликларининг эгаси бўлиб асосан давлат ҳисобланади. У ушбу соҳада чекланмаган ҳуқукларга эга. Мазкур ҳуқуклар табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишини ҳам таъминлашга хизмат қиласди<sup>1</sup>. Бинобарин, давлат табиат ресурс-

<sup>1</sup> Ереин А.Е., Мухитдинов Н.Б., Ильяшенко Л.В. Правовое обеспечение рационального природопользования. – Алматы, 1985. – С. 51–52.

ларини, жумладан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда маълум дараражада экологик назоратни ҳам амалга оширади.

Экологик назорат корхона, муассаса, ташкилот, фуқаролар ва бутун хўжалик юритувчи субъектларнинг атроф табиий муҳит талабларига ҳамда жамиятда экологик ҳавфсизликни таъминлашга ундайди<sup>1</sup>.

Ҳар қандай вазиятда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш табиат бойликларининг ўзаро боғлиқлиги талабидан келиб чиқиб, маълум принциплар асосида олиб борилиши лозим<sup>2</sup>.

Умуман олганда, Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 29-моддасида экологик назоратнинг вазифалари кўрсатилган бўлиб, бу эса, ўз навбатида, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга ҳам бевосита тегишлидир. Мазкур моддага асосан, экологик назорат олдига атроф табиий муҳитнинг аҳволини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсирида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориши; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир конунларнинг талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирларнинг бажарилишини текшириш вазифаси қўйилган.

Экологик назорат тизими атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориши давлат хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идора, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратларидан иборат. Айрим олимлар экологик назоратнинг давлат, идора ва жамоат назоратидан иборат эканлигини таъкидлайдилар<sup>3</sup>. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конунининг 31-моддасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати талқин этилган. Унга кўра, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари амалга оширадилар. Қўйида гилар махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-майиш секторда ишларнинг бехатар

<sup>1</sup> Петров В. В. Экологическое право России. – С. 76.

<sup>2</sup> Хольмуминов Ж. Т. Эколого-правовые проблемы использования орошаемых земель в Республике Узбекистан. – Т., 1996. – С. 83–95.

<sup>3</sup> Петров В. В. Экология и право. – М., 1981. – С. 128–129.

**олиб бориљшини назорат қилиш давлат инспекцияси, Үзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.**

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширишда катнашишга идоравий экология хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишини таъминлашда идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратининг аҳамияти жуда катта. Шу боис ҳам Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конунда ушбу масалага алоҳида эътибор берилган. Жумладан, мазкур конуннинг 32-моддасига биноан, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг экология хизмати шу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолияти юзасидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий назоратни амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг экология хизматлари амалга оширадилар ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш, атроф табиий мухитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир конунлар талабларининг бажарилиши борасида қабул қилинган дастурлар ва айрим тадбирларнинг ижросини текшириш мақсадини кўзлайдилар.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат назоратини ўзини ўзи бошқариш идоралари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва фуқаролар амалга оширадилар. Идоравий, ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи экология хизматларини ва экология соҳасидаги жамоат назоратини ташкил қилиш ҳамда уларнинг фаолияти Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конун ва мазкур хизматлар тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш юзасидан назорат олиб бориш тартиби Үзбекистон Республикасининг Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конунида ҳам ўз аксини топган. Ушбу конуннинг 28-моддасида кўрсатилишича, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш юзасидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколат берилган давлат органлари конун хужожатларида белгиланган тартибда амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги атмосфера ҳавосининг

муҳофаза қилинишини назорат қилиш бўйича маҳсус ваколат берилган давлат органларидир. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш юзасидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиатни муҳофаза килиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни тиклаш, жумладан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқларро бошқарувини амалга оширувчи, идоралардан устун турувчи ва мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ушбу қўмита тўғрисидаги Низомига асосан давлат назоратини амалга оширади<sup>1</sup>. Жумладан, 13-банднинг а қисмига биноан, ушбу қўмита экология тизимлари, табиий генофонд, биологик мувозанатнинг, атмосфера ҳавосини, ер усти ва ер ости сувларини, тупрокни ифлослантирувчи манбаларнинг, ўсимлик дунёси (шу жумладан ўрмонлар) ва биологик сув объектларининг, ёввойи ҳайвонлар яшаш муҳитининг ҳолатини ва бошқаларни назорат килади. Мазкур хукукий ҳужжатда табиат ва атмосферани муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш юзасидан давлат назоратини амалга оширишнинг бошка ҳолатлари ҳам аник белгилаб кўйилган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги органлари фаолияти шуни кўрсатмоқдаки, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширишнинг бир қатор муаммолари мавжуд.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги Давлат назорати назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ишлих ҳудудий комиссиялар рухсатига биноан ўtkазилади.

2000-2007 йиллар давомида 27773 объектлар, шу жумладан, 22246 саноат ва 5536 транспорт корхоналари текширилди. Асбобий услуб билан 1003682 ифлослантирувчи манбалар текширилди, 121293 та белгиланган меъёрлар ва давлат стандартлардан ортиқ кўрсаткичлар билан манбалар аниқланди, 39531 ифлослантирувчи манбаларнинг фаолияти вақтинча тұхтатилди. Ишлаб чиқариш фаолиятининг тұхтатилиши хисобига, 3,862 минг тонна ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферага ортиқча ташланишининг олди олинди.

2000 йилга нисбатан 2007 йилда умумий текширишлар 3526 тага

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом. – Т., 1996. – 32-6.

камайтирилиши билан бирга асбобий услуб билан текширилган стационар ва кўчма ифлослантириш манбалари сони умумий республика бўйича 8,7 баробарга ортди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз фаолиятида ер, сув, атмосфера ҳавоси, ер ости сувлари ва бошка табиат бойликларини ифлосланишдан сақлаш ва улар таркибининг конунда белгиланган доирада бўлиши юзасидан тегишли давлат назоратини олиб боради. Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли органлар бошка органлар билан биргаликда кишлок аҳоли пунктлари, туман, шаҳар ва бошка барча жойларда санитария ҳолатини ҳам назорат қиладилар. Соғлиқни сақлаш органларининг санитария ҳолатини назорат қилиш борасидаги барча ваколатлари маҳсус қонунда ўз аксини топган<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каимов ташаббуси билан Соғлом авлод учун хайрия жамғармасининг ташкил этилиши, Оналар ва болалар йили деб эълон килиниши ҳам ҳозирги ва келажак авлод учун соглом табиий муҳитни таъминлаш ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ишининг муваффакиятли силжишига ҳисса қўшди.

Маълумки, соғлиқни сақлаш органлари ўз фаолиятларида атмосфера ҳавосининг таркибини кўпроқ санитария эпидемиология бўлинмалари (СЭС) орқали назорат қиладилар ва унинг санитария-гигиена талабларига жавоб беришини таъминлайдилар. СЭС органлари ўз фаолиятида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва унинг стандарт ҳамда нормативларини талаб даражасида сақлаш учун «Метрология тўғрисида»ги қонун<sup>3</sup> талабларини ҳам амалга оширадилар ва Ўзгидромет маркази хизмати билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунининг талабига асосан, атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатишини тартибга солишда ва назорат қилишда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳам тегишли ваколатлари мавжуд. Жумладан, мазкур қонуннинг 12-моддасига кўра, атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши йўл кўйиладиган тегишли даражадан ошмаслиги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф-мухит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий Мавзуза -2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретростектив таҳлил). Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида, Тошкент: 2008. -35 Б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисидаги 1992 йил 3 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1992. – № 9. – 355-м.; 1995. – № 6. – 118-м.; 1999. – № 5. – 124-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисидаги 1993 йил 28 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгизининг ахборотномаси. – 1994. – № 2. – 48-м.

зарур. Атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатишига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги берган руҳсатнома асосида йўл кўйилиши мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республикадаги экологик вазиятни, шу жумладан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ишларини таҳлил қилиб, 1999–2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракатлар дастури тайёрланди. Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 469-сонли 1999 йил 20 октябрь карори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон бўйича умумий ялпи ташламалар тузилмасида сўнгги йигирма йилда сезиларли ўзгаришлар рўй бермади. Шундай қилиб, углерод оксиди ва углеводородлар ташланмалари таркиби 2 фоизга (50 фоиздан 52 фоизгача) кўпайди. Ўз ўрнида, олтингугурт диоксиди 2 фоизга (14 фоиздан 12 фоизгача) ва каттиқ зарралар 3 фоизга (8 фоиздан 5 фоизгача) ташламалари таркиби камайди. Мазкур даврда тузилмада азот оксиди таркиби ўзгармади ва 9 фоизни ташкил килди. Турғун манбалар чиқиндиларининг асосий қисмини олтингугурт диоксиди, углеводородлар, каттиқ моддалар ташкил этади.<sup>1</sup>

Корхона раҳбари буйруғи билан ПГОУ чанг тозалаш курилмаларининг ишини бошқариш учун жавобгар шахслар тайинланган бўлиб, ушбу курилмаларнинг самарали ишлашини саноат санитария лабораторияларидан ажратилган маълум гурухлар жадвал асосида назорат қилиб турадилар. ПГОУ чанг тозалаш курилмаларининг самарали ишлашини корхона лабораторияси ва Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳсус таҳлилий назорат инспекцияси (Тошвилоят МТНИ) кузатиб туради.

Вилоят корхоналарида ҳар йили ободонлаштириш, санитария-химоя зоналарини кўкаламзорлаштириш борасидаги чора-тадбирлар режаси тузилади. Барча участкалар алоҳида зоналарга бўлинган бўлиб, уларга шу участкаларда жойлашган бўлим бошликлари жавобгар қилиб кўйилади.

Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва унинг муҳофаза қилиниши-

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит колати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тұғрисида Миллий Маъруза-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил). Б.Б. Аликонов умумий таҳрири остида, Тошкент. 2008. -18 б.

ни назорат килишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишини хукукий таъминлаш вазифаси кўпроқ Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги хизмати (ИҲҲҲ), Қўриклаш хизмати, Ёнгинга карши курашувчи бўлим ва Санитария милицияси зиммасига тушади.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси нинг 1998 йил 14 ноябрда кабул килган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори<sup>1</sup> катта аҳамиятга эга.

Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати ҳавфсизлиги ходимлари Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилаётган ва фойдаланилаётган ҳаракатдаги манбалар учун куйидаги давлат стандартлари (ГОСТ)дан фойдаланилишини назорат қилишлари лозим:

- автомобиль транспорти ва қишлоқ хўжалик машиналари учун – 17.2.2.03-87; 21393-75; 17.2.2.02-98, 23734-98, 17.2.2.01-84, 17.2.2.02-86, 17.2.2.04-86.
- темир йўл транспорти учун – 24028-80, 24585-81, 30574-98;
- авиация транспорти учун – 17.2.2.04-86 ва бошқалар.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ҳайъатининг 2007 йил 29 ноябрдаги 11/3-сонли Тоза ҳаво тадбирини ташкил қилиш ва ўтказиша Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш тўғрисидаги Қарорига мувофиқ, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ билан ҳамкорликда:

- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш бўйича қўшма ишлар дастури ишлаб чиқилди;
- умуман республика бўйича Тоза ҳаво тадбири ўтказиладиган ЙПХ ЙҲҲБ постлари белгиланди;
- табиатни муҳофаза қилиш ва ИИВ ЙҲҲБ органлари томонидан, хусусан, Тоза ҳаво тадбирини ташкил қилиш ва ўтказиша автотранспорт воситаларининг экологик ҳолатини давлат назоратидан ўтказиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади;

<sup>1</sup> Ҳалқ сўзи. – 1998. – 15 нояб.

- Тоза ҳаво тадбирини ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнининг назорат текширувани амалга ошириш ва табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий қўмиталари ва ИИВ ЙҲҲБга услубий ёрдам бериш бўйича ишлар кучайтирилди ва бошқа қатор чоралар кўрилди.

2006 йилда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзавтосаноат уюшмаси ЎзДЭУавто АЖ учун:

- TSh 80-010:2004 Matiz туридаги енгил автомобиллар;
- TSh 80-003:2004 Nexia туридаги кичик тоифадаги енгил автомобиллар;
- TSh 80-001:2004 Damas туридаги енгил автомобиллар»;
- TSh 80-005:2004 Damas туридаги автофургоналар янги техник шартлар келишилди, уларда ишлатилган газларидан ифлослантирувчи моддалар таркибининг меъёрлари бўйича талаблар акс эттирилган. Зоро, автомобильдвигатели томонидан атмосферага ажратиладиган ишлатилган газлардагизаарли моддалар миқдори ГОСТ Р 42.83 Заарали моддалар ташламалари нуткаи назаридан транспорт воситаларини расман тасдиқлашга таалукли умумий кўрсатмаларда (БМТ ЕЭК 83-02А Қоидаларида) белгиланган катталиклардан ошмаслиги ёки Евро-0 талабларига мос келиши зарур. Мазкур автомобиллар ташламаларида кўргошин заҳарли коришмалари йўқлигини таъминлаш керак.

2006 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-531-сонли Самарканд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорти саройини янгилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойиши қабул қилинди, унга кўра 2007 йил 1 марта Евро-2 стандартти талабларига, 2010 йил 1 январдан эса Евро-3 экологик тоифаси талабларига жавоб бермайдиган автомобилларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланади. Мазкур ҳужжатни ривожлантирилишида, Ўзбек стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг кўшма қарори қабул қилинди ва 2007 йил 7 апрелда Адлия вазирлиги томонидан 1670-сон билан рўйхатга олинди. Қарорга мувофиқ, 2007 йил 1 марта янги олиб кирилаётган автотранспорт воситаларига заарали моддалар ташламалари учун Евро-2 талабларига, 2010 йил 1 январдан эса, Евро-3 талабларига мос келадиган БМТ ЕЭК 24, 49 ва 83-сонли Автомобиль техникасининг ифлослантирувчи моддалар ташланмаларига кўйиладиган талаблар

тўғрисидаги Қоидаларига асосланган М2, М3 ва Н2 тоифадаги Россия Федерацияси меъёрий ҳужжатлари (ГОСТ Р 41.24-2003, ГОСТ Р 41.49-2003, ГОСТ Р 41.83-2004, ГОСТ Р 51832-2001) амалга жорий этилди.<sup>1</sup>

Юқорида кўрсатилган барча давлат стандарти талабларини мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1997 йил 15 май «Карантин-кўриклаш тадбирлари ва санитария назоратини таъминловчи милиция бўлинмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 109-сонли ҳамда ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида санитария назорати тўғрисида»ги 11-сонли 1999 йил 17 январь буйрукларида ўз аксини топган.

Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ўз фаолиятида Прокуратура органлари, ИИВ ва Соғлиқни саклаш вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзгидрометеорология маркази хизмати билан биргаликда текширишлар, рейдлар, кузатишлар олиб бориб, бу ишларни доимо мувофикаштирумокда ва ижобий натижаларга эришмоқда.

Вилоятлар ҳудудига транспорт ва ҳаракатланувчи воситаларнинг олиб келиниши ва олиб кетилишини назорат қилиш ЙХХХнинг ваколат доирасига киради. ИИВ бўлимлари тасдиқланган «Экологик талонлар бериш, автомобильдвигателларидан чиқаётган ишлатилган газлар заҳарлилигини (тутун микдорини) назорат-ўлчов ишларини амалга ошириш, олиб кирилаётган автомобилларга сертификат бериш ва транзит автотранспортларга рухсатномалар бериш» ҳақидаги низомга асосан, республикага кириб келиш постларида транзит автотранспортларга экологик рухсатномалар, олиб кирилган автомобилларга уларни рўйхатга олиш вақтида экологик сертификатлар берадилар.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Атроф муҳит муҳофазаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг 1999–2005 йилларга мўлжалланган амалий дастури тўғрисидаги 469-сонли 1999 йил 20 октябрь қарори билан шу масала бўйича Тошкент вилояти ҳудудида иккита Экотрансназорат пости ташкил этилиши кўзда тутилган.

Тошкент вилоятида транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи восита-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит колективи ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий Маркази – 2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектива тахлил). Б.Б. Алхансов умузий таҳтири остида. Тошкент. 2008. -22-23 Б.

лар ишлаб чиқарилмайды. Ишлатилган газлардаги заарлы моддалар мөкдорига оид нормага риоя килиниши б-бандда күрсатилган давлат стандартлари (ГОСТ)га асосан йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари томонидан Автокорхоналарни мувофиқлаштирувчи кенгаш тасдиқлаган режа-жадвалга асосан ўтказиладиган текширишлар, шунингдек Тоза ҳаво тадбирини ўтказиш давомида назорат килинмоқда.

Маълумки, Атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш тұғрисидаги конуннинг 15-моддасига биноан, транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда қурилмалари күрсатадиган салбий таъсир ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар мөкдорига ва улар физикавий омилларининг заарлы таъсир күрсатишига доир Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган нормативлардан ошмаган тақдирдагина мамлакатимиз ҳудудига бу воситалар ва қурилмаларни олиб киришга ва уларнинг кириб келишига йўл қўйилади.

Мазкур конунда, транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда қурилмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳам аниқ күрсатилган. Аммо конуннинг 16-моддасида белгиланган талабга кўра, ишлатилган газлар чиқариб юборилганида улардаги ифлослантирувчи моддаларнинг мөкдори ёки улар физикавий омилларининг заарлы таъсир күрсатиши нормативлардан юқори бўлган транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда қурилмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиши тақиқланади.

Бундан ташқари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни назорат этишда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер каърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилиқда ва коммунал-маший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат килиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзгидрометеорология маркази хизмати, каби ташкилотлар ҳам ўз ваколатлари доирасида назорат ишларини олиб борадилар.

Шунингдек, атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш ва ундан фойдаланишда нодавлат ташкилотлари, масалан, ЭКОСАН ҳалқаро экология ва саломатлик хайрия жамоат фонди, ҳамда Экохаракат

алоҳида ўрин тутади.<sup>1</sup> Бу эса, ўз навбатида, жамоат экологик назоратини, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари (жамғармалар, маҳалла йигинлари, касаба уюшмалари ва бошқалар)нинг атроф табиий мухитни, жумладан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва экологик конунларнинг амалиётда қўлланилиши юзасидан экологик назорат олиб бориш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштиради ва кучайтиради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш борасидаги назорат ишларини янада яхшилаш мақсадида, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

**биринчидан**, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳозирги замон талабига жавоб бермайдиган мониторинг, назорат ва баҳолаш тизимини янгилаш;

**иккинчидан**, собиқ Иттифок даврида амалда бўлган ҳавони ифлослантириш нормативларини белгиловчи давлат стандартларини қайта кўриб чикиш ва уларни экологик талаблар асосида ўзгартириш;

**учинчидан**, атмосфера ҳавосининг таркибини текширувчи доимий экологик пунктларни кўпайтириш ва уларнинг ЙХХХ ходимлари билан алокасини мустаҳкамлаш;

**тўртинчидан**, мазкур соҳани муҳофаза қилиш мақсадида, прокуратура назоратини кучайтириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошка органлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзгидрометеорология маркази хизмати билан ҳамкорлигини таъминлаш;

**бешинчидан**, атмосфера ҳавосининг муҳофаза қилинишини назорат килишнинг ҳуқуқий тартибини мустаҳкамлаш мақсадида, яна бир қатор ҳуқуқий нормалар қабул қилиш ҳамда ушбу соҳада илмий тадқиқотларни ривожлантириш.

Хуллас, атмосфера ҳавосининг тозалигини таъминлаш учун экологик лойиҳалаш ва санитария-техник назорат каби тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш лозим. Шундай экан, касб-коридан қатъи назар, Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир инсон инсоният бойлиги бўлган атмосфера ҳавосининг мусаффолигини таъминлашга ўз хиссасини қўшиши ҳамда назорат ишларини олиб бориша кўмаклашиши ижобий натижа беради ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини ола-

<sup>1</sup> «ЭКОСАН» ҳалқаро экология ва санитария ҳамоат фонди устави. – Т., 1996. Ўзбекистон экологик харакат дастурини, Т.: Chitor ENK. 2009 й., 20 бет., Ўзбекистон экологик харакат Устави. Т.: 2009 й. 48-бет.

ди. Шунингдек, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқукий тартибга солинишини ҳамда атмосфера ҳавоси ва атроф муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик экологик назоратининг ҳуқукий фаолиятини кучайтириш ҳам ижобий натижада беради.

### **Назорат саволлари:**

1. Атмосфера ҳавосини ҳуқукий муҳофаза қилишни тартибга солища давлат бошқаруви тушунчаси нимадан иборат?
2. Атмосфера ҳавосини ҳуқукий муҳофаза қилишни тартибга солища давлат бошқаруви функцияси ҳакида нималарни биласиз?
3. Атмосфера ҳавосини ҳуқукий муҳофаза қилишни тартибга солища давлат бошқаруви шакллари қандай?
4. Атмосфера ҳавосидан фойдаланишни муҳофаза килувчи давлат бошқарув органларининг қандай тизими мавжуд?
5. Атмосфера ҳавосидан фойдаланишни муҳофаза килувчи давлат бошқарув органларининг қандай ваколатларини биласиз?
6. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда давлат назорати тушунчасини хусусияти нималардан иборат?
7. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби қандай?
8. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда жамоат назоратининг аҳамияти нимада?

## **IV- БОБ. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар ва уларни бартараф этиш**

### **4.1. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар ва уларни бартараф этишнинг ҳуқуқий йўллари**

Тирик мавжудотни ва бошқа табиат бойликларини маълум мутаносиблиқда сақлаш учун уларга ҳаёт баҳш этадиган атмосфера ҳавосини ифлосланишдан сақлаш зарур. Олимларнинг фикрича, инсоният ва барча тирик мавжудотнинг ҳаёт манбайи бўлган атмосфера ҳавосини асосан икки манба – табиий омиллар ва инсон фаолиятининг маҳсулни бўлган антропоген манбалар ифлослантиради<sup>1</sup>.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи табиий омилларга мисол сифатида тоғ жинсларининг емирилиши, зилзила оқибати, вулканларнинг отилиши, ўрмонларга ўт кетиши натижасида табиатта, атроф муҳитга зарарли моддаларнинг ёйилиши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Антропоген ифлосланиш эса асосан саноат корхоналари, автомобиль, ҳаво, темир йўл, сув транспорти чиқиндилиарнинг ва турли ёқилғилар ишлатилиши натижасида пайдо бўладиган зарарли моддаларнинг атмосфера ҳавосига чиқарилиши оқибатида содир бўлади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маълумотларига караганда, Ўзбекистонда 1800 дан зиёд корхона, ташкилот, бирлашма ва муассасалар бўлиб, улар ҳар йили атмосфера ҳавосига 4 млн. тоннадан кўпроқ чиқиндилиарни чиқариб ташлайди, бу эса ҳар бир гектар ерга 80 кг дан, ҳар бир одамга эса тахминан 170 кг дан ифлосланган ҳаво тўғри келишини билдири.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 41-моддасига асосан, корхоналар, иншоотлар ва бошқа обьектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, куриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш чогида экология ҳавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари назарда тутилмоғи лозим. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чиқитсиз ва камчикит технологияларни жорий этишлари, ишлаб чиқариш ва рўзгор чиқиндилиари хосил бўлишини камайтиришлари, уларни заарсизлантириш-

<sup>1</sup> Отабоев Ш., Набиев М. Инсон ва биосфера. – Т., 1995. – 17-б.

лари ва қайта ишлашлари, чикиндиларни турларга ажратиш, тұплаш, күміб ташлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Фаолияти атроф табиий мұхитта анча заарлы экологик таъсир этиши мүмкін бўлган йирик ҳалқ хўжалик объектларини ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисидаги карорларни, давлат экология экспертизасининг хulosасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Маъжлиси қабул қиласди.

Экология талабларига жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга топшириш ман этилади. Қўйилган ушбу талаб бевосита атмосфера ҳавосини мухофаза қилишга ҳам таалукклидир. Шу муносабат билан Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тўғрисидаги қонунда ҳам мазкур масалага алоҳида зътибор берилган. Жумладан, унинг 22-моддасида белгиланганидек, корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойихалаш, куриш, қайта қуриш ва фойдаланишга топшириш, ишлаб турган технология жараёнлари ва асбоб-ускуналарни такомиллаштириш ҳамда янгиларини жорий этиш атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя килган ҳолда амалга оширилиши шарт. Атмосфера ҳавосининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни қайта қуриш жойларини белгилаш, уларни қуриш ҳамда қайта қуриш лойихалари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза килиш давлат кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги билан келишиб олинади.

Маълумки, одам бир кечакундузда ташқи мұхитдан  $20\text{ m}^3$  ҳаво олади. Унинг ўпкаси минутига 16–20 марта ҳаво ютиб, ҳаво чиқаради. Ҳар бир одам бир кечакундузда ўпкасидан тахминан 17 минг  $290\text{ m}^3$  ҳаво ўтказади, бу эса 23 кг ни ташкил этади. Демак, одам ҳавони овқатга нисбатан 4–5 баробар кўп истеъмол қиласди. Шундай экан, инсон саломатлиги учун корхона, муассаса, ташкилот, яъни саноат корхоналари, автотранспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли газлар жуда хавфлидир.

Ҳисоб-китобларга караганда, атмосфера ҳавосидаги энг кўп ифлосланиш саноат корхоналарига якін жойлашган худудларда рўй бермоқда. Республикамиздаги Навоий, Самарканд, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Олмалиқ, Чирчик, Сариоснё, Кўқон ва Тошкент шаҳарларида мазкур ҳолат бўйича шароит талабга жавоб бермайди.

Атмосферани ифлослантирувчи қарийб 1,5 мингта турғун манба чанг ушлагич курилмалар билан жиҳозланмаган. Мавжуд курилмаларнинг ўртача самарадорлиги 60–70 % дан ошмайди.

Бундан ташкири, автомобиль транспорти ҳам ҳавони ифлослантирувчи асосий манбалардан ҳисобланади. МДХ давлатларида авто-транспорт воситалари 1988 йилнинг ўзида 35,8 млн. тонна зарапли моддаларни ҳавога чиқариб ташлаган. Москва, Санкт-Петербург, Тошкент, Ереван ва бошқа шаҳарлар ҳавосида ис гази рухсат этилган миқдордан 3–10 баробар зиёд эканлиги қайд этилган. Атмосферага чиқарилган ушбу заҳарли газларнинг кўп кисми эса автотранспорт ва саноат корхоналарига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти тўғрисидаги 1998 йил 29 август қонунининг 12-моддасига асосан, «автотранспорт воситалари ҳавфисзлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек стандартлар ва техник шартларга, тиббий-санитария ва ёнгинга қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим. Автотранспорт воситаларини стандартлаш, метрология ва сертификатлаш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификатлаш маркази Ҳамда бошқа давлат органлари томонидан қонун Ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Сертификатлашдан ўтмаган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган автотранспорт воситаларидан фойдаланишга йўл кўйилмайди<sup>1</sup>.

Жами республика бўйича 1,4 млн. донадан ортиқ, жумладан, 1,2 млн. дона карбюраторли (85,7%), 0,097 млн. дона дизелли (6,9%) ва 0,1 млн. дона газбаллонли (7,2%) автомобиль рўйхатга олинган. Рўйхатга олинган автомобиллар умумий миқдорининг 82 фоизини енгил, 14 фоизини юк автомобиллари ва 4 фоизини автобуслар ташкил қилади.

Ҳаракат таркиби умумий миқдорининг кўпайиш тамойили кузатилмоқда. Сўнгти ўн йилда 1997 йилга нисбатан рўйхатга олинган автомобиллар миқдори

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти тўғрисидаги 1998 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. – № 9. 174-м.

15,8%га кўпайди. Бунда кўрсатилган давр ичидаги шахсий автомобилларнинг умумий транспорт воситалари сонидаги улуши 70 фоиздан 80 фоизгача ортди.<sup>1</sup>

Бундан кўриниб турибдикни, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талаблари ҳамма жойда ҳам тўлиқ ва аниқ бажарилмаётир. Ҳолбуки, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 17-моддасида: Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатувчи транспорт воситалари бошқа қатнов воситалари ҳамда курилмаларини таъмирлайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар микдорининг ҳамда улар физикавий омиллари зарарли таъсир кўрсатишнинг нормативларига мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминлайдилар<sup>2</sup>, – деб белгиланган. Шундай экан, ушбу талабни бажариш ва амалга ошириш ҳар бир автотранспорт корхонасининг асосий вазифасидир.

Шунингдек, 1999 йил 19 августда кабул килинган Ўзбекистон Республикаси Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги тўғрисида<sup>3</sup> ги қонуннинг 10-моддаси транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари аниқ кўрсатилган бўлиб, унинг 3-бандига асосан, «улар йўл ҳаракати ҳавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва экология нормалари талабларига риоя этишлари шарт.

Ана шу максадда Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 1999 йил 20 октябрда кабул қилган Ўзбекистон Республикасининг Атроф мухит муҳофазаси бўйича 1999–2005 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга доир 469-сонли қарори юзасидан вилоят ҳокимлиги ва бошқа алоқадор ташкилотлар билан биргаликда вилоят ҳокимининг 1999 йил 10 ноябрдаги 316-сонли қарори Тошкент вилоятининг атроф мухит муҳофазаси бўйича 2000–2005 йилларга мўлжалланган амалий дастури ишлаб чиқилган.

Унга асосан, йилига икки босқичда – 10 апрелдан 10 майгача ва 10 августдан 10 сентябргача – вилоят ички ишлар бошқармасининг ЙХХ бўлими, согликни сақлаш ташкилотлари ҳамда вилоят нефть ва газ нозирликлари билан Тоза ҳаво тадбири ўtkазилиб, унда иситувчи

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф мухит ҳолати – ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Министр Маврода -2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил). Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида. Тошкент: 2008 -23 Б.

<sup>2</sup> «Атмосфера ҳавосини муҳофаза юлаш тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 52-м.

ва ёнилғи-мойлаш материалларининг сифати 2084-77,05-82 ГОСТ талабларига жавоб бериш-бермаслиги текширилади.

Шунингдек, хусусий сектор автомобилларининг янгиланиши тез суръатлар билан бормокда. Зоро, 10 йилдан ортик муддатдан бері фойдаланилаётган автомобиллар хусусий секторда 59 фоизни, ваҳоланки, юридик шахсларга тегишли автомобиллар 77 фоизни ташкил қилади.

1997 йилдан бошлаб, республика ўзининг автомобилларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил март ойидаги қарори билан Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари Ўзавтосаноат уюшмаси ташкил этилган, 2004 йил август ойнда этилди Ўзавтосаноат акциядорлик жамиятига қайта ташкил қилинди.

Автомобиллар икки заводда ишлаб чиқарилмоқда. ЎзДЭУавто АЖ ишлаб чиқарадиган Ласетти, Нексия, Дамас, Матиз енгил автомобиллари Ўзбекистоннинг ўзидағина муваффакиятли сотилмай, МДҲ давлатлари ва жаҳоннинг бошқа давлатларига фаол экспорт қилинмоқда. Ўзбек автомобилларини ташки бозорларга муваффакиятли чиқариш мақсадида кенг дилерлик тармоги яратилган. Россиянинг ўзида ЎзДЭУавто АЖнинг қарийб йигирмата бўлинмаси, минтақавий корхонаси ва филиали очилган. Ўз автомобилларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш тамойили кўзга ташланмоқда. ЎзДЭУавто АЖ ишлаб чиқарган автомобиллар бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг моделларидан 100 км масофага ёқилғи сарфлаш кўрсаткичларининг пастлиги билан (хусусан, Ласетти туркумидаги автомобиль 100 км Матиз - 7,4 л бензин сарфлайди), шунингдек Нексия ва Ласетти туркумидаги автомобиллар двигателларида бевосита (инжекцион) ёқилғи пуркаш орқали ишлаши билан фарқланади.

СамАвто МЧЖда (собиқ СамКОЧавто ҚК) автобуслар ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш ташкил этилган, унда 2007 йилгача Отойол турк компанияси лицензияси бўйича ўртacha сифимли автобуслар ҳамда турли модификациядаги (тентли, ёник, бензовозлар, чиқинди йигувчи ва ассенизацион машиналар, рефрижераторлар) кичик ва ўртacha (1,5 дан 8 т гача) юк ташувчи юк автомобиллари ишлаб чиқарилган. Автомобиллар уч модификацияли – атмосфера, турбонаддувли, тегишли равища 90, 115 ва 136 о.к.га эга бўлган, ишлатилган газлардаги токсиколилиги бўйича Евро талабларига жавоб берадиган 4 л ҳажмли Ивеко-Фиат дизелли

двигателлари билан жиҳозланган. Двигателлар ишлаб чиқарувчи заводлар томонидан синалган ва ифлослантирувчи моддалар ташламаси нұктай назаридан:

- 8040.05 туридаги – Евро-0 талабларига;

- 8040.25 туридаги – Евро-1 талабларига;

- 8040.45 туридаги – Евро-2 халқаро талабларга жавоб берадиган мұвофиқлик сертификатига эга бўлган. Ҳозирги вақтда, автомобиль саройлари СамАвто МЧЖда ишлаб чиқариладиган юртимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган Isuzu туркумидаги янги автотранспорт воситалари билан тўлдирилмоқда.

Ишлаб чиқарилётган Нексия, Ласетти, Дамас, Матиз енгил автомобиллари жуда тежамкор, БМТ ЕЭК 83-02-сонли Қоидаларига мұвофиқ, улар учун ишлатилган газлар ташламаларининг ташланишига куйидаги экологик меъёрлар белгиланган.

Этилланган бензин ишлаб чиқарилиши туфайли (умумий ҳажмнинг 10%) республиканинг ички бозорига мазкур мотор ёқилғиси кўлланилиши учун мўлжалланган ва Евро-0 экологик меъёрлар талабларига мос келадиган автомобиллар келтирилмоқда.

Экспортга мўлжалланган автомобиллар ишлатилган газларни икки компонентли каталитик нейтрализаторлари билан жиҳозланган, бу уларнинг Евро-2 экологик меъёрлари талабларига мослитини таъминлайди.

ЎзДЭУавто АЖ маҳсулоти Жанубий Кореяning ДЭУ Паблик Моторс компанияси лицензияси бўйича ишлаб чиқарилмоқда, у ИСО 9001 халқаро сифат тизими стандарти бўйича сертификатлаштирилган. Корхона томонидан 2002 йилда, ИСО 9001.2000 халқаро стандартига мұвофиқликка сертификатлаштирилган менежмент тизими ишлаб чиқилган, жорий этилган ва амал қилинади. МС ИСО 9001:2000, ИСО 14001:2004 ва ONSAS ИСО 001:1999 талабларига мұвофиқликка интеграциялашган менежмент тизимини (ИМТ) ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳақида карор кабул қилинган, ИСО 14001:2004 стандартига мұвофиқликка экологик менежментини жорий этиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

2009 йилдан бошлиб, Евро-2 экологик меъёрлари талабларига жавоб берадиган автомобилларни ишлаб чиқаришга тўлиқ ўтиш режалаштирилган.

Автотранспорт саройини янгилаш, экологик хавфсизликни ошириш ва йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, автотранспорт техникасини олиб кириш, шунингдек 10 йил

фойдаланилганидан кейин уни эксплуатациядан чиқариш назорат амалга оширилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 декабрдаги ПФ-531-сонли Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорти саройини янгилаш бўйича чоратадбирлар тўғрисидаги Фармойишида фойдаланиш муддати 10 йилдан ортиқ бўлган йўловчиларни ташишга мўлжалланган автобуслар ва микроавтобусларни фойдаланишдан босқичма-босқич чиқариш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилган<sup>1</sup>.

Хавфли экологик вазиятлар юзага келиши мумкин бўлган обьектларда бундай вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларга огишмай амал қилинмоқда. Корхоналарда хавфли экологик вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида, технологик жиҳозларни, чанг ва газ тозалаш ускуналарини ҳамда назорат воситаларини режали асосида таъмираш тартиби ишлаб чиқилган.

Келтирилган мисол ва иқтисодий рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали биз атмосфера ҳавосини ҳукукий муҳофаза килиш ва унинг мусаффолигини таъминлаш учун бир қатор тадбирларни амалга оширишимиз зарур. Комплекс дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш атмосфера ҳавосининг мусаффолигини таъминлашга кўшилган муносаб ҳисса бўлади. Шу боис республикамиздаи тармсқ корхоналарининг мухандис-техник ходимлари ва шу ишга масъул шахслар белгиланган коидаларга доим амал қилишлари лозим.

Умуман олганда, мамлакатимизда атмосфера ҳавосининг муҳофаза қилинишини ҳукукий тартибга солишини кучайтириш учун куйидаги тадбир ва вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ:

*биринчидан, барча корхона, муассаса, ташкилотларнинг фаолиятида атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш ҳамда ишлаб чиқариш жарёнида ҳавонинг соғлигини таъминлаш учун профилактика ишларини кучайтириш ва янги технологияларни қуллаш;*

*иккинчидан, ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотнинг Тоза ҳаво комплекс дастурини ишлаб чиқиши ва уни амалга оширишига эришиш;*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида итроф-муҳит ҳолиги 11 табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий Маръузас-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив тахлил). Б.Б. Алихонов үмумий таҳтири остила. Тошкент. 2008.-23-25 Б.

учинчидан, ЙХХХ ҳамда Экологик постларнинг транспорт во-  
ситалари ва уларнинг газ чиқариши билан боғлиқ фаолиятлари юза-  
сидан назорат ишларини кучайтириш;

тўртингчидан, барча корхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда янги  
иш бошлаётган, курилаётган корхоналар фаолиятида экологик экс-  
пертиза ўтказиш тартиби ҳамда талабини кучайтириш;

бешинчидан, ёшларга, айниқса, дехкон, фермер,ижара ва (коопе-  
ратив) ширкат хўжаликлари ходимларига Атмосфера ҳавосини мухо-  
фаза қилиш тўғрисидаги қонун ва бошқа экологик ҳукуқ норма-  
ларининг талабларини кенгроқ тушунтириш;

олтинчидан, атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тўғрисидаги  
тушунчаларни мустаҳкамлаш учун экологик-ҳукуқий таълим ва тар-  
бияни, экологик-ҳукуқий маънавият ва маданиятни янада кўтариш;

еттингчидан, барча давлатлар, ҳалқаро ҳамжамиятлар, ноҳукумат  
уюшмалари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда мазкур  
масала юзасидан тузилган ҳалқаро шартномаларни ўз вактида бажа-  
ришни таъминлаш.

Бу ишларнинг амалга оширилиши минтақамиизда ва, умуман, жа-  
хонда атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ҳамда уни ҳукуқий  
тартибга солиш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

#### **4.2. Ҳавонинг ифлославиши ва озон қатламиининг бузилиши. Озонни бузувчи моддалардан фойдаланиш**

Атмосферанинг юкори қатламларидағи қиска тўлкинили  
ультрабинафша нурланишдан биологик ҳаётни ҳимоя қилувчи экран  
вазифасини ўтовчи озон қатламиининг бузилиши, атмосфера  
таркибининг антропоген ўзгаришлари билан боғлик.

10 км дан 50 км гача баландликда стратосфера озони коинотдан  
ультрабинафша нурларининг кириб келиши учун ишончли тўсиқни  
хосил қиласди. Биологик таъсир хусусиятлари хисобга олиниб,  
ультрабинафша (УБ) нурлари учта спектрал диапазонга ажратилади:  
нурланиш тўлқини узуонлиги 100-280 нм бўлган УБ-С, УБ-В (280-315  
нм) ва УБ-А (315-400 нм).

Бактериоцид (микроб хужайралари ва вирусларни ўлимiga олиб  
келадиган) таъсирга эга бўлган энг ҳавфлиси УБ-С нурланиш  
хисобланади. У атмосферанинг юкори қатламларида стратосфера  
кислороди ва озон қатлами билан тўлиқ ютилади ва ергача етиб  
келмайди.

УБ-В нурлари ҳам атмосферанинг озон қатлами томонидан

ютилади ва Ергача атиги б % етиб келади, лекин айнан у, атроф-мухитга ва аҳоли соғлигининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган асосий хатарли оқибатларга олиб келади.

Ниҳоят, УБ-А нурлари атмосферада кам тўхтатилади, лекин унинг биологик таъсири УБ-В нурланишга қараганда қарийб, 1000 баравар заифдир.

Озон қатламининг бузилиши стратосферанинг озонни бузувчи моддалар билан кимёвий реакцияларга кириши натижасида амалга ошади, бу моддалар орасида энг кенг тарқалгани галогенли углеводородлар (ХФУ, ГХФУ, галонлар, тетрахлорметан, метил бромид ва бошқалар) хисобланади.

Ўзгидромет маркази 1994 йилдан бошлаб, Тошкент шаҳридаги метеостанцияда озоннинг умумий сақланишини (ОУС) доимий ўлчаб бормоқда. Ўлчовлар, Гушин конструкциясидаги М-124 озонометри ёрдамида сутканинг ёруғ вактида 7 марта олиб борилади. Олинган маълумот натижалари ҳар ойда Атмосферани масофадан зондлаштириш илмийтадкиёт марказига (Воейков номли Бош геофизик обсерваториясига (БГО)) узатилади.

Кўп йиллик кузатувларнинг кўрсатишича, назорат қилинадиган ҳудуд устидаги озон қатламининг катталиги 303-397 Добсон бирлиги оралиғида ўзгаради, бундай ўзгаришлар тропосферадаги озоннинг умумий таркибиниги кўп йиллик вариациялари билан изоҳланади. Кузатувларнинг натижалари кўрсатишича, Тошкент устида озон қатламининг камайиши кузатилмаяпти.

Ишларни давом эттириш ва Тошкент станциясини Бутунжаҳон метеорологик ташкилотнинг (БМТ) озонометрик тармогига қўшиш учун станцияни Brewer ёки Dobson туридаги янги ускуналар билан жиҳозлаш, ускуналарни мунтазам калиброкалаш ва мутахассислар (озонометристларга) Россияда (Воейков номли БГО) малакасини ошириш курсларини ўташлари зарур.

ОЕМдан фойдаланиш глобал аҳамиятга эга, ва у ҳалкаро ва миллий талабларга жавоб беради.

Монреаль протоколи ва унинг тўртта (Лондон, Копенгаген, Монреаль, Пекин) тузатмасига кўра барча глобал ОЕМ ташламаларини бошқариш бўйича олдини олувчи чоралар таъминланмоқда, Вена конвенцияси ва Монреаль протоколини имзоламаган давлатлар билан ОЕМ савдоси тартибга солинмоқда. Мазкур ҳалкаро битимларни имзолаган давлатлар учун озонни бузувчи моддалар ўрнига ишлатиладиган моддаларни ишлаб чиқариш

ва кўллаш соҳасидаги энг янги ва муқобил технологияларни беришда афзалик берилмоқда, ўрнига ишлатиладиган ва ўхшаш маҳсулотлар жаҳон бозорлариға чиқиш сақланиб қолмоқда, Глобал Экологик Фонд (ГЭФ) маблағлари ҳисобидан молиявий ва техник ёрдам берилмоқда, асосий ички эҳтиёжларни кондириш учун ОБМни импорт қилиш имконияти таъминланмоқда, мавжуд объектив вазиятлардан келиб чиқиб, бошкариш чора-тадбирлари бўйича ўз мажбуриятларини амалга ошира олмаган давлатларга нисбатан чоралар кўрилмаяпти.

Ернинг озон қатламини муҳофаза қилиш масалалари бизнинг мамлакатимизда устивор масалага айланди. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли 1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Ҳаракат Дастири тўғрисидаги Карори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси томонидан ОБМни ишлатишни бекор қилиш бўйича Миллий дастурни бажариш негизида, Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи бўйича қабул қилинган мажбуриятларни амалга ошириш, халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш доирасидаги фаолиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири деб тан олинди. Мазкур Дастаннинг стратегик йўналишларидан бири, Монреаль протоколи халқаро мажбуриятларини бажаришга босқичма-босқич риоя этишдан иборат.

Келтирилган миллий Дастан доирасида, давлат бошкарув чоралари амалга оширилди, шунингдек ГЭФ, БМТнинг атроф-муҳит бўйича Дастири (ЮНЕП), БМТ Тараккиёт дастири (БМТТД) халқаро ташкилотлари ёрдамида қарийб, 3,4 млн. АҚШ доллари суммасига тенг бўлган бешта лойиха бажарилди.

Ўзбекистон Республикасида OEMдан босқичма босқич воз кечишига эришишда ўсишни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 20-сонли Ўзбекистон Республикаси Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳаси шартномалари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариши бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги, 2000 йил 14 мартағи 90-сонли Озонни емирувчи моддаларни ва улар таркибида бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишини тартибга солиш тўғрисидаги ва 90-сонли Қарор ўрнига, 2005 йил 11 ноябрдаги 247-сонли Озонни емирувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисидаги учта қарори қабул қилинди. Мазкур

карорларда:

1. Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи Томонлари бўлмаган мамлакатлар билан ОБМ ва улар таркибида бўлган маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқишига тақиқлар жорий этилди;

2. OEMлар ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни импорт/экспорт килишини тартибга солиш тизими жорий этилди ва амал қилинмоқда;

3. Ўзбекистон Республикасига OEMнинг баъзи турларини олиб кириш тақиқланган, Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи Томони бўлган мамлакатлардан ўтувчи моддалар ёки ГХФУ олиб кириш бундан мустасно;

4. Ўзбекистон Республикасига юкори озонни бузиш кобилияти(OEK) га эга бўлган ОБМни кўллаб ишлаб чиқарилган совутгич ускуналари ва ҳавони совутиш мосламаларини Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи Томонлари бўлган мамлакатлардан олиб кириш тақиқланган;

5. 2005-2030 йиллар даврига Ўзбекистон Республикасига ўтувчи ОБМ ёки ГХФУни олиб киришга квоталар (чекланмалар) жорий этилган.

1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Монреал протоколига Лондон ва Копенгаген ўзгартиришларини ратификация қилди. Мазкур ўзгартиришлар 1998 йил 8 сентябрдан кучга кирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2006 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Озон катламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколига Тузатмаларни (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация килиш тўғрисида»ги ва «Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль баённомасига Тузатмаларни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация килиш тўғрисида»ги қонунлар имзоланди.

Масалан, 2000 йилда назорат килинадиган моддалардан фойдаланиш қўйидагиларни ташкил қилди:

- А иловаси биринчи гурӯҳ XФУлари бўйича режадаги 40% гача змас, балки 84% га камайтирилди;

- тетрахлорметал бўйича кўзда тутилган 35% ўрнига 97% га камайтирилди.

2002 йилда Монреал протоколининг А ва В иловаларига кирган янги OEMларни олиб кириш тўхтатилди. Монреал протоколининг С ва Е иловалари биринчи гурӯхи учун ОБМлардан фойдаланиш жадвалига амал қилинмоқда.

Ҳозирги вактда, озонни бузувчи мөддаларнинг умумий истеъмоли 1986 йилдаги база даврига нисбатан 2900 т дан 4,152 т гача (ОБҚни хисобга олиб) ёки 99,85 фоизга камайди. ОБМдан фойдаланиши тұхтатиш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Монреаль протоколига риоя этиш режими дадир.

Монреаль протоколини амалга оширишда иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларни босқичма-босқич бажармоқда ва куйидаги иқтисодий ютукларга эришмоқда:

- М бозорларига кириш имкониятини олмоқда ва сақлаб қолмоқда, амалдаги жихозлар ишлашини таъминлаш учун ОБМ импорт килиш имконига эга бўлмоқда;
- ГЭФ маблағлари хисобига молиявий ва техник ёрдам олиш имконига эга бўлмоқда.<sup>1</sup>

#### 4.3. Турғун ифлослантирувчи манбалар

Турғун манбалардан атмосфера ҳавосига 150 дан ортик ифлослантирувчи моддалар ташланади, булар ташламаларни асосини хосил килувчи қаттиқ моддалар (жумладан, оғир металлар, ванадий беш оксиди, бенз(а)лирен), олтингуругт диоксиди ва озон, метилмерказиттан, фосфорли ангидрид, мишъяқ ва бошқа ўзига хос юқори токисик зарарли моддалар ташламалари дидир.

Сўнгги йигирма йилда (1987-2007 йиллар) турғун манбалар зарарли моддалари (1,3 дан 0,6 млн. т гача) камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Мазкур кўрсаткичларга республиканинг Олмалик (ОКМК), Бекобод (Ўзметкомбинат АИЧБ), Навоий (цемкомбинат, НКМК) шаҳарларидаги энг йирик корхоналарида ҳукуматнинг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли 1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Ҳаракатлар Дастури тўғрисидаги Қарорига мувофиқ, муайян цех ва ишлаб чиқаришларда чанг ва газ ушлаб қолиш ва тозалаш тизимларининг курилиши ва қайта таъмирланиши хисобига атмосферага зарарли ташламаларни кисқартириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида эришилди. Юкорида қайд этилган қарорга мувофиқ:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит холати ва табиий ресурслардан фойдаланаши тўғрисидаги Миллий Маъруза.-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив тахника) Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида. Тошкент: 2008. -15-17 Б.

ОКМК ОАЖда кислород-барботаж эритиш (КБЭ-2) жорий килинди, натижада ифлослантирувчи моддаларнинг ташланиши 119,033 минг т га қискариши мўлжалланган; Ўзметкомбинат АИЧБда электр-дуга печларида чангни ушлаб қолиш ва тозалаш тизимлари қайта таъмирланди. Пўлатни комплекс қайта ишлаш агрегати билан бирга янги ДСП-100 УМК электрпўлат эритиш печи ишга туширилди. Натижада ифлослантирувчи моддаларнинг ташланиши 900 т дан ортиқ камайтирилди;

- Навоий шаҳридаги НКМКнинг машинасозлик заводида қуйиш ишлаб чиқаришининг ҳавони тозалаш тизими қайта таъмирланди ва замонавийлаштирилди, қуйиш цехида чанг-газни тозалаш жиҳозлари фойдаланишга топширилди. Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларнинг йиллик ташланиши ПВМ-20 ўрнатилганидан кейин 24,8 т/йилга, ПВМС- 40 ўрнатилганидан кейин 48 т/йилга камайди;

Навоий цемент комбинатида углерод оксили, олтингугурт оксили ва азотга газоанализаторлар ўрнатилиб, қуидириш айланма печларида ёнилғи ёнишини назорат қилиш тизими ўрнатилди. 2539,9 минг сўм суммага азот оксили, углерод оксили ва диоксидини аниқлаш бўйича 4 та МАГ ва ГАОП туркумли кўчма газоанализаторлар харид қилинди. Ёнилғи ёниши жараёнини автоматик кузатиш ҳамда кислород, углерод оксили ва углерод диоксили таркибини аниқлаш учун умумий суммаси 105 минг АҚШ доллари бўлган 3 комплект (9 дона) ГИАМ туркумли автоматик газоанализатор харид олинди. Натижада атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташланишини 80 т/йилга қисқартиришга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 майдаги 15-сонли Тошкент иссиқлик электрстанциясини (Тошиб) модернизация қилиш учун Япония Ҳукумати томонидан тақдим этилган имтиёзли кредитдан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофик, Тошиб битта блокида паргаз қурилмаси (ПГҚ) қурилишига тендер ўtkазилмоқда.

2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Ҳаракатлар Дастури лойиҳасида Янги Ангрен ИЭСда электр фільтрларини модернизациялаш ҳисобига иссиқлик электр станциялари ташламаларидан ҳавонинг ифлосланишини камайтириш бўйича, Аммофос ОАЖда олтингугурт ва экстракцион фосфор кислоталари ишлаб чиқариш цехларини қайта таъмирлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

Ифлослантирувчи моддалар ялпи ташламалари умумий ҳажмида энергетика, нефть-газ ва металургия тармоқларига асосий улуш түгри келади.

Олтингугурт диоксиди ташламаларининг манбалари Тошкент, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида жойлашган иссиқлик-энергетика корхоналари ИЭС ва ИЭМлар, қозонхоналар, металл ишлаб чиқарувчилар, нефт ва газ ишлаб чиқарувчи корхоналари хисобланади. Фақатгина энергетика томонидан 2006 йилда республиканинг 65,554 минг т олтингугурт диоксиди ташланган, бу тармоқ бўйича 58,8%, республика бўйича 30,7%ни ташкил қилади. Бу шу билан боғлиқки, энергетика объектларида кўлланиладиган газ ва мазут таркибидг юқори олтингугуртлидир, ишлатиладиган кўмирда эса, олтингугуртнинг умумий таркиби 1,8% даражасидадир.

Аммиак кимё саноатининг асосий ифлослантирувчиларидан хисобланади. Тармоқ бўйича умумий ташламаларда аммиак улуши 14,4%ни ташкил қилади. 1999-2007 йилларда атмосферага аммиакнинг ташланиши миқдори 24,5 фоизга камайганлигига қарамай, Андижон, Кўқон, Навоий, Фарғона, Чирчик ва Самарқанд шаҳарларида жойлашган Кимё саноатининг асосий корхоналарида ишлаб чиқариш технологиялари замонавий талабларга жавоб бермайди.

Саноатда ёқилғиенергетика, кимё ва нефть саноати азот оксидлари ташламаларини ташлашда асосий ҳисса қўшади. Улар улушкига республика бўйича азот оксиди ташламаларининг 86,8% түгри келади. Энергия ишлаб чиқариш билан боғлиқ азот оксиди ташламалари динамикаси сўнгги йилларда пасайиш тенденциясига эга.

Бирек, азот оксидлари барча ташламаларининг республика бўйича 57,9% ва тармоқ бўйича 26,7% энергетика улушкига түгри келади. Йирик ИЭС ва ИЭМларда асосий кувватларда 25 йилдан ортиқ вақтдан бери ишламоқда, ёқилғидан фойдаланиш самарадорлиги 33-35%ни ташкил қилади. Ёқилғидан фойдаланишининг паст самарадорлиги атмосферага ортиқча ташламалар ташланишига олиб келади, бу мазкур объектлар жойлашган аҳоли яшаш пунктлари ва шаҳарларда (Тошкент, Ангрен, Навоий) атмосфера ҳавосининг ифлосланиши даражасига таъсир кўрсатади.

Чанг - каттик зарралар демакдир, уларнинг дисперс ва компонент таркиби унинг (табиий ёки антропоген) келиб чиқишига боғлиқ. Улар

таркибига минерал тузлар, металл оксидлари ва органик бирикмалар киради.

Ўзбекистон ҳудудида атмосферага чанг келиб тушишининг йирик табиий манбалари – Қоракум, Кизилкум ва Оролқумнинг (Орол денгизининг қуриган қисмининг) мустахкамланмаган қумли тупроклари ва шўрҳок чўллар мавжуд. Очилиб колган денгиз туби Оролкум тузли чўлини ташкил қилди, бу ердан ҳар йили катта микдорда туз ва кум заррали чанглар шамол ёрдамида таркалади. Қуруқ тўзонлар массаси ўртacha йилига 500 дан 2702 кг/гача ўзгаради. Ушбу чанг таркибида сульфат тузлари 25-48%, хлорид тузлари – 18-30%, карбонат тузлари – 10-20%гача сақланишига етади. Чанг-туз кўчишининг асосий ҳажмлари соҳилбўйи полосасининг 300 км оралиғида рўй беради. Жанубий Оролбўйида тупроқка тушадиган чанг микдори суғориладиган ерларга караганда, ўн баравар кўпроқдир.

Республика бўйича атмосферага қаттиқ зарралар ташламалари антропоген манбаларининг умумий куввати табиий манбаларга нисбатан анча паст бўлиб, 1,311 млн. т/йилга баҳоланади. Антропоген ташламаларда қаттиқ зарралар улуши юқори эмас ва саноат манбалари учун 16%, кўчма манбалар учун эса, 2%ни ташкил килади.<sup>1</sup>

Ўзбекэнерго давлат акциядорлик компанияси, Ўзқурилишматериаллари АК, Ўзпахтасаноат уюшмаси корхоналари саноат чанги ташламаларининг асосий манбалари ҳисобланади. Асосан цемент ишлаб чиқаришлари ва кўмир ёқиладиган ИЭСлар жойлашган шаҳарларда чанг ташланмаларининг янада юқори солиштирма кўрсаткичлари кузатилади. Саноат марказлари итрофида чўқадиган чангда турли минерал моддалар, металл оксидлари, силикатлар, курум, фторидлар, мишъяқ оксидлари, сурма, селен учрайди. Йирик саноат шаҳарларида чанг таркибида ўзига хос қоришималар орасида кадмий, мис, кўргошин, никель, рух, марганец каби металлар аникланган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида агроф-мыжит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Минлий Майоруз-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил). Б.Б. Алихонов умумий таҳфери остида. Ташкент. -2008. -19-20 Б.

#### **4.4. Иқлим ва ҳарорат ўзгариши**

Иқлим ўзгариши бўйича эксперталар огохлантиради: 2100 йилга келиб, Антарктида ва Гренландия муззикларининг фаол эриши туфайли жаҳон океани сатҳи 18-59 сантиметрга кўпайиши мумкин, бу баъзи орол давлатлари ва соҳилбўйи шаҳарларининг ҳалокатли сув остида қолишига олиб келиши мумкин.

БМТ томонидан тайёрланган Иқлим ўзгариши-2007 маъруzasи 2007 йил 2 февралда Парижда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳалқаро конференцияда зълон килинди. Маърузада инсон фаолияти натижасида рўй берадиган глобал исишига шубҳасиз далиллар келтирилган. 100 йилга глобал прогнозлар буғона газлари (БГ) ташламаларини кисқартириш бўйича чоралар кўрилганида ҳароратнинг 1,4 дан 5,80С гача кўтарилишини кўрсатмоқда.

Ҳозирги вактда кузатилаётган иқлимининг глобал ўзгариши атроф-муҳитнинг турли - компонентлари ва уларнинг алоҳида хусусиятларига, ижтимоийиқтисодий тармолкларга таъсир етказмоқда. Ўзбекистон ҳудуди бўйича иқлим мониторинги маълумотлари XX аср ва XXI аср бошларида исишнинг турғун тамойилини кўрсатмоқда, унинг суръати ўнийиллик учун 0,20С дан ошади, бу шимолий яримшар бўйича исишнинг ўртacha суръатидан 40 фоизга ортиkdir. Исиш оқибатида минтақада Орол денгизи ҳавзасининг дарёларини таъминлайдиган кор-музлик ресурсларининг майдони таназзулга учрамоқда ва кисқармоқда. Сўнгги ярим асрда Ўрта Осиё тогли музликлари учдан бир қисмдан ортиқ қискарди.

**Ҳаво ҳарорати.** Бу кўрсаткич кўплаб агроклимий ва гидрофизик хусусиятларни хисоб-китоб килиш учун қўлланилади. Термик шароитлар ўсимликлар махсулдорлигини, экиш муддатлари, ўсимлик ривожланиши босқичларининг давомийлигини аниқлайди. Йилнинг термик шароитларидан келиб чиқиб, сугориш даври давомийлиги ва ёнилғига эҳтиёж белгиланади.

Базавий иқлимий меъёрлардан чекланишларда акс этган ҳавонинг ҳарорати Ўзбекистонда рўй берадиган иқлим ўзгаришларини акс эттиради. Маълумотлар мамлакатда кузатилаётган исиш суръатларини, яъни атмосферада буғона газлари концентрациясининг ошиши оқибатида рўй берган глобал исишига минтақавий иқлимий тизимнинг реакциясини кўрсатади. Республика асосий метеорологик станциялари аниқланган тренд минтақада йиллараро иқлимининг кескин ўзгариши асосида рўй берадиган

барқарор исиш тамойилини акс эттиради.

#### 4.5. Атмосфера ёғинлари

Ёғинлар, базавий икlimий меъёрга (1961- 1990 йиллар) нисбатан фоизларда акс эттан стандарт ёғинлар индекси деб юритилади ва кишлоқ хўжалиги экинлари, яйловлар ва табиий экотизимлар учун энг хавфли ҳолатлардан бири – қурғокчилик тақрорланиши ва жадаллигини мониторинг килиш учун кўлланилади. Қурғокчилик даврида шўрланиш ва тупрок эрозияси жараёнлари кучаяди, пульсловчи кўллар қурийди. Ёғинлар фавқулодда таңқис бўлган йилларда бутун экотизимлар, масалан, соҳилбўйи ва дельта экотизимлари ҳалок бўлиши мумкин. Кучли қурғокчилик (фавқулодда қурғокчи йиллар) улкан ҳудудларни қамрагани туфайли стандарт ёғинлар индекси шунингдек гидрологик цикл, хусусан, дарё оқимига ҳам таъсир чуқурлигини акс эттиради.

Кўп йиллик кўрсаткичлар қаторини таҳлил қилиш намтарчилик таңқислиги тақрорланиши ва жадаллигини баҳолаш имконини беради. 1933 йилдан 2007 йилгача амалдаги кўп йиллик маълумотлар кўрсатишича, сўнгги ўн йилликда минтақада жадал исиш негизида йиллараро ёғинлар тартиби ўзгаришининг кучаяётганлиги кўзга ташланмоқда, бунда уларнинг кўпайиш тамойили кўринмоқда.

**Кор қопламли кувлар микдори.** Ўзбекистон шароитида турғун кор қоплами ning сақланиши фақат шимолий ва 1000 м дан баланд тоғли туманларда кузатилади. Ҳудуднинг қолган текислик қисмida ва тоғ ёнбағрида корли қоплам фақат муайян йилларда сақланади, холос.

Бу маълумотлар бутун республика ҳудуди бўйича корли қопламнинг маконли-вақтли тақсимланиши бўйича йилнинг совук даврини баҳолашда кўлланилади. Йилнинг совук даврида кор тўпланиши ва унинг сақланиши давомийлиги кўп жиҳатдан баҳорги-ёзги оқим катталигини белгилайди, яъни айнан кор захираси сувийгимларига эриган сувнинг асосий тўпланиши ва вегетация оқимининг эриган сув таркибини белгилаб беради. Минтақанинг кўплаб дарёлар ҳавzasida кор қопламли кунлар сони қисқараётганлиги тамойили қайд қилинмоқда, бу минтақа метеостанцияларида кузатиладиган ҳаво ҳарорати ўсиши тамойилига мувофиқдир. Бу ахборот бокиладиган чорвачилик, лалми дехқончилик ва сув хўжалиги ташкилотлари учун адаптация стратегиясини ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси баъзи тоғли ҳудудлари учун 1995 йилдан 2007 йилгача қор қопламли кунлар сонининг динамикаси Ўзбекистоннинг тоғли ҳудуди бўйича қор қопламли кунлар сони кенг оралиқда тебранади, бу турли ҳавзаларда қор тўпланиши шароитларининг якка хусусиятлари билан белгиланади. Қор қопламли кунлар сони шимолий туманларда ва тоғларда жой баландлиги ошгани сари кўпайиб боради.

#### **4.6. Буғхона газлари (БГ) ташламалари**

Асосий буғхона газларининг умумий ташламалари атроф-мухитга антропоген таъсирни белгилайди, улар ташламаларини прогноз қилиш эса, турли бошланғич шароитлар ва ташламаларни камайтириш бўйича кўлланилган чоралардан келиб чиқиб, бўлажак таъсирни баҳолайди.

Миллий даражада БГ ташламаларини ҳисоблаш мониторинг ва иктисадиётнинг асосий тармоқларида антропоген ташламаларни қискартириш бўйича тадбирларни режалаштириш имконини беради, бу Киото протоколи механизмларини кўллайдиган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ҳалқаро кооперация учун асос яратади.

Биринчи миллий буғхона газлари инвентаризацияси 1990-1997 йиллар вақт оралигини қамраб оларди ва БМТ иклим ўзгариши бўйича доирали конвенцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллий ҳабарномаси, 1- ва 2-фазаси лойиҳаларининг бир қисми сифатида амалга ошириларди. 1990 (базали) йил ва 1994 йил учун маълумотлар батафсил тақдим этилди. Иккинчи инвентаризация ҳисботига аввал ҳисобланган ҳамда қайта кўриб чиқилган антропоген эмиссиялар ва 1990-2005 йиллар даврида Монреаль протоколи билан назорат қилинмайдиган буғхона газлари ютилишининг баҳолари, шунингдек аввал қамраб олинмаган бевосита буғхона эффектли эмиссиялар манбалари (углерод диоксиди, метан, азот закиси) ва бавосита эффектли газлар (углерод оксиди, азот оксиди, олтингугурт диоксиди, метансиз углеводородлар) киритилди.

Кўриниб турибдики, жами кўриб чиқилаётган давр мобайнинда 1990 йил даражасидан буғхона газлари умумий эмиссиясида кескин ўзгаришлар кузатилмади.

Углерод диоксиди. CO<sub>2</sub> ташламаларининг асосий манбалари ёқилғи ёниши билан боғлиқ жараёнлар саналади. 2000 йилда CO<sub>2</sub> эмиссияси 108,6 млн. тни ташкил қилди, ЎХЕФЎ тармоғи бундан мустасно. Углерод диоксиди гази эмиссияси ва улушининг

кузатилаёттган пасайиши, биринчи навбатда, ўтган асрнинг 90-йилларида ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши ва сўнгги беш йилда республика иқтисодиёти тузилмасининг ўзгариши, яъни ноишлаб чиқариш секторлари улушининг ошиши билан боғлик.

**Метан.** Метан ташламаларининг асосий манбаи бу энергетикадир (нефть-газ тармоғи). Метан ташламаларининг кўпайиши табиий газ қазиб олиниши ва истеъмолининг ортганлиги, йирик корамол ва қўйлар микдорининг кўпайганлиги ва аҳоли сонининг ўсганлиги билан боғлик.

**Азот бижитқиси.** Ишлов бериладиган ва сугориладиган тупроқлар азот бижитқиси ташламаларининг асосий манбаи саналади. Азот бижитқиси умумий эмиссияси пасаймокда, бу азот ўғитларини кўллаш камаяётганлиги билан боғлик.

Билвосита бугхона эфектли газлар ташламалари. Бу гурӯҳдаги энг аҳамиятли газ – углерод оксида миллион тоннадан ортиқ, қолган газлар ташламалари – 250-300 минг т ни ташкил қиласди. Ташламаларининг қисқараётганлиги кўп жиҳатдан мамлакат иқтисодиёти барча соҳаларида ёқилғи сифатида табиий газдан фойдаланиш улушини оширганлиги билан боғлик.

### *Бугхона газлари (БГ) ташламалари прогнози.*

Биринчи миллий хабарномага мувофиқ, 2010 йилгача истиқболда БГ ташламаларини баҳолаш иқтисодиёт ривожланишининг учта сценарий варианти асосида курилган:

1-вариант – ЯИМ кам ўсиши ва кейинчалик иқтисодиёт тараққиётининг пасайиши билан боғлик иқтисодиёт тараққиётининг инерцияли сценарийсида;

2-вариант – мобиллашган сценарийда (ЯИМ 6-8 фоизгача ўсиши билан боғлик) ва энергияни тежаш тадбирларини ҳисобга олмаганда;

3-вариант – мобиллашган сценарийда ва Янги нефть конларини ўзлаштириш ва энергияни тежаш тадбирларини амалга оширишни ҳисобга олиб.

Тўртта алоҳида манба тоифалари: Энергетика, Саноат жараёнлари, Кишлөк хўжалиги ва Чиқиндиilar учун асосий БГ ( $\text{CO}_2$ ,  $\text{CH}_4$  ва  $\text{N}_2\text{O}$ ) ташламалари прогнози кўрсатишича, 2010 йилда иқтисодиёт ривожланиши варианtlари ва ташламаларни қисқартириш бўйича чораларни амалга оширишдан келиб чиқиб, БГ эмиссиялари ҳажмлари  $\text{CO}_2$ - эквивалентида 185,6 млн. т дан 209 млн. т гача, яъни 1990 йилга нисбатан 13,7- 28 фоизгача ортиши мумкин.

Иктисодиёттинг учта тараккиёт вариантида ва ташламаларни кисқартириш бўйича чоралар қўлланилганида, 2010 йилгача бугхона газлари ташламалари прогнози кўрсатилган.

Ўзбекистонда БГ эмиссияларини кисқартириш истиқболи (тикландиган энергия манбалари истиқболини ҳисобга олмаганда) CO<sub>2</sub> эквивалентининг 27,2 млн. т ни ташкил қилади. Ташламаларни кисқартиришнинг энг катта имкониятлари энергетикага – 25 млн. т, саноат жараёнлари, қишлоқ хўжалиги ва чиқиндиларга CO<sub>2</sub> эквивалентида 2,2 млн. т гача тўғри келади.<sup>1</sup>

Атмосферага бугхона газлари ташламаларини кисқартиришнинг асосий йўналишлари куйидагиларни камраб олади:

ёқилғи ва энергиядан фойдаланиш йўқотишларини кисқартириш ва технологияларини яхшилаш;

ишлаб чиқаришда энергияни тежайдиган ускуналарни такомиллаштириш ва жорий қилиш;

табиий газ, иссиқлик, сув ва энергия истеъмоли ҳисобининг жиҳозларини жорий этиш;

биогаз ва тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш;

экологик хавфсиз технологияларни ўtkазиш бўйича ахборот тизимларини такомиллаштириш;

атроф-муҳитни муҳофаза килиш соҳасидаги хукукий меъёрларни ислоҳ қилиш; аҳолини иқлим ўзгариши, энергияни тежаш зарурати ва самарали технологиялардан фойдаланиш муаммолари тўғрисида хабардор килиш.

БМТ иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияга мувофик, Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллый хабарномасига (2 босқич, 2001 й.) кўра, Ўзбекистон ҳудуди бўйича бугхона газлари ҳисобига иқлимнинг глобал ва минтақавий ўзгариши оқибатларини баҳолаш кўрсатмоқдаки, 2030 йилга келиб, ўртача йиллик ҳароратнинг шимолий зонада икки - уч градусга, жанубий зона бўйича бир градусга кўтарилиши, тоғли туманларга таъсир камрок бўлиши кутилмоқда.

Иқлиминг ўзгариши сув устидан бугланиш ҳисобига 10-15% ва ўсимликлар транспирацияси ўсиши ҳисобига 10-20% сувнинг камайишига олиб келади, бу сувнинг тикланмас истеъмоли 18 фоизга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит қолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллый Маркази -2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив тахлил). Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида, Тошкент: 2008. -32-33 Б.

ортишига сабаб бўлади, тегишли равишда сув олиниши ҳам ортади. Ҳароратлар йигиндиси 5-10%га ортиши ва совук давомийлиги 5-15 кунга камайиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги экинларини экишнинг агрономий шароитлари ўзгаради.

Иқлим ўзгариши салбий оқибатларининг олдини олиш ва уларнинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишига йўналтирилган мамлакат иқтисодиётининг технологик эҳтиёжларини идентификациялаш, аввалимбор, миллий иқтисодиёт тараққиётга ёрдам беради. Бунда иқтисодиёт ўсишга эришиш ва уни кўллаб кувватлаш экологик стандартлар мос келиши керак.

Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш ва камайтиришига йўналтирилган технологияларни танлашда куйидаги омиллар кўлланилади:

буғона газлари (БГ) эмиссияларини қисқартириш мақсадида иқтисодий секторлар аҳамияти;

мавжуд технологияларни баҳолаш; бошқа технологиялар билан мослашувчанлиги ва уйғуналиги;

эмиссиялар қисқариши ва лойиҳа амал қилиш муддатлари ўзгармаслиги; технологияларни қўллашда олинадиган БГ эмиссияларининг миқдорий қисқариши;

технологияларни экологик ва ижтимоий-иктисодий аҳамияти; кейинчалик яхшилаш ва қўллашни кўпайтириш имкониятлари.

Ўзбекистон ва инвесторлар учун фойдали бўлган муҳим йўналишлар бу, тоза технологияларни (Күёш энергетикаси, кичик гидроэнергетика, биогазни), шунингдек энергия ресурсларини тежашга йўналтирилган тадбирларни (маиший истеъмолчилар учун газ, сув хисоби кўрсаткичларини жорий қилиш, иситиш тизимларини марказлаштиришдан воз кечишини) жорий этишдан иборат.

Республикада буғона газлари эмиссияларини қисқартиришига йўналтирилган мақсадли сиёsat юритилмоқда. Киото протокли ва БМТ иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси (ИЎДК) бўйича халқаро мажбуриятларни амалга ошириш нуткан назаридан тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган, 2000-2010 йилларга Ўзбекистон Республикаси буғона газлари эмиссиясини қисқартириш бўйича Миллий стратегиянинг асосий низомлари ва уни амалга ошириш тадбирлари қабул қилинган.

Асосий тадбирлар қўйидагиларни назарда тутади:

БГ ташламаларини техник назорат қилиш тизимини яратиш; иссиқлик етказиб бериш ва коммунал хизмат корхоналарини

техник қайта жиҳозлаш;

энергия ишлаб чиқаришни буғазли ва газтурбина қурилмалари асосида ривожлантириш;

кичик энергетика имкониятларини ўзлаштириш; табиий газ, иссиқлик энергиясини ҳисоблаш асбобларини тадтбиқ этиш;

оқилона тарифлар сиёсатини олиб бориш;

тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришни кенгайтириш.

Хозирги вактда, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тикланувчан энергия манбаларини (куёш коллекторлари ва куёшли сувиситгичларни) ишлаб чиқиши ва жорий қилиш бўйича катор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2006 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Киото протоколи ТТМ доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чората дбирлари тўгрисидаги Фармойиши, 2007 йил 10 январда эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Киото протоколи Тоза тараққиёт механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўгрисидаги қарори қабул қилинди. Баркарор тараққиётни таъминлаган ҳолда муҳим ташки иқтисодий, экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлган тоза тараққиёт механизми (ТТМ) бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Идоралараро кенгаш ташкил қилинди.

ТТМ бўйича инвестиция лойиҳаларига кўлланиладиган барқарор тараққиётнинг (иктисодий, экологик, ижтимоий) милий омиллари мамлакатнинг барқарор тараққиётига кўмаклаши керак.

Мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлаш саноат қувватларини доимий модернизация қилиш, технологик базани такомиллаштириш, янги, асосан экологик тоза технологияларни жалб қилиш асосида табиий ресурслардан фойдаланишининг оқилоналиги ва энергетик самарадорлигини оширишни тақозо этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи кандай манбалар мавжуд?
2. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни бартараф этишининг кандай экологик ҳуқукий йўлларини биласиз?
3. Ҳавонинг ифлосланиши ва озон қатламишининг бузилиши нималарда намоён бўлади?
4. Озонни бузувчи кандай моддалар мавжуд?
5. Кандай тургун ифлослантирувчи манбаларни биласиз?

6. Икlim va ҳарорат ўзгаришини кандай баҳолайсиз?
7. Атмосфера ёғинлари деганда нимани тушунасиз?
8. Сиз бугона газлари (БГ) ташламалари фаолияти ҳақида нималарни биласиз?

## **V-БОБ. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **5.1. Экология: Атроф мұхит ва инсон саломатлиги**

Дунә микәсида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш айниңса ёшларнинг репродуктив саломатлигини таъминлашда атроф мұхит омилиниңг мұхим үрни мавжуд. Ҳусусан, бу борада Бутунжаон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Европа Минтақавий Бюроси (БССТ ЕМБ) маълумотлариға қараганда, Европа минтақасида (ЕМ) ўлимнинг 8,1 миллион ҳолатига (барча ўлимларнинг 85,8%) ва 115,3 миллион DALYs<sup>1</sup>га (умумий касаллуклар оғирлигининг 76,7%) юқумсиз касаллуклар сабаб бўлган. ЕМда юрак-томир касаллуклари ва саратон касаллиги етакчи юқумсиз касаллуклардир, овқат ҳазм қилиш тизими касаллуклари ва нейропсихик толиқишилар келади.

БССТ экспертларининг фикрича (1997 й.), саратон билан боғлиқ барча касалланишларнинг 23% ва ҳолатларнинг 25% атроф мұхит омилларининг таъсири билан изоҳланади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида илмий-техника тараққиёти, тиббиётнинг ютуқлари, яшаш шароитларини талаб даражасида яхшиланиши туфайли хаёт давомийлигини анча оширишга эришди, ҳамда ёшларимизнинг саломатлигини яхшилашга алоҳида зътибор бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Обод турмушнинг яна бир мұхим шарти – бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканлигини барчамиз яхши тушунамиз... Шу боис ҳалқимизнинг саломатлигини химоялаш, бунинг учун соғлиқни саклаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касаллукларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаёттан тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рагбатлантириш масалалари биз учун доимий масала бўлиб қолади,-” деган гоялари атроф-мұхит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган катта зътибордир.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Каримов И.А.Инсон маніфести,хукуқ ша эркинликларни таъминлаш, ҳаётнынзининг янада эркин ва обод бўлишига эрициш-бизнинг бош мақсадимиздир.Президент Ислом Каримовнинг Узбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йилдигига багишланган тантанали маросимдаги маъруzasи// Инсон ва конун, 2012 йил 8 декабрь

Шунга қарамасдан, аҳоли ўртасида айрим касаллик турлари мавжуд бўлиб, ҳар йили республикада жумладан, онкологик касалликлар билан касалланганлар рўйхатга олинади. Фақатгина 2006 йилда, республикада турли локациядаги хавфли шишларнинг 18133 ҳолати (100 минг жон бошига 68,5 киши) қайд қилинди. Коракалпогистон Республикаси (66,9) ва Хоразм вилоятида (60,2) онкологик касалланишлар кўрсаткичи Тошкент ш. (124,5) ва умуман республика бўйича (68,5) кўрсаткичдан пастdir. Шунга қарамай, овқат ҳазм килиш органларининг хавфли шишлар билан касалланиши Коракалпогистонда ўртача республика кўрсаткичидан юқори. Масалан, овқат ҳазм бўлиши саратони 12,9 (республикада 4,0), ошқозон саратони 8,9 (республикада 6,5), жигар саратони 5,1 (республикада 3,3). Амалда касаллик ривожланишига бирорта омилнинг таъсирини аниқ ҳисоблаш жуда мураккаб вазифа бўлиб, “атроф мухит – саломатлик”нинг ўзаро боғликлиги кўп томонлама атроф мухит ифлосланиши шароитларида жуда мураккаб тусга эга.

Шубҳасиз, атроф-мухит омилларининг турли табиятли ва характеристернинг (ижтимоий, иктисолий, биологик, табиий-иклиний, кимёвий, физик ва бошк.) таъсири аҳоли саломатлиги ҳолатига салбий таъсирининг ривожланишига сабаб бўлади. Олимларнинг кўп сонли тадқикотлари далолат берадики, бронх астмаси, қандли диабет, сут бези саратони, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг язва касаллиги, юракнинг ишемик касаллиги ва бошқа кўп омилли касалликлар, яъни генетик, муҳит ва тасодифий омиллар умумийлигига шаклланадиган касалликларга киради. Шу тариқа жамиятнинг замонавий тараққиётида нокулай экологик омил аҳоли популяцион саломатлигининг шаклланишига таъсир кўрсатиши шубҳа уйғотмайди ва бу илмий тасдикланган далиллар, айниқса, янги синтезланадиган кимёвий бирикмалар вужудга келятипики, инсон улар билан бевосита алоқага киришади, зеро, эволюцион нуктаи назардан уларга кўнникмаган.

Оммавий юкумли касалликларнинг ривожланиши хавфи пасайгани сари касалланишлар ва бевақт ўлим тузилмасида юқумсиз, асосан сурункали касалликлар илгор ўриниларни эгаллай бошлади. Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигининг “Саломатлик” (“Здоровье”) институтининг расмий статистик маълумотлари кўра, касалланишлар умумий тузилмасида юкумли касалликлардан, жароҳатларга - 2,94%, заҳарланишлар ва ташки таъсирининг бошқа айрим оқибатларига - 3,62%, юкумсиз

касалликлар улушкига эса - 70 фоиздан кўпроқ кисми тўғри келмокда.

Мехнат салоҳиятини йўқотишнинг асосий сабабларидан бири юртдошларимизнинг ўлимиdir. Статистик маълумотларга кўра, юрак-томир тизими касалликлари касалланиш ва ўлим сабаблари тузилмасида алоҳида ўрин тутади. Барча ўлим сабабларининг 50 фоиздан ортиги, ушбу касалланишлар гуруҳига тўғри келади, ваҳоланки, барча даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат қилганларнинг 5,67 фоиздан (2000 й.) 5,4 фоизгача (2006 й.) касалланишлар ҳисобга олинган. Тургун меҳнатга лаёқатлигини йўқотган ҳар бешинчи ногирон юрак-томир касалликлари билан касалланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда шундай вазият рўй бердики, аҳоли яшаш пунктларининг (шаҳар ва қишлоқлар) атмосфера ҳавосини ифлослантирувчилар ҳудудларнинг экологик ҳолатини сезиларли ёмонлаштиромокда, экотизимнинг барча табиий компонентлари кимёвий таркибининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Буларнинг барчаси аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон гигиенистлари томонидан 1992-1996 йилларда, турли шаҳарларда (Тошкент, Олмалиқ, Чирчик, Фарғона, Навоий, Ангрен) ўtkazilgan kўп сонли тадқиқотлар атмосфера ҳавоси ифлосланиши ва аҳоли касалланиши даражаси ўртасида микдорий боғлиқлик борлигини тасдиқлади. Юқорида кўрсатилган шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси “фавқулодда”дан “кучли”гача оралиқда тебранади.

Шубҳасиз, атмосфера ҳавосининг бундай ифлосланишини аҳоли саломатлигига яқин (ўтқир респираторли касалликлар) ва узок (турли сурункали касалликлар ривожланиши) муддатли ҳавф түғдиради. Бундан ташқари, аҳоли яшаш пунктлари атмосфера ҳавосининг санитар-эпидемиологик хизмати органлари томонидан ўtkaziladigan тадқиқотларининг ҳар йиллик натижалари шундан далолат берадики, шаҳар атмосфера ҳавосининг ифлосланиши аҳоли саломатлиги учун ҳавфлилигича қолмоқда. Ўрганилган атмосфера ҳавосининг гигиеник меъёrlарга мувофиқ келмайдиган улуси (тадқиқ килинганлар умумий сонидан) Тошкент шаҳрида 31% ва 20,8%, Фарғона вилоятида 14,4% ва 17,7%, Андижон вилоятида 25,6% ва 25,3%, Бухоро вилоятида 14,9% ва 15,7%, Самарқанд вилоятида 16,3% ва 12,9%, Сурхондарё вилоятида 14,7% ва 19,2% (レスпублика бўйича

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Соглини саклаш вазирлигти РАТМ маълумотлари.

20,6% ва 16,8%)ни ташкил килди. Сўнгги 10 йилда ахолининг даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат килиши маълумотларининг таҳлили кўрсатди, умумий касалланиш тузилмаси фарқланади. Шундай килиб, нафас олиш органларининг касалликлари Тошкент ш. (27,3%), Қашқадарё (26,7%), Навоий (27,4%), Фарғона (29,1%), Наманган (31,7%) ва Тошкент (29,1%) вилоятларида, овкат ҳазм қилиш касалликлари эса, Хоразм вилоятида (20,5%) энг кўп тарқалган. Қон ва қон ҳосил бўлиши органлари касалликлари (анемия) деарли барча вилоятларда етакчи ўринни згаллади, энг катта солиштирма оғирлиги Қорақалпоғистон Республикаси (38,8%), Наманган (24,1%), Навоий (26,1%), Андижон (21,4%), Бухоро (20,5%) ва Жиззах (24,8%) вилоятларига тўгри келади. БССТ ЕМБ маълумотларига қараганда, анемия йўқотилган соғлом ҳаёт йилларининг 10 та асосий сабабларига киритилган<sup>1</sup>.

Жумладан, Оролбўйи минтақасида атмосферанинг асосий ифлослантирувчиси – қаттиқ зарраларга (куриган Орол денгизи тубидан туз-чанг кўтарилиши натижасида атмосфера ифлосланишига) алоҳида тўхталиш даркор. Илмий-тадқиқот маълумотлари кўрсатишича, аҳоли яшаш пунктларида яшайдиганлар дуч келадиган экспозиция катталикларида кўтарилган туз-чанг зарралари ахоли саломатлигига заарли таъсир кўрсатади. Оролбўйи минтақасида нафас олиш органлари касалликлари динамикасини ретроспектив батафсил баҳолаш аллергия ринити (полиноз), бронх астмаси ва астматик мавқейли беморлар, шунингдек юкори нафас олиш йўллари сурункали касалликлари ҳолатларининг ўсиши тамойилини аниқланди. Бронх астмаси ва астматик статусли касалликларининг ўсиш суръати (2003 йилга нисбатан 2006 йилда) Қорақалпоғистон Республикасида энг жадалдир – 182%, Хоразм вилоятида – 98,68%, аллергик ринитники эса, Хоразм вилоятида – 69,1%.<sup>2</sup>

Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов туманларидаги мавжуд мураккаб экологик вазият муайян даражада Тожикистон алюминий заводининг заарли ташламаларининг ўзига хос салбий таъсири билан изоҳланади. Ўтган асрнинг 80-йиллари ва 90- йиллар бошларида ёқ олtingугурт диоксиди ва фторли водороднинг Сариосиё тумани аҳолисининг саломатлигига қўшма

<sup>1</sup> Узбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тутрисида Миллий Маркази-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил). Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида. Тошкент: 2008. -151-152 б.

<sup>2</sup> Ўша жойда 153- бет.

таъсири аниқланган. Тожикистон алюминий заводи ишга тушган вақтдан бошлаб, Сурхондарё вилоятининг кўрсатилган туманларида болалар ва катталарнинг эндокрин тизими (эндем буқоқ) касалликлари билан оғриши, янги туғилган болаларда патологик бузилишлар тез-тез учраши, аёллар репродуктив функцияларининг бузилиши, флюорозга учраши ўртacha вилоят кўрсаткичидан 1,5-3 баравар кўпайди. Сўнгги 10 йил давомида, хавфли янги ўсмалар нозологик шаклари доираси хавфли лимфомалар, овқат ҳазм бўлиши органлари саратони, ошқозон саратони, суяк-мушак тизими хавфли шишлари каби нозологик шакллар солиштирма улушкининг энг юкориилиги билан тавсифланади.

Баъзида, гигиеник меъёрлардан четланишлар органолептик кўрсаткичлар (кислоталилиги, равшанлиги, колдиги) бўйича 10%, шунингдек таркибида заҳарли элементлар (кўргошин, кадмий, рух) бўлиши – 0,2%, озик-овқатлар энергетик куввати – 34%, ош тузи таркибидаги йод микдори – 30%, ичимликлардаги органик бирикмалар – 10%, ўсимликли маҳсулотлар таркибида нитратлар борлиги – 3%, бошқа кўрсаткичлар – 12,8% бўйича кузатилди.

Умуман олганда, озик-овқат маҳсулотларининг сифати ва бехатарлиги устидан назорат соҳасида амалга оширилган тадбирлар Республикада ўтирилганда ичак юкумли касалликлари ва овқатланишдан заҳарланишлар кескин кўпайишининг олдини олиш имконини ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериладиганлигидан ҳамда ахоли ва ёшлар ўртасида ушбу масала билан боғлиқ бўлган касалликлар камайиб бориши тенденцияси кузатилаётганлигидан далолат беради.

## 5.2. Атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланиши

Бугунги кунда атмосфера ҳавосини трансчегаравий ифлосланиши энг муҳим масалалардан биридир.<sup>1</sup> 1979 йилда қабул қилинган БМТ Европа иктисадий комиссиясининг (ЕИК) атмосфера ҳавосининг узқ масофаларига трансчегаравий ифлосланиши тұғрисидаги конвенцияси атмосфера ҳавосини ифлослантириш билан курашишда ҳамкорликдаги ҳаракатлар учун асос яратди. Конвенция атмосфера ҳавосини ифлослантириш ва унинг минтақавий

<sup>1</sup> Холмұмінов Ж. Т. Атмосфера ҳавосиннің мұхофазы қылыш, июлім ўзғарышы ва озон катловми бузилиши олдини алишнинг қалқаро ҳуқуқий асослары. //Фалсафа ва ҳуқуқ. 2009 №2. Т., 14-17-бет.; Уният Ўзи. Значение Конвенции о трансграничном загрязнении воздуха на большие расстояния для Республике Узбекистан //Ж. Философии и права. 2012. №1. 61-63 стр.

даражадаги оқибатларини ўрганиш ва мониторинги ҳамда чиқиндилиарни камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш соҳасида харакатларни бирлаштириши таъминловчи асосий ҳалқаро келишувлардан бири ҳисобланади.

Мазкур ҳужжат мажбурий юридик кучга эга бўлган протоколларни ишлаб чиқиш йўли билан аник бир ифлослантирувчи моддаларни чиқаришни чеклаш бўйича асос яратди. 1984 йилдан бошлаб, то ҳозирги даврга қадар, бу борада саккизта протокол қабул қилинди. Улар олтингугурт (олтингугурт диоксида), азот оксидлари, учувчан органик бирикмалар (УОБ) оғир металлар ва барқарор органик ифлослантирувчи (БОИ) чиқиндилиар ва трансчегара оқимларини қискартиришга қаратилган. Хали кучга кирмаган протокол оксидлашиш, зэтрофикация ва ер юзи озони ҳосил бўлишини келтириб чиқарувчи олтингугурт диоксида, азот оксидлари, аммиак ва УОБ чиқиндилиарини камайтиришга қаратилган саккизта протокол қабул қилинди.

Ҳозирги вактда Ўзбекистон Республикаси атмосфера ҳавосининг узоқ масофаларига трансчегаравий ифлосланиши ҳакидаги ЕИК конвенцияси иштирокчиси ҳисобланмайди ва атмосфера ҳавоси ифлосланиши ҳакида расмий статистик маълумотларни ЕИК комиссиясига тақдим этмайди. Конвенцияга кўшилиш мамлакатга минтақада ҳавонинг трансчегаравий ифлосланишига карши курашиида ҳамкорликда фаол катнашиш имконини берарди. Мазкур ҳалқаро келишувга кўшилиш жараёнига тайёргарчилик ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларига трансчегаравий таъсир кўрсатадиган Тожикистон алюминий заводи (ТожАЗ) фаолияти билан боғлиқ қескин экологик ҳолат сакланиб қолмоқда. ТожАЗ томонидан атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар, айниksa, фторли водород Сурхондарё вилоятининг қарийб 570 минг киши яшайдиган Сариосиё, Узун, Денов ва Олтинсой туманларига салбий таъсир кўрсатишни давом эттирмоқда, аҳолининг саломатлигига зарар келтирмоқда, кишлек ҳўжалиги ишлаб чиқаришига иктисодий зарар етказмоқда.

2007 йилда Тожикистон Республикаси Президентининг Фармони билан ТожАЗ Тожикистон алюминий компанияси давлат унитар корхонаси (кейинчалик ТАЛКО ДУК) деб қайта номланди. Завод рейтингини кўтариш ва Тожикистон алюминий тармоғининг ҳалқаро майдондаги нуфузини ошириш, шунингдек компаниянинг тузилмавий

ўзгаришларини давом эттириш мақсадида, уни кайта номлашга қарор қилинди. Заводнинг стратегик мақсадларида ишлаб чиқариш хажмларини янада ошириш, энг янги энергия тежовчи ва иқтисодий бекатар технологияларни жорий қилиш, маҳсулот сифатини ошириш назарда тутилган.

Шу билан бирга, тозалаш қурилмаларини жиддий кайта таъмиглаш бўйича кутишлар ҳали ўзини оқламади. Ҳали ҳам илгариги йиллар каби, атмосферага чиқариладиган қарийб 22 минг тонна ифлослантирувчи моддалар, шу жумладан 120 т фторли водород аҳоли саломатлиги ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, Сурхондарё вилоятининг қатор туманлари экологик вазиятини ёмонлаштирумокда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига иқтисодий зарар етказилмоқда.<sup>1</sup>

Атмосферага ифлослантирувчи моддалар тўпланишига сабаб бўладиган мазкур минтақанинг иклимий шароитлари ҳам вазиятни мураккаблаштирумокда. Ўзгидромет томонидан олиб борилаётган атмосферанинг ифлосланиш даражасини кузатиш шуни кўрсатдики, Сариосиё тумани атмосфера ҳавосида фторли водороднинг таркиби 1991-2007 йилларда 0,8-1,8 РЭЧУ оралиғида бўлиб, баъзи ҳолларда санитар-гигиеник меъёрлардан 2 баравар ортган. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши олтингугурт диоксида ва азот диоксида, фторли водород ва олтингугурт диоксидининг қушилиши натижасида ҳам кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазилар Махкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) тақдим этган маълумотларга қараганда, 2006 йил март ойидан то октябргача 0,051 мг/м<sup>3</sup>, 2007 йил апрель ойидан то октябригача эса 0,049 мг/м<sup>3</sup> гача (меъёр 0,012 мг/м<sup>3</sup>) оралиқда атмосфера ҳавосида фторли водороднинг бир марталик юкори концентрациялари ошиш ҳолатлари қайд қилинган.

Бундан ташкири кўрсатилган давр давомида, Сурхондарё вилояти Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика давлат санитар-эпидемиологик назорати маркази (РДСЭНМ) худудий бўлинмалари томонидан Узун, Сариосиё, Денов ва Жарқўргон туманларида атмосфера ҳавосини тадқиқ қилиш амалга оширилди. 2006 йилда атмосфера ҳавосидан 1015 намуналар олинган. Бунда марталик РЭЧУ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасига атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўрисида Миллий Маъриза -2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив тахлил). Б.Б. Алихонов умумий тахрири остида, Тошкент.: 2008. -27 Б.

ошиши билан бөглиқ намуналар Сариосиё туманида кузатилиди. Июнь ойидан бошлаб намуналарда атмосферада РЭЧУдан ортик бўлган фторли водород кўпайди ва июнда 26,79%, يولда 24,04%, августда 25,9%, сентябрда 30,6%, октябрда 35%, ноябрда 20% ва декабрда 20,8% такил этди. Мазкур туманда фторли фодород сакланган намуналар 29,2 фоиздан (март) 100 фоизгача (декабрь) оралиқда тебранмоқда.<sup>1</sup>

Узун, Денов туманларида аҳоли яшаш пунктлари атмосфера ҳавосида фторли водород сакланиши РЭЧУдан юқори бўлмаган. 2006 йил давомида, Жарқўргон тумани атмосфера ҳавосида фторли водород аниқланмади.

2007 йил 9 ойи давомида атмосфера ҳавосининг 565 намунаси олинган. Узун туманида аниқланган энг юқори марталик концентрация 0,014 мг/м<sup>3</sup> дан 0,078 мг/м<sup>3</sup>гача; Сариосиё туманида – 0,015 мг/м<sup>3</sup> дан 0,092 мг/м<sup>3</sup>гача тебранди. Гигиеник метьёрларга (марталик – 0,012 мг/м<sup>3</sup>) мос намуналар улуши Сариосиё туманида 41,3 фоиздан 90 фоизгача, Узун туманида 33,3 фоиздан 93,3 фоизгача тебранган. Денов туманида фторли водород сакланиши марталик РЭЧУдан ошмаган. Жарқўргон туманида эса, фторли водород аниқланмади.

ТАЛКО ДУК трансчегаравий ташламаларининг Сурхондарё вилоятининг айрим чегаравий туманлари аҳолисига салбий тъсирини камайтиришга йўналтирилган тадбирлар режасига кўра Соғликни саклаш вазирлиги томонидан:

- Узун, Сариосиё, Денов ва назоратдаги Жарқўргон туманлари аҳолисининг даволаи профилактика муассасаларига тиббий ёрдам сўраб мурожаат килишларининг ҳар чоракли ҳисобини юритилади;

- атроф мухитда фторли қоришмалар сакланиши юзасидан, доимий изланишлар олиб борилади.

2006 йилда аҳоли касалланишининг таҳлили куйидагиларни аниқлади.

Сариосиё тумани бўйича 2006 йил сўнгига келиб, онкологик касалликлар бўйича ахолининг мурожаатлари кескин кўпайди. 2006 йил биринчи чорагига нисбатан онкологик касалланишлар ўсиш суръатлари 445 фоизни ташкил қилди. 10 000 жон бошига интенсив

<sup>1</sup> Узбекистон Республикасида атроф-мухит холати ма табиии ресурслардан фойдаланити тўғрисида Миллий Маъruzza-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил) Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида. Тошкент. 2008. -27 б.

кўрсаткичлар тегишли равишда биринчи чорақдаги 27,5 га нисбатан тўртинчи чорақда 149,8 бўлди. Эндокрин тизими (ўсиш 112% бўлди, интенсив кўрсаткичлар тегишли равишда 1133,3 ва 2399,1), нафас олиш органлари (ўсиш 178%, интенсив кўрсаткичлар тегишли равишда 556,2 ва 1546,1), овқат ҳазм қилиш органлари (ўсиш 156%, интенсив кўрсаткичлар тегишли равишда 340 ва 871,9), флюороз (ўсиш 98,8%, интенсив кўрсаткичлар тегишли равишда 538,8 ва 1071,3) касалликлари бўйича ҳам шунга ўхшаш ўсиш тамойили қайд қилинди.<sup>1</sup>

Узун тумани бўйича онкологик (438%) ва эндокрин тизими (240%) касалликларининг кескин ўсиши кузатилди. Нафас олиш органлари ва флюороз касалликлари ўсиши Сариосиё туманига нисбатан паст ва тегишли равишда 90% ва 9,6%-ни ташкил қилди. 14 ёшгача бўлган болалар орасида касалликларнинг тарқалиши барча 5 касаллик гурухлари бўйича ўсиши билан тавсифланди.

Денов тумани бўйича касалликлар бўйича шифокорларга аҳолининг мурожаат қилиши маълумотлари абсолют ракамларда кескин тебранмокда. Агар биринчи ва иккинчи чорақларда рўйхатга олинган онкологик касалликлар сони 100 дан ортмаган бўлса, учинчи ва тўртинчи чорақларда бу рақамлар 901 ва 1074 ни ташкил қилди. Рўйхатга олинган нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари, флюороз касалликлари сони бўйича ҳам худди шундай вазият кўзга ташланади. Демак, 5 касаллик гурухи бўйича умумий касалланишлар интенсив кўрсаткичлари биринчи ва иккинчи чорақка нисбатан учинчи ва тўртинчи чорақларда анча юкори. Умуман олганда, эндокрин тизими (10000 жон бошига 42,4) ва нафас олиш органлари (510,1) касалликлари тарқалишининг интенсив кўрсаткичлари Узун (тегишли равишда 212,3 ва 830,3) ва Сариосиё (тегишли равишда 2399,1 ва 1546,1) туманларига нисбатан паст. Флюороз тарқалиши (498,3) Сариосиё туманига (1071,3) нисбатан паст, лекин Узун туманига (105) нисбатан юкоридир.

Жарқўргон тумани бўйича аҳоли орасида барча ёш гурухларида флюороз рўйхатга олинмади. 2006 йил учинчи чорагида нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш

<sup>1</sup> Узбекистон Республикасида итроғ-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланош тұтыниска Миллий Маъруса -2008 (1988-2007 йыллар бўйича ретроспектив тахлил). Б.Б. Алдохонов умумий тархрифи остида. Тошкент. 2008. -28 б.

органлари касалликларининг абсолют рақамлари 1, 2 ва 4 чоракларга нисбатан юкори. Тўртингчи чоракда биринчи чоракка нисбатан онкологик касалланишлар кўрсаткичлари 4,9 фоизга пасайғанлиги билан изоҳланади. Нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари тарқалишининг кўрсаткичларига келсак, тегишли равишда 82% ва 135%га ўсиш қайд қилинган.<sup>1</sup>

2007 йил 9 ойи учун Сурхондарё вилояти аҳолиси саломатлиги холатининг мониторинги кўрсатишича, Узун, Сариосиё, Денов ва Жарқўргон туманларида барча ёш гурухларида (болалар 14 ёшгача, ёшлар 1517 ёш, катталар 18 ёш ва ундан катта) онкологик, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари, эндокрин тизими касалликларини рўйхатга олиш давом этди.

Бироқ, флюороз бэрча ёшдаги гурухларда факат учта туманда (Узун, Сариосиё, Денов) рўйхатга олинди. Таъкидлаш жоизки, 14 ёшгача бўлган болалар орасида онкологик касалланишларининг камдан-кам ҳолатлари қайд қилинди.

Кўрсатилган туманларда нафас олиш органлари, эндокрин ва суяқ тизими, онкологик касалликлар, овқат ҳазм қилиш органлари ва флюороз касалликлари борасида, аҳолининг тиббий ёрдамга мурожаат қилиши кўрсаткичларига камайиш тамойили билан тавсифланмайди.

Тупроқ жараёнларига фтор билан жиддий ўзгаришлар киритаётганлиги таъкидланмоқда. ТАЛКО ДУК томонидан, Сурхондарё вилояти тупроқ қатламига салбий таъсир миқёсини аниқлаш бўйича илмий ишлар Давергеодезкадастрқўмнинг Давлат тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти (ДТАИТИ) томонидан олиб борилмоқда. Вилоятнинг Сариосиё, Узун, Денов, Шўрчи, Кумқўргон ва Жарқўргон туманларида 18 та кузатув экологик майдончаси (КЭМ) ташкил этилган.

2006 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳоли яшайдиган жойларнинг тупроқлари ўрганилди. Узун, Сариосиё, Денов ва Жарқўргон туманларида фторнинг ялпи таркиби бир хил 2,8-5,8 мг/кг оралиқда бўлди ва меъёрлардан ошмади. 2007 йилда 127 тупроқ синови ўрганилди. Тупроқда фторнинг энг юкори концентрацияси Сариосиё туманида 4,05-4,2 мг/кг, Узун туманида

<sup>1</sup> Узбекистон Республикасида атроф-мухит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий Маъruzum-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил) Б.Б. Алмоҳомов умумий таҳрири остида, Тоҷикистон. 2008. -28 б.

3,03-4,2 мг/кг; Денов туманида 3,4-4,2 мг/кг; Жарқўрғон туманида 3,2-3,7 мг/кг бўлди ва гигиеник меъёрлардан ошмади.

Ўзгидромет маълумотларига қараганда, 2006 йилда ва 2007 йил биринчи ярмида Амударё ҳавзасининг энг йирик дарёлари – Сурхондарё ва Қашқадарё ўргамиёна ифлосланган. Ушбу даврда Сурхондарё ва Коратоғ дарёларининг ифлосланиши куйидагича бўлди:

нитритлар бўйича 2006 йилда 0,1-3,4 РЭЧУ (0,001-0,068 мг/л), 2007 йилда 0,1-1,9 РЭЧУ (0,002-0,038 мг/л);

феноллар бўйича 2006 йилда 6 РЭЧУгача (0-0,006 мг/л), 2007 йилда эса 0,3 РЭЧУгача;

сульфатлар бўйича 2006 йилда 0,7-7 РЭЧУ (70,1- 696 мг/л), 2007 йилда 0,9-2,9 РЭЧУ (87,4-292 мг/л);

минерал тузлар таркиби 2006 йилда 1,4 РЭЧУгача (1433 мг/л гача);

кўрғошин коришмалари бўйича 2006 йилда 3,7 РЭЧУгача (3,5 мкг/л), 2007 йилда 0,8-4,2 РЭЧУ (0,8-4,2 мкг/л);

олти валентли хром бўйича 2006 йилда 1,5 РЭ- ЧУгача (1,5 мкг/л гача);

нефть маҳсулотлари бўйича 2007 йилда 0,2-1,2 РЭЧУ (0,01-0,06 мг/л).<sup>1</sup>

Колган ингредиентлар сакланиши РЭЧУдан ошик бўлмади.

Ўсимликлардаги, айниқса, заарли ташламалар билан атмосфера ифлосланиши шароитларида алоҳида физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар кам ўрганилганлиги эътиборга олиниб, гўза уруғларида (Наманган-77 ва Юлдуз), оксиллар таркиби ўзгаришининг динамикаси тадқик этилди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, гўзанинг оммавий гуллаши даврида мева элементларининг кўп тушиши кузатилди, натижада ҳосилдорлик 10-15 фоизга камайганлиги таъкидланди. Гўза гулчанги оксилларининг ташламалар заарли таъсирга берилувчалигини тадқик этилиши кўрсатдики, заарли ташламалар гулчанг оксиллари юқори молекуляр синтезни секинлаштирас экан.

Белгиландики, таъсир зонасида ҳатто кам ҳаражат билан ҳам, яъни минерал ва оксил алмасиниши бошқарилишида қатнашадиган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида итроф-мухит колати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тутрисида Миллий Матбузуат-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектива таддиил). Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида. Тошкент. 2008.-29 Б.

биостимуляторлар (хусусан, хлорли кальций зритмалари) билан ўсимликлар уруғларига ишлов бериш орқали ҳам ўсимликларнинг заарли ташламалар билан заарланиши даражасини камайтириш мумкин экан.

ТАЛКО ДУК таъсири зонасидаги бошқа ўсимликлар ҳолатини ўрганиш кўрсатдики, ўрик, узум, чинор, тут, хурмо, олма, баъзида анорда морфологик белгилар ўзгаради ва барглар пластинкаси, айниқса, узумда заарланади, барглар нотабийи қизил рангта киради, сўнгра қуриб қолади. Хурмо, ипак, олма ва олхўри баргларида барглар пластинкасининг пигментацияси ўзгаради. Томатда барглар нафас олиши суръатининг ўзгириши кузатилди.

Кучли ифлосланиш зоналаридаги ўсимликларда 200 мг/кг дан ортиқ фторли водород тўпланади, ваҳоланки, барглардаги фторидларнинг салбий таъсири чегарасидаги даражаси қурук массага нисбатан 15-20 мг/кгдир. Сариосиё туманининг деярли барча хўжаликлирида ўсимликлар баргларидаги фтор таркиби, айниқса, кузда меъердан 2-10 баравар ошади. Бунда ўсимликларга ТАЛКО ДУК ташламалари таъсири зонаси шамоллар йўналишида заводдан 40-45 км масофагача чўзилган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўзбек қишлоқ хўжалиги илмий-ишилаб чиқариш маркази матьлумотларига қараганда, Сариосиё туманидаги Дашибод хўжалигига ўсимликлардаги озукавий минерал элементлар 0,11 ни, назоратли Жарқўргон туманидаги ўсимликларда 0,55 ни ташкил килади.

Фторнинг тупрок жараёнларини ўзгартириши ва фторли водороднинг атмосфера ҳавосига ташланиши қишлоқ хўжалигига жиддий салбий таъсири кўрсатди. Ўсимликшуносликда ҳосилдорлик, чорвачиликда маҳсулдорлик кескин камайди. Узун туманида 1991 йилда узум ҳосилдорлиги 30,1 т/га атрофида бўлди, 2002 йилда 2 баравар, Сариосиё туманида худди шу даврда 4 баравар камайди.

Аввал Сариосиё тумани ҳар йили 400 т ипак етиштираси зди, ҳозирги вактда бу фаолият тўхтатилган.

Сўнгги ўн йилликда Сариосиё туманида йирик қорамол микдори қарийб 80%, Узунда – 50%га, сут ишилаб чиқариш тегишли равишда 51% ва 12%га камайди.

Тупроқда фторнинг ва атмосфера ҳавосида фторли водороднинг ортиқча таркиби сезиларли иқтисодий зарар етказмокда. Илмий-тадқиқот гидрометеорологик институти мутахассисларининг

бошланғич ҳисоб-китобларига караганда, алюминий заводи таъсирига берилган туманларнинг иқтисодий зарари атиги тўрт йилда (1997, 1999, 2001, 2003 йилларда) 228,3 млн. АҚШ долларига баҳоланмоқда.<sup>1</sup>

Юқорида келтирилгандан келиб чиқиб, алюминий заводи ташламаларининг Сурхондарё вилояти Денов, Узун ва Сариосиё туманлари ҳудудларига салбий таъсирини юмшатиш учун маҳсус мақсадга йўналтирилган чоралар қабул қилиш лозим.

1. Экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий қилиш асосида табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланишини таъминлаш, кўриб чиқилаётган худуд атроф табиий мухитининг ифлосланиш даражасини санитар гигиеник ва экологик меъёрларгача пасайтириш; турили даражадаги давлат органлари ва табиатдан фойдаланувчилар муносабатларини бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва жорий қилиш, қабул килинаётган бошқарув карорларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашга экологик талабларни киритиши.

2. Атроф мухит ҳолатини прогноз қилиш ва баҳолашга комплекс тизимили ёндашиш мақсадида ягона мониторинг, прогнозлаш ва ахборот тизимини ташкил қилиш.

3. Давлат дастурлари, фундаментал ва қўшимча тадқиқотлар, шунингдек инновацион дастурларда алоҳида йўналиш сифатида умумдавлат экологик муаммоларни назарда тутиш.

4. Икки томонлама давлатлараро ишчи гуруҳини ташкил қилиш, яъни:

а) ҳалқаро ташкилотлар молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида, кўмаклашиш учун ҳалқаро форум ташкил қилиш;

б) Тожикистон алюминий компанияси давлат унитар корхонасининг салбий таъсир зonasида экологик ҳолатни яхшилашда ҳамкорлик қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Тожикистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги Битимнинг янги лойиҳасини тайёрлаш;

в) минтақада экологик-гигиеник ҳолатни тузатиш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудлари атроф-муҳити ва ахолиси саломатлигига алюминий заводи зарарли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланишиш тўғрисидаги Миллий Маъruzai-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив тахдил). Б.Б. Алиевонов умумий таҳрири остида. Тошкент. 2008. -30 б.

ташламаларининг таъсири жараёнини чукур ўрганиш бўйича маҳсус давлатлараро дастурни ишлаб чиқиши зарур.

5. Ўзбекистон Республикасига Трансчегаравий миқёсда атроф муҳитга таъсири баҳолаш бўйича Конвенцияга (Эспо ш., 1991 й.) кўшилиши керак.

6. Сурхондарё вилояти Ҳокимиятнинг тегишли Ҳалқ депутатлари кенгашининг комиссиялари билан ҳамкорликда, маҳаллий фуқаролар йигинларини жалб этган холда, Тоҷикистон алюминий компанияси давлат унитар корхонасининг салбий таъсири зонасидағи оқибатларни юмшатиш бўйича маҳсус дастур ишлаб чиқиши лозим.

7. Жамият экологик маданиятини ва кадрлар малакали тайёргарлигини ошириш мақсадида, экологик таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарур.<sup>1</sup>

### **5.3. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар мониторинги**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф муҳитга таъсири мониторинги Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари таҳлилий назоратга ихтинослашган инспекциялари томонидан табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалар мониторинги дастури асосида амалга оширилади. Ҳаво муҳити мониторинги ягона тизимини яратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 апрелдаги 111-сонли Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги, 2003 йил 13 январдаги 16-сонли ва 2006 йил 16 мартағи 48-сонли тегишли равиша 2003-2005 ва 2006-2010 йилларга Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

Табиий муҳитни Ифлослантирувчи манбалар мониторингига (ИММ) мувофиқ назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгashi билан келишилган

<sup>1</sup> Узбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги Миллий Маргуза.-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив тадқиқ). Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида, Тошкент.: 2008. -31 б.

(10.11.2004 йилдаги 4-сонли баённома ва 26.05.2006 йилдаги 2-сонли ўзгаришлар) Корхоналар рўйхатига киритилган атроф табиий мұхитга ифлослантирувчи (энг хавфли) моддаларни чиқарувчи асосий манбаларнинг экологик ҳолати асбобий усууллар ёрдамида текширилди.

Ўзбекистон Республикасида етмиш мингдан ортиқ стационар ифлослантирувчи манбаларга эга бўлган икки мингга яқин йирик ва ўрта саноат корхоналари фаолият юритиб, атмосферага 150 дан ортиқ турдаги зарарли моддалар чиқаради. Ташланмалар ҳажми бўйича тахминан 50 та ифлослантирувчи модда долзарб саналади. Бу биринчи навбатда асосий саноат ифлослантирувчилари – азот оксиди, олтингугурт диоксили, углерод оксили, чанг, шунингдек ўзига хос ифлослантирувчилар – аммиак, органик суюлтирувчилар, углеводородлар, олтингугуртли водород, фенол, оғир металлар ва бошк.

Ифлослантирувчи манбалар мониторингини бажариш натижаларига кўра аниқландики, асосий ифлослантирувчи манбаларга Ўзбекэнерго ДАК таркибида киравчи корхоналар – Навоий ИЭС, Ангрен ИЭС, ТошИЭС, қора ва рангли металлургия корхоналари - Олмалик КМК ОАЖ, Ўзметкомбинат АИЧБ, курилиш металлургияси корхоналари – Охангаронцемент АЖ, Кувасойцемент АЖ, Фарғона АБЦ, кимё саноати обьектлари - Навоийазот АЖ, Фарғона фуран бирикмалари заводи, ЭКС ОАЖ, нефть-газни қайта ишлаш корхоналари - Шўрттаннефтгеаз УШК, Муборак ГКИЗ УШК ва Поп пахтасаноат корхоналари киради.<sup>1</sup>

Ифлослантирувчи моддалар саноат ташланмаларининг умумий ҳажмида асосий улуш углерод оксили (курилиш комплекси), олтингугурт диоксили (Ўзбекэнерго ДАК корхоналари, қора ва рангли металлургия), углеводородлар (нефть-газ саноати), азот оксили (кимё комплекси) ва чангга (курилиш комплекси) тўғри келади.

Углерод оксили, азот оксили, олтингугурт диоксили ва чанг бўйича СТЧТ меъёрларининг доимий оширилиши Тошкент, Қашқадарё, Фарғона ва Навоий вилоятларига, шунингдек Қорақалпогистон Республикасига тўғри келади. Асосан, ушбу

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф-мұхит ҳолати на табиий ресурслардан фойдаланниш тўғрисида Миллий Маъруза-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектива тасвил). Б.Б. Альдононов умумий таҳрири остида, Тошкент. 2008. -168 Б.

вилоятлар шаҳарларида атмосферага ҳавосига санаб ўтилган ингредиентларнинг салбий таъсир чегарасидаги концентрациялари меъёрларининг оширилиши кузатилмоқда.

#### **5.4. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, иклим ўзгариши ва озон қатламини бузилишиби олдини олишининг халқаро хуқуқий асослари**

Барча тирик мавжудот, жумладан, инсоният учун энг муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг мусаффолигини таъминлаш бутун дунёдаги глобал экологик муаммолардан биридир.

Шуниси эътиборлики, янги асрга келиб аҳвол кескин ўзгарди. Сунгги йилларда биосфера бизга ташвишли сигналлар юбормоқда. У эндиликда илмий–техника революцияси сабабли тезлик билан ўсиб бораётган инсоннинг технологик фаолияти натижасида юз берадиган ҳаво, тупрок ва сувнинг ифлосланиш суръатларига бас келолмай қолмоқда. Сайёрамиз биосфераси биз учун ижобий бўлмаган томонга ўзгара бошлади. Одамлар аввалига бу ўзгаришларнинг аҳамиятини тушуниб етмадилар. Инсоният минг йиллар давомида табиатдан ўз ҳаётини таъминлаш ва авлод колдириш учун керак бўладиган барча нарсаларни олишга ўрганиб колди.

Бироқ, инсон сунгги йиллар давомида табиатни, ер қобиги бўлмиш биосферани, атмосфера ҳавосини шунчалар ўзгаририб юбордики, натижада унинг миллион йиллар давомида таркиб топган гўзаллиги ва мусаффолигига раҳна солинмоқда, наботот ва ҳайвонот оламининг ноёб намуналари камайиб кетмоқда.

Эътиборли томони шундаки, олимлар, кейин кўпгина мамлакатларнинг жамоатчилиги иклимдаги салбий ўзгаришлар, сайёрамиз атмосферасининг бузилиши, ўрмонлар майдони қискариб боришининг ижтимоий оқибатларидан қаттиқ ташвиш билдирилмоқдалар. Яқиндагина маҳаллий хусусиятга эга бўлган экологик ўзгаришлар бир авлод кўз ўнгидаги минтақавий ва глобал фалокатларга айланмоқда. XX асрнинг унчалик такомиллашмаган, бироқ оммавийлашган технологиялари келтириб чиқараётган кислота ёмғирлари ўсимликлар дунёсини йўқ қилмоқда, тарихий обидалар, замонавий қурилиш бинолари ва ҳатто металлдан бўлган қурилмаларнинг ҳам нураб кетишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда муайян чегара йўқ. Шу боис инсоннинг меҳнат қобилиятига,

ҳаёттый фаялиятига, умрининг узун-қискалигига, умуман, сихат-саломатлигига таъсир кўрсатадиган асосий омил бўлмиш атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишимиз лозим. Зеро, бутун тирик мавжудот учун унинг аҳамияти бекиёсдир.

Маълумки, 1979 йилда қабул қилинган БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг (ЕИК) атмосфера ҳавосининг узок масофаларига траснчегаравий ифлосланниши тўғрисидаги конвенцияси атмосфера ҳавосини ифлослантириш билан курашида ҳамкорликдаги ҳаракатлар учун асос яратди. Конвенция атмосфера ҳавосини ифлослантириш ва унинг минтақавий даражадаги оқибатларини ўрганиш ва мониторинги ҳамда чиқиндиларни камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш соҳасида ҳаракатларни бирлаштиришни таъминловчи асосий халқаро келишувлардан бири ҳисобланади.

Мазкур ҳужжат мажбурий юридик кучга эга бўлган протоколларни ишлаб чиқиш йўли билан аниқ бир ифлослантирувчи моддаларни чиқаришни чеклаш бўйича асос яратди. 1984 йилдан бошлаб, то ҳозирги даврга қадар бу борада саккизта протокол қабул қилинди. Улар олтингугурт (олтингугурт диоксиди), азот оксидлари, учувчан органик бирикмалар (УОБ) оғир металлар ва баркарор органик ифлослантирувчи (БОИ) чиқиндилар ва трансчегара оқимларни қисқартиришга қаратилган. Ҳали кучга кирмаган протокол оксидлашиш, эвтрофикация ва ер юзи озони ҳосил бўлишини келтириб чиқарувчи олтингугурт диоксиди, азот оксидлари, аммиак ва УОБ чиқиндиларни камайтиришга қаратилган.

БМТ ЕИК тавсияларига амал қилиб, мазкур халқаро келишувга кўшилиш жараёнига тайёргарчилик ишлари олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда чиқинди чиқариш даражаси ва уларнинг ўзгариши тенденцияларини таҳлил қилиш амалга оширилмоқда. Халқаро мажбуриятларга амал қилиш ва атроф-мухитни соғломлаштириш бўйича миллий сиёсат ва стратегиянинг кенглиги ва боришини баҳолаш олиб борилмоқда.

1. Ҳозирги пайтда олтингугурт чиқиндиси ёки уларнинг трансчегаравий оқимларини камида 30% га камайтириш тўғрисидаги протокол (Хельсинки, 1985) ва олтингугуртнинг чиқиндиларни янада камайтириш тўғрисидаги протокол (Осло, 1994) эътиборли аҳамиятга эга.

Олтингугурт чиқиндиларни ёки уларнинг трансчегаравий оқимларини камида 30% га камайтириш тўғрисидаги Протокол икки талабдан иборат:

– олтингугурт чиқиндисини (ёки уларнинг трансчегарали оқимларини) 1993 йилга келиб 1980 йилда кайд этилган даражага қараганда 30% га камайтириш ва мана шу камайтиришлар ҳажмини саклаб қолиш;

– олтингугурт чиқиндилари ҳақидаги ҳисобитини ижроия органига тақдим этиш зарурлиги.

Олтингугурт чиқиндиларини янада камайтириш тўғрисидаги Протокол 1985 йилдаги олтингугурт бўйича Протоколга қараганда анча каттиқ талаблар кўяди, лекин унинг ўрнини босмайди.

Протокол куйидаги самараали чораларни кўришни талаб этади:

– ёқилғида олтингугурт миқдорини камайтириш;

– энергетика самарадорлигини ошириш;

– кайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини рағбатлантириш;

– мавжуд энг яхши технологияларни кўллаш;

– ҳамда олтингугурт диоксиди чиқиндиларини камайтиришини самараали рағбатлантириш учун иқтисодий воситалардан фойдаланишини рағбатлантирувчи қоидалардан ташкил топган.

2. Шунингдек, азот оксидлари чиқиндиларини ёки уларнинг трансчегаравий оқимларини чеклаш тўғрисидаги Протокол (София, 1988) 1994 йил охирига келиб ва кейинги йилларда азот оксидлари ( $\text{NO}_x$ ) чиқиндилари 1987 йил даражасидан ошмаслигини таъминлашни талаб этади.

1993 йилга келиб иқтисодий мақсадга мувофик, энг яхши мавжуд услублардан фойдаланиб, бир вақтнинг ўзида мавжуд стационар манбалардан чиқадиган чиқиндиларни чегаралаш бўйича чораларни ишлаб чиқиши билан катта манбалар ва янги стационар ва ҳаракатдаги манбалар барча тоифаларига чиқинди чиқариш бўйича миллий меъёрлар кўлланилишини таъминлаш зарур.

3. Узбекистон Республикасида транспорт воситаларини этилсиз бензин билан таъминлаш борасидаги талабга 2008 йилда эришиш кўзда тутилмоқда. Учувчан органик бирикмалар (УОБ) тўғрисидаги Протокол (Женева, 1991) антропоген келиб чикувчи УОБ чиқиндиларини 1999 йилда 1984–1990 йиллар даври билан солиширилганда 30%га камайтирилишини талаб этади. Тропосфера озони миқдоирини бошқариш ҳудудларида чиқиндилар 1988 йил даражасидан ортмаслиги керак.

Маълумотларни таҳлил қилиш автомобиль бензинини ишлаб чиқаришда, симоб чиқиндиларини камайтириш бўйича мақсадга

мувофик ишлар бажарилаётганлигини кўрсатади. Симоб чиқиндиларини камайтириш мақсадида 2000 йил 23 октябрда 405-сонли Таркибида симоб бўлган лампалар ва асбоблардан фойдаланиш ва зааррасизлантириш бўйича корхоналар фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори кабул қилинган.

Бошка металлар чиқиндиларини камайтиришга ишлаб чиқаришга илғор технологияларини татбиқ этиш, чанг тозалаш замонавий тизимларини ўрнатиш хисобига зришилмоқда.

Протоколга республиканинг кўшилиши масаласини тайёрлаш учун биринчи навбатдан, ҳар бир иқтисодиёт сектори бўйича чиқиндилар миллий кадастрини қайта кўриб чиқиг, оғир металл чиқинди манбаларини аниқлаш ва қўлланаётган технология ҳамда назорат чоралари самарадорлигини баҳолашга киришиш керак.

4. Барқарор органик ифлослантирувчилар (БОИ) бўйича Протокол (Орхус, 1998) атроф–мухитга БОИ чиқиндиларини ташлаш, келтириш ва ажратиб чиқаришни чеклаш, кисқартириш ёки тўхтатиш талаб этади. Протокол томонидан 16 моддалар, шу жумладан, 11 та пестицидлар, иккита саноат кимёвий моддалари ва учта қўшимча ифлослантирувчилар белгиланган. Протокол томонидан, баъзи пестицидларни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш мутлақо тақиқланган (альдрин, хлордан, хлордекон, дильдрин, эндрин, гексабромдифенил, мирекс ва токсафенлар). Иккинчи босқичда йўқотилиши лозим бўлганлар: ДДТ, гептахлор, гексахлорбензол (ГХБ), полихлордифениллар (ПХД). Протокол ДДТ, гексахлорциклогександан (ГХГ) шу жумладан линдан ва ПХДлардан фойдаланишини қатъий чеклайди.

Протоколда янги ва мавжуд стационар (тургун) манбаларга чиқиндилар чекланган миқдоирини қўллаш учун муддатлар белгиланади ва уларда маҳсус тозалаш курилмаларини ўрнатиш тавсия этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ўсимликларни химоялаш, кимёвий воситалар ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт келишни бошқариш бўйича қонунчилик ва меъёрий базалар яратилган, баъзи кимёвий бирикмалардан фойдаланиш тақиқланган. Мисол учун, 6 та пестицидлар – ДДТ, альдрин, хлордан, дильдрин, эндрин, гептахлор Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат кимё комиссиясининг 2003 йил 28 марта кабул қилинган қарори билан тақиқланган.

Азот оксидлари чиқиндиларини ёки уларнинг трансчегара вий

окимларини чеклаш тұғрисидаги Протокол (София, 1988) 1994 йил охирига келиб ва кейинги йилларда азот оксидлари ( $\text{NO}_x$ ) чиқиндилари 1987 йил даражасидан ошмаслигини таъминлашни талаб этади.

1993 йилга келиб иктисадий максадға мувофиқ, зәңг яхши мавжуд услублардан фойдаланиб, бир вактнинг ўзида мавжуд стационар манбалардан чикадиган чиқиндиларни чегаралаш бүйича чораларни ишлаб чиқыш билан катта манбалар ва янги стационар ва ҳаракатдаги манбалар барча тоифаларига чиқинди чиқариш бүйича миллий мөъёрлар құлланилишини таъминлаш зарур. Томонлар “чиқиндилар чегараларини” ва чиқиндиларни камайтириш бүйича асосий күрсаткичларни ҳамкорликда белгилаб олишлари ҳамда чиқинди газларини каталитик нейтрализаторлари билан жихозланган транспорт воситаларидан фойдаланишини кенгайтириш максадида үзларида этилсиз бензинни етарли миқдорда таъминлашлари керак.

Масалан: республикада 1987 йилда азот оксиди чиқиндилари 371,6 минг тоннани ташкил этди. Статистик ҳисобот маълумотлари бүйича 1994 йилда азот оксиди чиқиндилари 97,2 минг тоннага, ёки 26,2%га. 2004 йилда 205 минг тоннага ёки 82,1%га камайди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида транспорт воситаларини бензин билан таъминлаш борасидаги талабга 2008 йилда эришиш күзда тутилмоқда. Учувчан органик бирикмалар (УОБ) тұғрисидаги Протокол (Женева, 1991) антропоген келиб чиқувчи УОБ чиқиндиларини 1999 йилда 1984–1990 йиллар даври билан солиширилғанда 30%га камайтирилишини талаб этади. Тропосфера озони миқдорини бошқариш худудларида чиқиндилар 1988 йил даражасидан ортмаслиги керак. Томонлар чиқинди чиқаришни чеклаш бүйича миллий ва халқаро мөъёрлари янги стационар (турғун) ва ҳаракатланувчи манбаларда 1999 йилда, амалдагилари эса 2002 йилга келиб құлланилишини таъминлашлари керак.

Таҳлиллар тропосфера озони кузатиб борилаёттан шаҳарларда УОБ чиқиндиларини чиқариш асосан камайиб бораёттанлигини күрсатади.

Оғир металлар бүйича Протокол (Орхус, 1998) алохода ёмон таъсир күрсатувчи уч хил металлар чиқиндисини камайтиришни талаб этади: кадмий, күрғошин ва симоб ҳамда зарур бўлган ҳолларда бошқа металларни ҳам киритишни кўзда тутади. Протокол томонлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф-табиий мухит мухофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланушининг ҳолати тұғрисида Министр мәмурзуза. Тошкент, 2006, 28-29 бетлар.

мана шу учта металлар чиқиндиларини 1990 йил даражасидан пасайтиришлари зарур (ёки бўлмаса 1985 йилдан 1995 йилгача бўлган давр ичидаги мукобил йил бўйича). Протоколнинг мақсади қора ва рангли металлар ишлаб чиқаришда энергетика ва транспортда ёнилгини ҳамда чиқиндиларни ёқиш жараёнида стационар (тургун) манбалардан чиқиндиларни камайтириш ҳисобланади.

Мазкур Протокол билан симоб ишлатилмайдиган энг яхши мавжуд технологиялар ва жараёнилар кўлланиладиган янги ва мавжуд улкан стационар (тургун) манбаларга чиқиндилар энг охирги чегараларини кўллашни таъминлаш учун муддатлар белгиланган.

Бундан ташқари, барқарор органик ифлослантирувчилар (БОИ) бўйича Протокол (Орхус, 1998) атроф–муҳитга БОИ чиқиндиларини ташлаш, келтириш ва ажратиб чиқаришни чеклаш, қискартириш ёки тўхтатиш талаб этади. Протокол томонидан 16 моддалар, шу жумладан, 11 та пестицидлар, иккита саноат кимёвий моддалари ва учта кўшимча ифлослантирувчилар белгиланган. Протокол томонидан, баъзи пестицидларни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш мутлақо тақиқланган (альдрин, хлордан, хлордекон, дильдрин, эндрин, гексабромдифенил, мирекс ва токсафенлар). Иккинчи босқичда йўқотилиши лозим бўлганлар: ДДТ, гептахлор, гексахлорбензол (ГХБ), полихлордифениллар (ПХД). Протокол ДДТ, гексахлорциклогександан (ГХГ) шу жумладан линдан ва ПХДлардан фойдаланишини қатъий чеклайди.

Протоколда янги ва мавжуд стационар (тургун) манбаларга чиқиндилар чекланган миқдорини кўллаш учун муддатлар белгиланади ва уларда маҳсус тозалаш қурилмаларини ўрнатиш тавсия этилади.

Юкоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, атмосфера ҳавосини трансчегарашиб ифлосланиши озон қатламини бузилишига ҳам олиб келади. Ушбу муаммога ҳалқаро доирада эътибор берилади.

1980 йилда мавжуд бўлган озон даражаси таҳминан 2050 йилга келиб яна тикланиши мумкинлигини Монреал протоколининг кўзга кўринган муваффакиятларидан бири ҳисобланади.

1993 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси собиқ Совет иттифоқи томонидан имзоланган, Вена конвенцияси ва Монреал протоколида ўзининг иштироки бўйича ҳуқук ва мажбуриятларини тасдиқлади ва мазкур ҳужжатларга кўшилишдан келиб чикувчи мажбуриятларни ўз бўйнига олди.

Озонни бузувчи моддалар бўйича Монреал протоколи ва

тегишли тузатишларга (Лондон, Копенгаген, Монреал, Пекин) биноан, озонни бузувчи моддаларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва чиқариши кисқартириш бўйича асосий натижаларга зришилди ва зришиб келинмоқда. Озон бузувчи моддалар (ОБМ) истеъмол қилишни камайтиришга қаратилган стратегия муваффакиятига бир неча омиллар ёрдам берди: мукобил моддалар ва ишлаб чиқариш жараёнлари ишлаб чиқилди, зарур бўлган ҳолларда Монреал протоколига ўзgartиришлар киритиш учун илмий баҳолашдан фойдаланилди, “умумий, лекин дифференциациялаштирилган (тақсимланган) жавобгарлик принципи” тан олинди.

1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Монреал протоколига Лондон ва Копенгаген ўзgartиришларини ратификация килди. БМТ хати бўйича мазкур ўзgartиришлар 1998 йил 8 сентябрдан кучга кирди. Лондон ўзgartиришларини ратификация қилиш озонни бузадиган моддаларни мусодара қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун мамлакатнинг келишилган харакатларини Глобал экологик Фонддан (ГЭФ) тूлаш учун грантлар ва компенсация фонди кўринишида молиявий ёрдам олишга хукук берувчи муҳим шарти ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда иклиминг ўзгариши кўплаб экологик муаммоларни келтириб чиқариш мумкин. Шу муносабат билан “иклим ўзгариши”ни ҳалқаро миқёсдаги аҳамиятли томони муҳимдир.

Шу муносабат билан бу соҳада Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати алоҳида аҳамиятга эга.

1993 йилда Ўзбекистон Иклим ўзгариши ҳакидаги БМТнинг Доиравий конвенциясига (РКИК) қўшилди. 1998 йилда Киота протоколини имзолади, бу протокол 1999 йил 20 августда ратификация килинди.

1997 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда иклим тизимиға антропоген таъсирларни текшириш ва инвентаризация қилиш, иклиминг ўзгаришини таҳлил қилиш, БГ манбалари ва оқимларини системалаштириш дастури амалга оширила бошланди. Табиий ресурсларга салбий таъсирни баҳолашга ёндошишлар ишлаб чиқилди. Иклим ўзгариши салбий оқибатларини камайтириш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди.

Иклим ўзгариши тўғрисидаги БМТнинг Доиравий конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикаси биринчи миллий ахбороти бўйича (2 даври, 2001 йил) 1999 йилда БГ умумий миқдори 160,5 миллион

тонна СО<sub>2</sub>-эквивалетига етди ва БГ глобал комиссиясининг 0,7%ни ташкил этди.

Қазилма бойликларини қазиб олиш, транспорт воситаларида ташниш ва ёкиш билан боғлик жараёнлар хиссаси республикада эмиссия умумий ҳажмининг 73%-идан кўпроғини ташкил этди (1999 йилда 117,8 миллион тонна СО<sub>2</sub>-эквиваленти). Ўн йиллик давомида (1990–1999 йиллар). БГ эмиссияси 11%дан кўпроқка ошганини (1990 йилда 110 миллион тонна СО<sub>2</sub>-эквиваленти) алоҳида айтиб ўтиш зарур, бу аҳоли табиий газдан фойдаланиши ўсиши билан боғликдир (7,5% дан 20,2% гача)<sup>1</sup>.

БГ манбалари ва оқимларини инвентаризация килиш қисмида ўтказилган текширишлар натижаси бўйича БГ миллий кадастри тузилди, 2010 йилгача БГ чиқиндилари башорати тайёрланди. БГни қисқартириш бўйича тадбирлар ва фаолият йўналиши белгиланди.

2000–2010 йилларда БГ эмиссияларини камайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси асосий қоидалари қабул қилинди.

Юкоридаги таҳлил ва маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, озон қатламини бузилишини ва иқлим ўзгаришларини олдини олиш кўп жиҳатдан инсон, табиат ва жамият ўртасидаги мутаносибликни сақланиш ҳолатига боғликдир. Шундай экан, ушбу масалани ҳалқаро ҳамжиҳатлиқда ҳал этиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Шундай экан, биринчи марстаба БМТнинг атроф–муҳит ва ривожланиш бўйича тузилмаси – ЮНИСЕД 1992 йилда Рио–де–Жанейрода иқлим ўзгариши масалаларига бағишлиланган ҳалқаро конференция ташкил этди. Ушбу катта анжуман якунида “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши тўғрисида”ги Конвенцияси қабул қилинди. Унинг асосий мақсади атмоферага чиқарилаётган парник газларининг миқдорини камайтириш, агар аҳвол шу даражада қоладиган бўлса, якин келажакда экологияга жиддий хавф солишидан инсониятни огохлантириш эди. Ушбу мақсадга зириши учун барча мамлакатларнинг кенг кўламли ҳамкорлиги ва парник газларини қисқартириш йўлида ҳалқаро миқёсда ўтказилаётган чора–тадбирларда фаол иштироки талаб этилади.

Бироқ орадан етти йил ўтгандан сўнггина – 1997 йил декабрига

<sup>1</sup> Миллий маъруза, 40-бет.

келиб мазкур Конвенция талабларини амалда ижро этишга киришилди. Яъни ўша ойда Японияда ушбу масалага бағишенгандан халқаро конференция бўлиб ўтди ҳамда унда Киото протоколи имзоланди. Аммо, шу пайтга кадар унинг ижроси пайсалга солиб келинди. Сабаби, ушбу халқаро ҳужжатдаги шартларга амал қилиш деярли барча мамлакатлар иктисодиётига, хусусан, саноатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Киото протоколининг аҳамиятли жиҳати шундаки, ривожланган давлатлар экологик хавфсиз технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва ривожланаётган мамлакатларга ушбу турдаги технологияларни етказиб бериш парник газлари ҳажмини камайтиришга келишиб олишиди.

2002 йил август–сентябрь ойларига келиб ЮНСЕД Йоханнесбургда Бутундуңе саммитини ташкилластириди. Унда асосий зътибор БМТ Конвенцияси ва Киото протоколидаги шартлар ҳамда мажбуриятларнинг бажарилишига қаратилди. Саммитда сўзга чиқкан ўша пайдаги БМТ Бош котиби Кофи Аннан конвенция ва протокол асосида ўтган ўн йилинда халқаро миқёсда атроф–мухитни асрарш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлади. Унинг маъруzasида келтирилишча, тропик циклонларнинг кўпайиши оқибатида сув дунёси катта талафот кўрди. Жумладан, океан жониворларига кирон келди. Умуман, бу каби табиий оғатлар натижасида йилига 304,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрилмокда. Ҳисоб–китобларга кўра, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич камида 70 миллиард долларгача ошиши мумкин. Бугунги кунда киргоқчилик, сув тошқинлари ва ёнғинлар сабаб кишлок ва ўрмон ҳўжалиги 42 миллиард долларга яқин миқдорда зарар кўрди. Ушбу кўрсаткич эса 1990 йилдагидан икки баробар кўп деганидир. Парник газларининг атмосферани булғаши Европада ҳам касалликлар ва ўлим ҳолатларини нисбатан кўлайишига сабаб бўлди. Тахдиллар кўрсатадики, кўхна қитъа аҳолиси ушбу экологик оғатлардан йилига 22 миллиард доллар миқдорида маблағ йўқотаётир<sup>1</sup>.

Айгиш жоизки, 2005 йилнинг 16 февралида Киото протоколи халқаро–ҳуқуқий ҳужжат сифатида кучга кирди. Уни 150 та мамлакат расман имзолади.

Кўриниб турибдики, умуман олганда экология тизимининг бузилишига, биринчи навбатда, инсониятнинг ўзи сабабчи бўлиб

<sup>1</sup> Бурунов Ю. Ислим ўзгариншлари: тилсли ва ечни. // Халқ сўзи, 2008 йил 6 ноябрь.

қолмоқда. Фалокатнинг олдини олиш ва талафотлар ҳажмини камайтириш учун бутун дунё мамлакатлари аҳил ва бирдамликда курашсагина самарали натижаларга эришади, деб ўйлаймиз.

Шу билан бирга фикримизча юқоридаги экологик муаммоларни ҳал этиш учун биринчидан, замонавий ҳалқаро стандартларга жавоб берадиган янги технологияларни жорий этиш, улардан янада кенгрок фойдаланиш ва кўллаш; иккинчидан, мазкур масала юзасидан давлатлараро ҳамкорликни янада кенгрок йўлга кўйиш ва тегишли ҳалқаро ҳукукий ҳужожатлар қабул қилиш; уччинчидан, ҳалқаро нормаларни ҳаётга янада кенгрок татбиқ этиш; тўртминчидан, амалдаги қонун ҳужожатларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳалқаро ҳуқук ва мажбуриятлар аниқ ҳамда батафсил ўз аксини топмаган.

Шу муносабат билан “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда ёки биз томонимиздан таклиф қилинаётган келажакда қабул қилиниши мумкин бўлган “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш” тўғрисидаги кодексда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳамда давлатларнинг трансчегаравий соҳадаги ҳуқук ва мажбуриятларнинг аниқ ва кенгрок тавсифи ҳамда турларини кўрсатиш; бешинчидан, мазкур соҳада Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 2 августда ташкил топган “Экологик ҳаракат” ишини янада кучайтириб, трансчегаравий атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида ҳам мамлакатимиз экологик манфаати йўлида зътиборли ишларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, ҳалқаро стандарт ва ҳалқаро тажрибани кенг қўллаб, ҳалқаро ҳуқук принциплари ҳамда ҳалқаро трансчегаравий хусусиятлар, атмосфера ҳавосини ҳалқаро муҳофаза қилиш, иклим ўзгариши ва озон катламини бузилиши ҳолатларидағи сабаб ҳамда хусусиятлар, асосан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун экологик зарарни коплаш ҳолатлари инобатта олинниб “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш” тўғрисидаги Кодекс қабул қилиниши ҳакида ўйлашимиз ҳам мақсадга мувофиқдир.

## **5.5. Ҳалқаро Конвенция ва табиатни муҳофазаси масаласидаги битимлар**

Ўзбекистон БМТни ҳалқаро ОБСЕ институти билан бирлашди ва атроф мухит муҳофазаси 11 конвенцияси ва уни ривожлантириш

Протоколини қўллаб, бу соҳада ҳамкорлик қилиш учун 12 ҳалқаро битимга имзо чекди.

Юкорида келтирилган конвенцияга қўшилишиш, ҳалқаро молиявий манбъадан фойдаланиш, грант асосида 10 млн. АҚШ долларига яқин ташки молиявий ёрдам олиш хукукини беради. Атроф мухитни муҳофаза этиш ва ривожлантириш соҳасида, Ҳалқаро хукукий хужжатларни тасдиқлаш ва қўшилиш, Ўзбекистонни ҳалқаро уюшмалар олдидаги ўз вазифасини бажаришни бир кўринишидир.

Атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги Ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатга сиёсий ва иқтисодий фойда келтиришдан ташқари, давлатлараро чегара муаммоларида ҳалқаро муносабатларни яхшилашда ёрдам беради. Ўзбекистон республикасини, ҳалқаро экологик конвенцияси ишига ёрдам беришда катнашиши, мамлакатни биринчидан умум дунё экологик жараёнига қўшилишига, иккинчидан Ўзбекистон ҳалқаро уюшмани тенг хукуклик аъзоси бўлиб, мамлакатни ривожлантиришда техник ва молиявий ёрдам олиши хукуқига эгалик қилиш, ишлаб чиқарида янги замонавий қўллаш, но анъанавий энергия ишлабчиқаришни ривожлантириш имкониятига эга бўлади. Молиявий қўллаб-куvvatлаш, конвенция котибияти грантларини, белгиланган табиатни муҳофаза қилиш Конвенция лойиҳаларини ва ҳалқаро ташкилотларни икки ёқлама ва илмий ёрдамни ўз ичига олади. Ўзбекистонда табиатни биологик ранг-баранглигини (КБР) сақлаш борасида, конвенцияни ҳаракат режаси ва стратегияси, вайронагарчилликка қарши миллий ҳаракат режаси, озон қатламини емираётган нарсалардан воз кечиши миллий режаси ишлаб чиқилди. 21 аср кун тартиби Рио Декларацияси хужжатлари режасини амалга оширишда, республикада "21 аср кунтартibi миллий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Рио+10 Ўзбекистон жараёри" қисқача миллий маълумоти ва 21 аср кун тартиби режаси келажак тараққиётига баҳо берилди.

Ўзбекистонда, экологик муммомларини кўп қисми, чегаралараро минтақалар билан боғлиқ. Буларга, тоза ичимлик сувини танқислиги, миллиардлаб тонна саноат чикиндилари, ерни таназзулга учраши, табиат биологик ранг-барангликни сақлаб қолиш киради, ва муаммони ҳал этишда, барча қўшни давлатлар ҳамкорликда барча имкониятларини шу ишга этишлари керак. Бу масалада; чегаралараро конвенциясини Европа Иқтисодий комиссияси БМТ (ЕЭК БМТ), чегаралараро катта масофаларга чўзилган хаво қатламларини ифлосланиш олдини олиш конвенцияси, саноат ишлаб чиқаришдаги

фалокатлар ва бахтсизликларни, чегаралараро муносибатларга таъсири конвенцияси, чегаралараро контекстни, атроф мухитга таъсири конвенцияси, чегаралараро очик сув хавзалари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва фойдаланиш конвенцияси катта рол йўнаши керак.

Юкорида айтиб ўтилган чегаралараро конвенция масалаларини ишлаб чикишда, Ўзбекистон БМТни ЕЭК билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. БМТ ЕЭК ни Марказий Осиёни барқарор ривожланишидаги ахамияти, асосан сув ва энергия манбъаларидан фойдаланишда кўринади. Ўзбекистон Марказий Осиёни ўрта кисмida жойлашган, сабабдан чегаралараро муаммолар таъсирига тушмокда. Бундан ташқари Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасида, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида, чегаралараро хаво атмосферасини ифлосланиши, Қирғизистон ва Тожикистон худудидан оқиб келаётган дарёлар, қзилма хом ашиё қазиб олувчи саноати, қишлоқхўжалиги, маънишӣ ва саноат чикиндилари ташланиши оқибатида ифлосланиб Ўзбекистонга катта муаммо туғдирмоқда. Бу чегаралараро муаммоларни, ҳамма тегишли мамлакатлар хал этиши лозим.

Шундай қилиб, такидлаш лозимки, Ўзбекистон республикасида, барқарор ривожланиш ва траккиёт харакати йўлида, зарур режа негизи ишлаб чикилди. Мамлакатда барқарор ривожланаётган демократик жамият куриш ва бу жараёнларни ривожлантириша, олға интилиш учун ҳамма шарт шароитлар яратилди.

Минтақалар миқиёсида экологик ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида;

-Марказий Осиё минтақаси, экологик ҳавфсизлик тизимини ташкил этиш;

-Давлат худудида, минтақавий чегаралараро атроф мухитни ифлосланишдан муҳофаза қилиш тизимини яратиш;

-Атроф мухитни муҳофаза этиш ва табиий бойликлардан фойдаланишни бошқариш минтақавий ягона тизимини ишлаб чикиш;

-Экологик тоза ва табиий бойликларни тежаш технологиясини жорий этиш;

-Чегарага туташ худудларда саноат чикиндилари омбори ишини тиклашни амалга ошириш;

-Чегарага яқин минтақаларда, фавкулотда вазиятларни олдиндан огоҳлантирувчи ва уни таъминловчи ахборот тизимини яратиш;

### **Назорат саволлари:**

1. Экология, атроф мұхит ва инсон саломатлигининг чамбарчас боғлиқлиги ва унинг ахамияти ҳақида нималарни биласиз?
2. Атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланиши деганда нимани тушунасиз?
3. Ҳозирги пайтда атмосфера ҳавосини трансчегаравий ифлосланиши ҳолатини қандай баҳолайсиз ва бу борада муаммолар мавжудми?
4. Атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиш ва икlim үзгариши бузилишини олдини олишнинг ҳалқаро ҳуқуқий асослари нималарда намоён бўлади?
5. Озон қатлами бузилиши ва уни олдини олишнинг ҳалқаро ҳуқуқий асослари ҳақида нималарни биласиз?
6. Атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиш, икlim үзгариши ҳамда озон қатлами бузилишини олдини олиш ҳақида қандай ҳалқаро конвенциялар мавжуд?
- 7.Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар мониторингининг ахамиятини нималарда кўриш мумкин?
8. Ўзбекистон Республикаси атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиш, икlim үзгариши ҳамда озон қатлами бузилишини олдини олиш ҳақидаги қандай ҳалқаро конвенцияларга қўшилган?

# VI – БОБ. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ТАРТИБИННИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК

## 6.1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги хукуқбузарликлар ва уларнинг турлари

Ҳозирги пайтда атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш тұғрисидаги конуналарни бузганлик учун юридик жавобгарлик муаммоси долзарб тус олмоқда. Шу боис, унга күплаб таникли ҳукукшунос олим ва мутахассислар зәтибор бергандар<sup>1</sup>.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза килишнинг хукукий тартиби доирасидаги хукуқбузарликларнинг олдини олишда атмосфера ҳавосини хукукий муҳофаза қилишга қаратилған юридик жавобгарлик нормаларини аниклаштириш ва шу хилдаги хукуқбузарликлар учун жазо чораларини құллаш алохидა ўрин тутади. Демак, амалдаги юридик жавобгарлик нормаларини ўз вақтида, яниқ ва тұғри құллаш атмосфера ҳавосини хукукий муҳофаза қилиш самарадорлигини тъминлаб, ушбу соҳада учрайдиган хукуқбузарликларнинг олдини олишда катта аҳамиятта эга.

Маълумки, юридик адабиётда хукуқбузарлык деганда, хукук нормаларига қарши қаратилған ижтимоий зарапли, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади<sup>2</sup>. Экологик хукуқбузарликтар эса табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тұғрисидаги қонун хужжатларини бузувчи айбли, ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик<sup>3</sup>, деб тәртиф берилған.

Демак, атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш соҳасидаги хукуқбузарликлар табиатни, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тұғрисидаги қонунларнинг талабларини бузиш оқибатида юзага келади. Бундай талаб ва нормалар Ўзбекистон Республикасининг табиатни

<sup>1</sup> Бринчук М. М. Правовая охрана атмосферного воздуха. – М., 1985; Колбасов О. С. Атмосфера под защитой закона // Соц. законность. – 1980. – № 10; Мадышенко Н. И. Государственный контроль за охраной атмосферного воздуха. – Киев, 1982; Холмбинов Ж. Т.; Малилов Н. Р. Тоза ҳаво – таңға даво // Ҳаёт ва қонун. – 1999. – № 11–12. 40–45-б.; Малилов Н. Р. Атмосфера ҳавосини муҳофиза килишнинг хукукий асослари // Ҳұжжаттар ға ҳукук. – 2001. – № 1. – 29–32-б.; Холмбинов Ж. Т. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, иктымы үзгәріштер ға озон катлами бузилши олдини олиштандырған ҳалдаро ҳукукий асослари // Фалсафа ға ҳукук. 2009 №2. Т. 14-17-бет. ; Уникс Ұза. Значение Конвенции о трансграничном загрязнении воздуха на большие расстояния для Республике Узбекистан. //Ж. Философия и право. 2012. №1. 61–63 стр. Хайдаров Ш.Х. Правовые проблемы сохранения озонаового слоя. Автореферат дисс. на соиск. учен. степ. к.ю.н. – Ташкент, 2010;

<sup>2</sup> Петров В. В. Экология и право. – М., 1981. – С. 148.

<sup>3</sup> Экология ҳукуки. – Т., 2001. – 93-б.

мухофаза қилиш, сув ва сувдан фойдаланиш, метрология, давлат санитария назорати, атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш борасида кабул қилган қонуналари, Ер кодекси ва бошқа ҳуқукий манбаларда ўз аксини топган.

Ууман олганда, атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланишга оид ҳуқукий нормаларни бузиш атмосфера ҳавосини мухофаза қилишга оид ҳуқукбузарликларнинг содир этилишини келтириб чиқаради. Демак, атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш соҳасидаги ҳуқукбузарликнинг зарурый таркибий қисмларини айборнинг айбли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ҳамда ушбу айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизликда атмосфера ҳавоси учун ҳавфилик даражасининг мавжуд бўлиши ташкил қиласди. Ана шундай ҳолатлар содир этилганидагина атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш соҳасида ҳуқукбузарлик содир этилди, мазкур соҳадаги ҳуқукий муносабатларни тартибга солувчи экологик қонун нормалари бузилди, деб хисоблашимиз мумкин. Акс ҳолда уни атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқукбузарлик деб баҳолай олмаймиз.

Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланишга доир қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикасининг Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тўғрисидаги қонунида умумлаштирилган тарзда кўрсатилган. Мазкур қонуннинг 29-моддасига кўра, атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарар ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари шарт. Зарар ўрнини қоплаш айборларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишдан озод этмайди<sup>1</sup>.

Бундан кўриниб турибдикси, атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш соҳасидаги ҳуқукбузарлик содир этилганда, уни албатта бартараф этиш, фуқаро ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг ҳуқуқларини маълум даражада тиклаб, кафолатлаш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан, атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш соҳасидаги ҳуқукбузарликлар бошқа табиий обьектлар – ер, сув, ўрмон, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш талаблари билан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. – № 2. 52-м.

хам бөглиқ бўлади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос томони шундаки, унинг содир этилиши нафақат алоҳида фукаро, корхона, муассаса, ташкилотнинг экологик манфатларига, балки бутун жамият, давлат ва унинг экологик тизими манбаатларига зид бўлиб, уларга катта зиён етказиши мумкин. Шу боис атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик давлатнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда уни умуммиллий бойлик деб тан олиш принципларига қарши ҳаракат деб қаралади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг *субъекти* бўлиб фукаролар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), ижаравчилар, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари, кўшма корхоналар, хорижий корхона ва ташкилотлар ҳамда хусусий корхоналар, амалдаги қонунларда кўрсатилган барча юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг *объекти*, авваламбор, атмосфера ҳавосининг тозалиги ва мусаффолиги, белгиланган нормативларга қаттиқ риоя қилиши асосида атмосфера ҳавоси ва унинг таркибини муҳофаза қилиш, шу билан бирга, бошқа табиий ресурслар, атроф табиий мұхит ҳамда табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича қонунда кўрсатилган норматив ва стандартларга амал қилишдан иборат.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг *субъектив томонини* эса қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган айб оқибатида етказилган моддий ва экологик зарар, яъни айбнинг мавжудлиги ташкил киласди.

Демак, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликни содир этган субъект ўзининг қилаётган ижтимоий ҳатти ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг оқибатини сезиши, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ва экологик қонун-коидалар, норматив ва талабларни бузиши оқибатида атроф табиий мұхитта, атмосфера ҳавосига маълум даражада экологик зарар етказишини англаши лозим.

Шуниси зътиборлики, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг содир этилишида ҳуқуқбузар (субъект)-нинг айби қасддан ёки эҳтиётсизлик шаклида вужудга келиши мумкин. Мазкур ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилганида, ҳуқуқбузар та-

қиқланган коидани бузади ёхуд бажариши лозим бўлган мажбуриятни бажармайди, бунда у ўз хатти-ҳаракатлари натижасида атмосфера ҳавосига ва бошқа табиий бойликларга маълум микдорда зарар етказишими билади ҳамда онгли равишда бунга йўл қўяди.

Масалан, ҳайдовчининг носоз автотранспортни кўчага ҳайдаб чиқиши ман этилади, чунки у белгиланган норматив ва стандартга нисбатан бир неча баравар кўп газ, тутун чикариб, атмосфера ҳавосини ифлослантиради. Аммо, шунга қарамай, ҳайдовчи машинани бошқариб, ундан фойдаланса, қасддан мазкур ҳукуқбузарликни содир этган бўлади.

Аммо атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳукуқбузарлик баъзан эҳтиёtsизлик оқибатида ҳам содир этилиши мумкин. Ушбу ҳолат ҳукуқбузар (субъект)нинг ўз бурчига совуқконлик билан караши, бефарқ бўлиши оқибатида вужудга келади. Бунда ҳукуқбузар ўз хатти-ҳаракати натижасида салбий оқибатларнинг келиб чиқишини била туриб, улар вужудга келмайди деб ҳисоблайди ёки, зарарли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда, уларни олдиндан кўра олмайди.

Бундай ҳукуқбузар содир қилаётган гайриконуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидан келиб чиқадиган зарарли, ҳавфли оқибатни англаб, тушуниб етади, лекин бунга онгли равишда енгилтаклик билан йўл қўяди<sup>1</sup>.

Яна бир мисол. Айтайлик, совук тушиши билан уйда талаб даражасидаги иссиқлик бўлмаганлиги сабабли, уй эгаси кечаси газни ёкиб қўяди. Тасодифан газ тўхтаб, бир неча дакиқадан кейин яна келади. Ухлаб қолган уй эгаси буни сезмайди. Бундай бепарволик натижасида хоналарни газ босиб, турли хил ноҳушликларни келтириб чиқариши, ҳаттоқи, оила аъзоларининг ўлимига ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Ёки қишлоқ хўжалик тизимида кимёвий моддаларни тегишли меъёрдан ошириб ишлатиш ҳам атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, натижада инсон ёки тирик мавжудотнинг касалланишига ва бошқа оғир оқибатларга олиб келади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳукуқбузарликларнинг обьектив томони хатти-ҳаракатнинг ноқонунийлиги, атмосфера ҳавосига, табиятга экологик зарар етказилиши ёки етказиш ҳавфининг туғилиши билан экологик муносабатлар бошқа субъект-

<sup>1</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. – Тошкент. Илим-Зине 2010.

ларнинг ҳуқук ва манфаатлари бузилиши, ушбу хатти-ҳаракат натижасида вужудга келган ёки вужудга келиши мумкин бўлган оқибат ўртасидаги сабабий боғланишда ифодаланади<sup>1</sup>.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тартиб-қоидалари экологик ҳуқук нормаларига хилоф ҳар хил ҳаракатлар натижасида содир этилиши мумкин бўлиб, бу соҳада учрайдиган кўплаб ҳуқукбузарлик турларини кўрсатиш мумкин. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқукбузарликлар кўриниши ва экологик оқибатлари билан табиат обьектларига қарши қаратилган бошқа ҳуқукбузарликлардан бироз фарқ қиласди. Ушбу ҳуқукбузарликларга ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий моддаларни чиқариб, унга зарарли физиковий таъсир кўрсатиш; атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки ундан фойдаланмаслик; чиқиндиларида ифлослантирувчи моддalar меъёридан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ҳамда қурилмаларни ясаш ва фойдаланишга чиқариш; атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик; ўсимликларни химоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, саклаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш оқибатида атмосфера ҳавосига зарар етказиш; чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида атмосфера ҳавосининг таркибини бузиш; атмосфера ҳавоси ва табиий мухитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик; лойиҳаларни давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз рӯёбга чиқариш; санитария-экологик экспертиза талабларини бузганлик оқибатида атмосфера ҳавосини ифлослантириш; чиқиндиларни тўплаб, ёндириш оқибатида атмосфера ҳавосини ифлослантириш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ҳозирги амалиёт ва назария, юкоридаги ҳуқукбузарлик турларидан ташқари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳаси билан бўглиқ яна бир қатор ҳуқукбузарликлар содир этилиши мумкинлигидан далолат бермоқда.

Атмосферанинг ифлосланиши жуда ҳавфли ҳодиса бўлиб, инсонларнинг саломатлигига, жоноворлар ва ўсимликлар дунёсига, ҳавонинг тозалигига катта зиён келтиради. Ҳавонинг ифлосланиши

<sup>1</sup> Ўша маъба.

иқтисодиёт ва кишлоқ хўжалигига кўп микдорда иқтисодий зарар етказади: қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳажмини камайтиради ва сифатини пасайтиради, меҳнат унумдорлигининг пасайиши хамда аҳолининг ҳар хил касалликларига чалинишига сабаб бўлади.

Қаттиқ ва суюқ ёқилғи билан ишлайдиган иссиқлик электростанциялари ва марказлари атмосферани жиддий ифлослантирувчи манбалардир. Уларнинг кўпчилигида фойдали иш коэффициенти 85–90 % гача бўлган чанг ютичлар кўлланилади. Газ эса яқин пайтларгача деярли тозаланмаган ҳолда қувурлар орқали атмосферага чиқариб юборилар эди. Табиийки, бундай электростанциялар ва иссиқлик марказлари атрофидаги ҳаво таркибида азот оксиди, олtingугурт II оксиди ва бошқа заарарли моддалар доимо мавжуд бўлади.

Атмосферага стационар манбалардан чиқариб ташланаётган чиқиндилар микдори йилига 65 млн. тоннани ташкил этади. Мълумки, олtingугуртли бирикмалар кислота ёмғирларини ҳосил килиб, ўрмонлар, сув манбалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, бинолар ва аҳоли саломатлигига зарар келтирган ҳолда узок масофаларга таркалади.

Мамлакат санэпидемстанциясининг мълумотларига Караганда, 104 та шаҳарда заарарли моддаларнинг микдори йўл қўйилиши мумкин бўлганидан анча юқоридир. Атмосферага чиқариб ташланаётган чиқиндилар аҳоли жон бошига бўлинса, бир кишига йилига 300 килограммдан тўғри келади<sup>1</sup>.

Атмосфера ҳавосини ифлослантириш билан боғлик ҳуқукбузарлик турларидан яна бири бўлган шаҳар саноати, транспорт, сугориш тизимларининг янгидан-янги чиқиндиларни атроф-муҳитга чиқариб ташлаши барча тирик мавжудотларнинг, шу жумладан инсоннинг нафас олишдек ҳаётий эҳтиёжини таъминловчи ер устки катламининг заарарли моддалар билан муттасил ифлосланишига олиб келади. Ифлосланган ҳавонинг инсон организмига таъсирини кенг микёсда ўрганиш яқиндагина бошланди. Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ ҳавонинг мълум моддалар билан ифлосланиши билан бир катор касалликларнинг, хусусан, юрак-томир, онкологик, юқори ва қуий нафас йўллари касалликларининг таркалиши ўргасида яқин алқадорлик мавжудлигини исботловчи етарли мълумотлар тўпланган. Шунингдек, баъзи бир моддалар узок муддатли генетик оқибатларга слиб келиши ҳам аникланган.

<sup>1</sup> Абдуллаев О., Тошмалов З. Ўзбекистон экологияси бугун ва эртага. – Т., 1992. – 86–87-б.

Табиийки, йирик шаҳарлар ва саноат марказларида бу кўрсаткич яна ҳам юкори. Кўмир саноати, энергетика, кимё саноати, рангли ва кора metallургия корхоналари атмосферани асосий ифлослантирувчи лардир. Айнан ана шу корхоналарнинг айби билан, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, мамлакатимиздаги Тошкент, Чирчик, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод каби кўпгина саноат шаҳарларида атроф мухит ҳавосининг ифлосланиши кучайиб, мураккаб вазият юзага келмоқда.

Заҳарли моддалар ахлатхоналар ва саноат корхоналаридан чикиб, ерга ёйилмоқда; завод қувурлари ва вентиляторлар орқали ҳавога чикиб, сўнгра ёмғир билан ерга тушмоқда. Тупрок эса нитратлар ва пестицидлар билан ҳаддан ташқари бойитилган атрофдаги худудлардан шамол билан учиб келмоқда. Шахар атрофидаги дарёларга қуйладиган ер ости сувларига кимёвий моддалар кўшилиб кетмоқда. Бу тонналаб симоб ва қўроғшин бирикмалари, минглаб тонна фосфор ва азот бирикмалари демакдир.

Атроф-мухит ҳавосининг ифлосланиши об-ҳаво шароитига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бунда қуёш радиацияси 15–20 % га камаяди, ёмғир 10 % кўп ёғади, булут босиши 5–10 % га кучаяди<sup>1</sup>.

Автотранспорт ҳаракати натижасида бевосита ер усти атмосферасига чиқариб ташланадиган углерод оксиди, азот оксиди, углеводород ва қўроғшин атмосферани ифлослантирувчи асосий моддалар ҳисобланади. Автотранспорт чиқиндиларида ифлосланиш айниқса ҳаво ҳарорати паст бўлганда ва шамол эсмаёттанида кучаяди. Ҳаракат тезлиги жуда юкори, шамоллатиш имконияти эса кам бўлган шаҳар кўчаларида автотранспорт газларининг тўпланиб қолиши инсон организмининг ўткир заҳарланишига сабаб бўлади. Айниқса, ёз кунларида кучли сезиладиган, кўнгилни айнитадиган автомобиль газлари ҳидларининг кучайиши ҳавода заҳарли моддалар кўпайганидан далолат беради.

Тутун ва ёниб улгурмаган ёнилғининг ҳавога чиқариб юборилиши ҳисобига ҳавони кўпроқ ифлослантирувчи восита ҳисобланадиган дизель автотранспортидан фойдаланиш атмосфера ҳавосини ифлослантиришга оид ҳуқукбузарликларнинг асосий кўпчилигини келтириб чиқаради. Асосий тадбирлар сифатида автомобиль двигателлари конструкцияларига талабни кучайтириш, чиқиндилар ташлашнинг янада қатъйроқ нормативларини ўрнатиш, автомобилларга

<sup>1</sup> Уша жойда. – 87–88-б.

чиқиндиларни нейтраллаштирувчи мосламалар ўрнатиш, двигателлар фаолиятининг созлигини назорат қилишни кучайтириш, шаҳар магистралларида автомобиллар ҳаракатини маъмурӣ жиҳатдан чеклаш чораларини кўриш, жамоат транспортига электр двигатели ўрнатишга ўтишни кўрсатиш мумкин.

Масалан, битга автомобиль йил давомида атмосферага 800 килограммга яқин ис гази, 110 килограмм углеводород ажратиб чиқаради<sup>1</sup>. Ҳавонинг ифлосланиши биноларни, дараҳт ва ўсимликларни, зинг аввало, инсон умрини бир неча баробар қисқартиради. Турли хил заҳарли газларнинг ортиб бориши сўнгги вактларда одамлар орасида ҳар хил касалликлар, хусусан аллергик касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Эслатиб ўтиш жоизки, ҳайдовчилар автотранспорт воситаларини экологик масканлар ҳамда техник хизмат кўрсатиш устахоналарига тез-тез кўрсатиб туришлари ва текширувдан ўтказишлари зарур.

1989 йилдан бошлаб, автотранспортдан ифлослантирувчи моддалар ташланиши ўртача 3-5%га камайиши кузатилмоқда. 2007 йилда мазкур ташланмалар 1397,42 минг т ёки атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий ҳажмининг кариб 70%ни, Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа йирик шаҳарларида 80% ва ундан ортиққа етади. Шу билан бирга кўчма манбалар асосий улуши автомобиль транспортига тўғри келади, унинг ташламалари 60 фоиздан ортигини ташкил этади.<sup>2</sup>

Кўчма манбалардан атмосфера ҳавоси ифлосланишини камайтиришга йўналтирилган тадбирлардан бири автомобиллар двигателларининг ишлатилган газлари токсиклилиги ва тутун калинлиигини давлат назоратидан ўтказиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, ИИВ ва Соғликни сақлаш вазирлигининг 1996 йил 31 мартағи 12/79/137-сонли кўшма буйргуга мувофиқ, таъкидланган давлат назорати доирасида Тоза ҳаво тадбири амалга оширилади.

Тадбир ҳар йили мамлакатмизнинг барча ҳудудларида икки босқичда амалга оширилади. Тадбир жараёнида автотранспорт корхоналари (АТК), авто билларга ёқилғи куйиш шоҳобчалари

<sup>1</sup> Санджаримов И. Транспорт ва экология // Постда. – 2000. – 27 июль.

<sup>2</sup> Узбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий Мъбуза-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳдид). Б.Б. Адихонов умумий таҳрири остида, Тошкент. – 2008. -21 Б.

(АЕҚШ), техник хизмат кўрсатиш шахобчалари (ТХКШ), автотаъмиrlаш заводларининг (АТЗ) экологик ҳолати текширилади. Ташибамаларида углерод оксиди (СО - 70%) ва углеводородлар (СН - 13%) кўп бўлган карбюраторли ва дизелли (уларда тутунлилик таркиби назорат қилинади) автомобилларни текширишга алоҳида эътибор берилади. Тоза ҳаво тадбирини амалга ошириш чогида, йиلى мамлакатда рўйхатта олинган автомобиллар сонининг 40-48% (0,75 га тенг бўлган саройдан фойдаланиш көзфициентини ҳисобга олиб) текширилади.<sup>1</sup>

Республикада автотранспорт техникаларини мукобил ёқилғи турларига ўтказиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ҳозирги вактда, автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газ (СТГ) ва суюлтирилган нефть газига (СНГ) ўтказиш муваффакиятли амалга оширилмоқда.

Республика санитария хизмати ходимлари ифлосланган жойларда яшовчи аҳоли ўртасида ўтказган сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг кўпчилиги бош оғриғидан, ўзини ёмон хис қилиш (дармонсизлик, оғизда тахир маза хис қилиш, томоқда бир нарса тикилиб тургандек бўлиши) ҳолатларидан шикоят қиласидар. Аҳолининг ярми уйини шамоллатиш имконияти йўклигидан, ўсимликларнинг нобуд бўлаётганилигидан нолийди. Ҳусусан, шу нарса аниқланганки, атмосфера ҳавоси кучли даражада ифлосланган жойларда яшовчи аҳоли ўртасида касалликларнинг кўпчилик турлари (нафас органлари, хис қилиш органлари, овқат ҳазм қилиш органлари, юқумли касалликлар, аллергия, асад тизими касалликлари) билан оғриш ҳавоси нисбатан тоза ҳудудлардагига қараганда 2-2,5 марта кўпроқ учрайди. Заарали чиқиндилар ҳажмини 15-20 % га камайтирувчи тегишли тадбирларнинг ўтказилиши умумий касалликлар микдорини 12-18 % га камайтиради.

Саноат корхоналари ва транспорт воситалари атмосферага зарарли моддаларни чиқариб ташловчи асосий манба бўлиб, чиқиндиларнинг 90 % дан ортиғи улар хисобига тўғри келади.

Атмосферанинг саноат чиқиндилари билан ифлосланишига асосий сабаб газ тозалаш, чанг ютиш мосламалари қурилишининг саноат ишлаб чиқариш суръатларидан орқада қолаётганилиги; саноат корхоналари, лойиха ташкилотларининг чиқиндиларни камайтириш, ушлаб қолиш ва улардан фойдаланиш технологик имкониятларига етарлича

<sup>1</sup> Уша маёнга 21-б

эътибор бермаётганидир. Баъзан қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини тегишли тозалаш иншоотларини фойдаланишга тайёрламаган холда ишга туширишга йўл қўйилади. Бу эса ўз-ўзидан зарарли чиқиндишларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Ҳаётимизда ҳозирча учраб турадиган тозалаш иншоотларининг режали равишда ва ўз вактида профилактик таъмирдан ўтказилмаслиги эса уларнинг самарадорлигини пасайтиради ва ишдан чиқаради.

Атмосфера ҳавосини ифлослантиришга карши курашнинг асосий йўналишларини, биринчидан, зарарли моддалар ҳосил бўлишини сезиларли даражада озайтиришга имкон берувчи кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияларнинг жорий этилиши; иккинчидан, ташқарига чиқиб кетаётган газларни махсус газ тозалагич агрегатлар билан тозалаш ва зарарсизлантириш ташкил этмоғи лозим.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг мазкур турларидан ташқари ҳоллар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги ва улар учун тегишли юридик жавобгарликлар белгиланиши кўрсатилган.

Бундан кўриниб турибдики, амалдаги қонунга асосан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича белгилангандан тегишли талаб ҳамда коидаларни бузган субъектларнинг фаолияти ёки айрим ҳуқуқлари тўхтатилиши ва бекор килиниши мумкин.

Аммо таъкидлаш зарурки, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бузганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг барча турлари ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш муносабатлари соҳасида учрайдиган ҳуқуқбузарликларни аниқлашда ва уларнинг олдини олишда ҳамда уларга қарши курашда айрим англашилмовчилик ва кийинчилликтар туғдириши мумкин.

Хуллас, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар турларининг амалдаги қонунда кўрсатилиши ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқукий тартибга солишда катта аҳамият касб этади.

## **6.2. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тартибини бузганлик учун юридик жавобгарлик турлари ва қўлланиладиган жазо чоралари**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузганлик учун юридик жавобгарликни қўллаш масаласи экология ҳукуқида алоҳида аҳамият касб этади. Шу муносабат билан айрим монографиялар<sup>1</sup> ва янги дарслик ҳамда маколаларда<sup>2</sup> атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тартибини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари кенгроқ ёритилган.

Ушбу масала юзасидан юридик адабиётда қўплаб қизиқарли илмий фикрлар бўлишига қарамай, амалиётда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик ва жазо чораларининг қўлланиши ҳозирги кун талабига жавоб беради, дейиш қийин.

Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни қўрсатиш мумкин:

**биринчидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш талаби ҳамда қоидаларини бузганлик учун конунларда қўрсатилган жазо чораси содир этилаётган ҳукуқбузарликларнинг экологик, генетик, иктисодий ва ижтимоий зарарига таққослаганда анча енгил;**

**иккинчидан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида содир этилган ҳукуқбузарликларнинг ҳеч бири учун амалдаги конунларда етарли даражадаги жавобгарлик ва жазо чоралари қўрсатилмаган.**

Шу боис, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тартибини бузганлик учун юридик жавобгарлик масаласи Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва бошқа бир катор конунлар билан

<sup>1</sup> Бринчук М. М. Правовая охрана атмосферного воздуха. – М., 1985; Холмұмінов Ж. Т. Экология ва конун. – Т., 2000; Эффективность юридической ответственности в охране окружающей среды. – М., 1985; Гуломов М., Жўрасев И. Экология: жиноят ва жазо. – Т., 1990.

<sup>2</sup> Холмұмінов Ж. Т. Экология ва қаёт: конунчиларни тақомиллаштириш масалалари – Т: ЎзРФА ФХИ, 2010. 210 бет.; Унинг узи Экология соласидаги жиноятларига жавобгарликни қўллашни тақомиллаштириш масалалари. // "Жиноят конунчиларни тақомиллаштириш мувоффолари" мавзудиги илмий-назарий конф.материаллари. Тошкент: ТДЮИ, 2010. 10-13-б.; Унинг ўзи. Экология соласидаги ҳукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликий тақомиллаштиришнинг ўзига кослиги. // "Совершенствование административного законодательства в Республике Узбекистан". Материалы международного круглого стола. 4 мая 2011 года. – Т.: ТДЮИ, 2011. 70-80-бетлар.

тартибга солиниши ҳамда мазкур қонунларда кўрсатилган ҳукуқбузарлик турлари ва уларга белгиланадиган жазо чоралари амалиётда ҳар томонлама тахлил қилиниб, юридик жавобгарлик белгиланиши лозим.

Бинобарин, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларини ўрганиш, содир этилаётган ҳукуқбузарликлар учун жазо чоралари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тавсиялар бериш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун нормаларида белгиланган санкцияларни кучайтириш, ишлаб чиқариш ва амалиётда янги технологияларни жорий этиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда хорижий мамлакатлар тажрибаларини кенгроқ қўллаш ҳамда бу борадаги илмий тадқиқот ишларини кучайтириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш талабларини бузганлик учун юридик жавобгарликнинг интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жавобгарлик каби турлари қўлланилади. Чунки, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда жазо чоралари аниқ ифода этилмаганлиги боиси, ушбу турдаги жазо чоралари меҳнат, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ҳукуки нормалари билан тартибга солинган.

Демак, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарликка тортишга атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар (жиноятлар)нинг содир этилиши асос бўлади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш талабларини бузганлик учун белгиланган юридик жавобгарлик турларидан бири *интизомий жавобгарликдир*.

Мазкур ҳолат учун интизомий жавобгарликка тортишдан асосий мақсад атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тартибини бузганлик, содир этилган ҳукуқбузарликлар учун моддий ва маънавий жавобгарликни ҳис этиш, қонун бузилиши ҳолларининг олдини олиш, фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид экологик қонуларга ҳамда меҳнат қонунларига, меҳнат интизомига риоя қилиш ва ўз бурчини масъулият билан бажаришини таъминлашдан иборатdir.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид экологик тадбирларни амалга оширмаслик, ўз бурчини масъулият билан бажармаслик оқибатида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга доир қонунларнинг

бузилиши, натижада эса мамлакатимиз экологик тизимиға, жумладан атмосфера ҳавосига, табиатга зарар етказилишининг ўзи интизомий жавобгарликка тортиш учун асос сифатида кифоя қиласди.

Интизомий жавобгарликнинг субъектини – жисмоний шахслар, объектини – корхона, муассаса, ташкилотнинг уставига асосан белгиланган иш тартиби ва бошқа ҳуқукий норматив ҳужжатлар талабига риоя қилмаслик ташкил қиласди.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузганлик учун интизомий жавобгарликнинг ўзига хос белгилари мавжуд. Улар қуидагилардан иборат:

биринчидан, интизомий жавобгарликни атмосфера ҳавосини ифлослантирган корхона, муассаса, ташкилот шу ерда ишлайдиган ходимга нисбатан қўллайди;

иккинчидан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тартибини бузганлик учун қўлланиладиган интизомий жавобгарлик маъмурӣ, жиноий ва бошқа жавобгарликка нисбатан анча енгилроқ бўлади ва амалиётда кўпроқ учрайди.

Масалан, Янгийўл пахта тозалаш заводининг бош мухандиси, пахта тозалаш чоғида атмосферага кўп чанг чиқармаслик мақсадида, навбатчи операторга топширик беради. Аммо операторнинг тегишли назорат қилмаслиги оқибатида ҳавога белгиланган нормадан ортиқ чиқинди чиқарилади. Завод маъмурияти топшириқни бажармаганлиги учун операторга Мехнат кодексининг 181-моддасига асосан ҳайфсан эълон қиласди.

Интизомий жавобгарликка тортиш учун зарур шартлар ҳуқуқбузарнинг маълум айбга зга бўлиши ҳамда интизомий ҳуқуқбузарликни содир этган субъектнинг у ёки бу микдорда етказган зарари ва унинг оқибати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юридик ва жисмоний шахслар етказган зарар белгиланган тартибда қопланиши зарур.

Интизомий жавобгарлик меҳнат интизомини бузиш ҳамда ўз хизмат вазифасини етарли даражада масъулият билан бажармаслик оқибатида вужудга келади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасида интизомий жазонинг аник турлари кўрсатилган.<sup>1</sup>

Хусусан, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) ҳайфсан эълон қилиш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Тошкент, Адолат, 2012.

2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30% дан ортиқ бўлмаган микдорда жарима солиш;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50% дан ортиқ бўлмаган микдорда жарима солиш ҳоллари хам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жаримани Меҳнат кодексининг 164-моддаси талабларига риоя қилган холда иш берувчи ушлаб қолади.

Меҳнат кодексининг 82-моддасига асосан, интизомий жазоchorаси иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларини бузгандик учун интизомий жазо кўлланишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир килган ножӯя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Табиатни, шу жумладан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига қарши кураш чораларидан бири интизомий тарздаги моддий санкцияни кўллаш бўлиб, режа ба жарилмаганлиги учун, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилмаганлиги учун, табиий захиралардан фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларини бузгандик, ишлаб чиқариш чиқиндиларини тозалаш ва қайта ишлаш тадбирларини амалга оширганлик учун маошга кўшиб бериладиган мукофотдан маҳрум қилишда ифодаланади<sup>1</sup>.

Шуни таъкидлаш ўринлики, интизомий жазони якка тартибда кўллагандан кўра, умумий йигилишларда ёки ўртоқлик судларида ушбу хукуқбузарликларни муҳокама қилиб, кўпчилик ичida кўллаш кўпроқ ижобий натижা беради.

Меҳнат кодексининг 183-моддасига асосан, интизомий жазониниң амал қилиш муддати жазо кўлланилган кунидан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичida яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб хисобланади.

Интизомий жазони кўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бево-

<sup>1</sup> Мирзаев Т. Экологияга онд конкунлар юрости устидан прокурор назоратининг тавсифи. – Т., 2000. – 35-б

сита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақлидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида интизомий жазо чораларини кўллашда Меҳнат кодексининг интизомий жавобгарликка бағишланган умумий қоидалари татбиқ этилади. Демак, ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот ўз устави, низоми ва йўрикномаларини ишлаб чиқиша ҳамда қабул қилишда мазкур кодексдан ҳукуқий асос сифатида фойдаланиши ва унинг барча талабларига риоя қилиши лозим.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг ҳукуқий тартибини бузганлик учун жавобгарлик турларидан яна бири **маъмурий-ҳукуқий жавобгарликдир**. Маъмурий-ҳукуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури сифатида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид конун талабларини бузганлик учун ҳам кўлланилади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида маъмурий-ҳукуқий жавобгарликка тортиш учун ушбу ҳолатнинг бузилиши билан боғлик ҳукуқбузарликнинг содир этилиши асос бўлади.

Маъмурий-ҳукуқий жавобгарликка тортишнинг моҳияти ва ҳукуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўрсатилган. Мазкур конуннинг 10-моддасига асосан, маъмурий ҳукуқбузарлик деганда, конун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳукуклари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий мухитга тажовуз қилувчи гайриконуний айбли (касдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади<sup>1</sup>.

Ушбу кодексда назарда тутилган ҳукуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳукуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиной жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

Маъмурий жавобгарликнинг мақсади барча фуқароларнинг экологик конунларни аник бажаришлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа ҳукуқий нормаларни ҳурмат қилишлари, белгиланган бурч (мажбурият)ларини ўз вактида бажаришларига эришиш ёки тегишли ҳукуқбузарликни содир этганларни тарбиялаш-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодеси Тошкент, Адолат. 2011.

**дан иборатдир.**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик деганда, экологик қонунларга, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тӯғрисидаги қонунларга қарши содир этилган хатти-ҳаракат оқибатида республикамизнинг экологик тизимиға ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик, унга амал қилмаслик ёки уни бузиш ҳоллари тушунилади.

Бу ва бошқа хусусиятларини инобатга олиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлик ҳуқуқбузарликларнинг Маъмурий жавобгарлик тӯғрисидаги кодексда белгиланган бир қатор турларини кўрсатиш мумкин.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқбузарликларнинг мазкур конунда кўрсатилган турларини икки гуруга бўлиш мумкин:

1) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан бевосита боғлик бўлган ҳуқуқбузарликлар;

2) бошқа табиат обьекти ва экологик талабларни бузиш оқибатида содир этилган ва атмосфера ҳавосига салбий таъсир қиладиган ҳуқуқбузарликлар.

Демак, ҳар иккала турдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилганида ҳам атмосфера ҳавосига муайян зарар етказилади ва у тӯғрисидаги қонун талаблари бузилади.

Уларни, экологик хусусиятларини инобатга олиб, қуидагича туркумлаш мумкин:

1) Маъмурий жавобгарлик тӯғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларида белгиланган ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш (85-модда); атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек, ундан фойдаланмаслик (86-модда); чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва курилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш (87-модда); атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик (88-модда); ўсимликларни химоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш (89-модда); ишлатиш тақиқланган ва ишга яроксиз бўлиб қолган кимёвий

моддаларни заарсизлантириш қоидаларини бузиш (89<sup>1</sup>-модда); саноат, рўзгор чикиндилари ва ўзга чикиндиларни ташиш, жойлаштириш, утилаштириш, кўмиб ташлаш чогида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (91-модда); табиий мухитни тиклаш, табиий захираларни кайта ҳосил қилиш ва табиий мухитга заарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларни кўрмаганлик (95-модда); лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш (96-модда) транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (125-модда) каби ҳолатлар;

2) портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) хисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (98-модда); рўзғорда электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (101-модда); газдан ёқилғи ёки хомашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хукуқбузарликлар (103-модда); механизаторлар томонидан кишлек хўжалик машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш ва техника ҳавфсизлиги қоидаларини кўпол равишда бузиш (112-модда); ҳавфли моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидаларини бузиш (142-модда); стандарт талабларига ёки техник шартларга жавоб бермайдиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш (173-модда); стандартларни бузиш (212-модда); метрология қоидаларини бузиш (213-модда) каби хукуқбузарликлар.

Ушбу хукуқбузарликларнинг содир этилиши атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, юкоридаги хукуқбузарликларни содир этганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда аниқ жазо чоралари кўрсатилган, шунингдек, экологик хукуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш алоҳида қабул килинган йўриқномада ҳам батафсил ифода этилган<sup>1</sup>.

Демак, биринчи турдаги хукуқбузарликларнинг содир этилиши бевосита атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлганлиги туфайли биз уларнинг айрим турларини кўриб чиқишимиз мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 85-моддасига кўра, ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни йўл

<sup>1</sup>Табиатни муҳофаза юлиш даалат қўйнотаси органдарни министрлор шахслари томонидан табиий мухитни муҳофиза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги хукуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликни татбик этиш тўғрисидаги йўриқнома. – Т., 1998. – 52-б.

қўйиладиган нормалардан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юкори нормативдан ортиқ даражада заарли физикавий тъєсир кўрсатиш; маҳсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатини олиш талаб этиладиган ҳолларда бундай рухсатни олмай туриб атмосфера ҳавосига заарли физикавий тъєсир кўрсатиш, худди шунингдек, нокурай метеорологик шароит даврида атмосферанинг ифлосланганлик даражаси ортиб кетишига сабаб бўлувчи ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлашни камайтириш чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда бажармаганилик; бундай моддаларни ёппасига чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширмаслик – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

2000 йилга нисбатан 2007 йилда умумий текширишлар хисобот даврида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига биноан, 18794 мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан чоралар қўлланилиб, 236788,687 минг сўм микдоидаги жарима суммалари ундириб олинди. Шу билан бирга, 2007 йилда ундириб олинган жарима микдори 76940,974 минг сўмни ташкил этди ва 2000 йилдагидан 15 баробар кўпроқни ташкил этди.<sup>1</sup>

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосидан белгиланган нормативлардан ортиқча фойдаланиш, худди шунингдек, атмосфера ҳавосидан тасдикланган нормативларсиз ёки маҳсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз фойдаланиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга асос бўлади.

Мазкур кодекснинг 86-моддасига биноан, атмосферага чиқариладиган заарли моддаларни тозалаш учун ўрнатилган иншоотлар, ускуналар, аппаратуралардан, шунингдек, чиқариб ташланган заарли моддалар микдори ва таркибини назорат килувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмаслик мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

<sup>1</sup> Узбекистон Республикасида атроф-мухит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий Мълкузу -2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил). Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида, Тошкент: 2008. -35 Б.

Худди шундай хукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида такроран содир этилган бўлса мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу кодекснинг 87-моддасида қўрсатилганидек, чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар, шунингдек, ишлаб турган вақтида шовқин ва бошқа физик таъсир даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш ёхуд ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни таъмираш ҳамда уларга техник хизмат қўрсатиш чоғида ишлатиб чиқарилган газлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби ҳамда улар физикавий омилларининг зарарли таъсири тегишли нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминламаслик, – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган ҳаракатланувчи қурилмалардан фойдаланиш, – энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккidan бир қисмигача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчى ёки иккинчи қисмida назарда тутилган хукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан иккি бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Кодекснинг 88-моддасига асосан, қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилги моддалар ва бино-корлик материалларини тўплаш, маҳсус техник қурилмасиз очиқ аланга олдириб уларни ёкиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш талабларига риоя қилмаслик, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай хукуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача микдорда

жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 89-моддасида кўрсатилганидек, ўсимликларни ҳимоя килиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўллаш қоидаларини тупрок, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ёки ўсимликлар, ҳайвонот дунёсининг йўқ қилиб юборилишига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузиш фуқароларга – энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай хукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса ёхуд тупрок, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етишига олиб келса, фуқароларга – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу кодекснинг 89<sup>1</sup>-моддасида эътироф этилганидек, ишлатиш тақиқланган ва ишга яроксиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни тегишли рухсатномасиз, худди шунингдек, рухсатномада кўрсатилган шартларни бузган ҳолда зарарсизлантириш, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай хукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Айниқса, Кодекснинг 92-модасига биноан, саноат, рўзгор чиқиндиларини ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чогида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга асосан фуқароларга – энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача микдорда жарима солинади.

Худди шундай хукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд табиий муҳитга зарар етказса, фуқароларга – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб

бўлади.

Мазкур кодекснинг, 95-моддасида эса табиий мухитни тиклаш, табиий захираларни қайта хосил қилиш ва табиий мухитга зарарли таъсири кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик учун фуқароларга – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлиши кўрсатилган.

Амалиётда энг кўп учрайдиган ва содир этиладиган ҳолат транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилишидир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасида зътироф этилганидек, ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги – энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми микдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайдовчиларнинг фойдаланиш ман этилган даражада носозлиги бўлган транспорт воситаларини бошқариши энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмигача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайдовчиларнинг давлат техника кўригидан ўтмаган ёки белгилangan тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёхуд тормоз тизимида ёки руль бошқарувида ёхуд уловчи қурилмада носозлиги бўлган, худди шунингдек, ишлаётганида ташқарига чиқараётган ифлослантирувчи моддаларнинг микдори, шунингдек шовқин даражаси белгилangan нормадан ортиқ бўлган ёхуд тегишли руҳсати бўлмай туриб қайта жиҳозланган транспорт воситаларини бошқариши энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисмигача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фойдаланиш белгилangan тартибда ман этилган транспорт воситаларини, худди шунингдек, давлат раками белгиси ўзбошимчалик билан ечиб олинган ёхуд давлат раками белгиси ясама ёки ўзга усулларда ўзгартирилган транспорт воситаларини бошқариш энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларини ишдан ташқари вактда улардан фойдаланиш шартларига мувофиқ келадиган тарзда маҳсус жиҳозланмаган жойда саклаш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан икки бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юкоридаги сингари талабларни амалга ошириш республикамизнинг бир қатор вилоятларида яхши йўлга кўйилган.

Бугунги кунда корхоналарга хизмат кўрсатаётган ва барча давлат

транспорт воситалари ҳамда шахсий автотранспорт воситаларининг аксариятидан ажралиб чиқаётган газлар миқдори меъёридан юкоридир. Ана шундай транспорт воситаларини аниқлаш ва камчикларини бартараф этиш мақсадида катор тадбирлар ўтказилмоқда.

Хукуматнинг 2007 йил 10 февралдаги 30-сонли Автомобилларга газ тўлдириш компрессорли ва автомобилларга газ куйиш шаҳобчалари тармоғини ривожлантириш ва автотранспорт воситаларини боскичма-боскич суюлтирилган ва сиқилган газга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарорида 2007-2012 йилларда 188 минг автомобилларни сиқилган табиий ва суюлтирилган нефть газига, шундан 100 мингдан ортигини суюлтирилган нефть газига ва 60 мингдан ортигини сиқилган табиий газга ўтказиш назарда тутилган.

Шунингдек, 2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастури лойиҳасида 15 минг дона автомобиль транспортини газ ёқилғисига ўтказиш ва дизелли автомобиллар миқдорини 20 минг донага кўпайтириш бўйича тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

Ўзватосаноат АҚда газбаллонли ускуналар билан жиҳозланган ва Евро-2 экологик талабларига жавоб берадиган Damas автомобилларини чиқариш масалалари ишлаб чиқилмоқда, автомобилларда газ баллонли ускуналарни ўрнатиш бўйича Zolver, Landi Renzo, Intermobilgaz МЧЖ, Fan ва тарақкиёт ИТК ва Автосозлаш КТБ МЧЖ компаниялари билан ишлар амалга оширилмоқда<sup>1</sup>.

Демак, корхона ва ташкилотларда бу борадаги ишларнинг тўғри ташкил этилиши ва шахсий автотранспорт эгаларининг ихтиёрий равишда диагностика тармоқларида мунтазам кўриқдан ўтказиб туришлари яхши натижалар бериши мумкин.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик турларидан бири *фуқаровий-хуқуқий жавобгарликдир*.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунининг 12-модасида: Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий мухитда яшаш, ўз саломатлигини атроф мухитнинг заарли таъсири-

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасида атроф мухит холати ва табиий ресурслардан фойдаланиши тўғрисида Миллий Маркази -2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил). Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида, Ташкент. 2008. -21 Б.

дан муҳофаза килиш ҳуқуқига зга. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт<sup>1</sup>, – деб таъкидланган.

Кўриниб турибдики, экологик қонун ва талабларни бузганлик учун жавобгарлик ушбу ҳолатлар бўйича алоҳида аҳамият касб этади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкий ва экологик зарар учун қўлланылади. Ушбу турдаги жавобгарликка тортишдан мақсад экологик қонун ва талабларни бузганлик оқибатида етказилган зарарни ўз вақтида коплашдан иборат.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунида атмосфера ҳавосига етказилган экологик зарарни коплаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Мазкур, қонуннинг 25-моддасида белгиланган қоидага кўра, атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўловлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан қонун хужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва микдорларда ундириб олинади.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни чиқаргандик, унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатганини ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланганлик учун ҳак тўлаш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ҳавони муҳофаза қилиш чора-тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Умуман олганда, атмосфера ҳавосига етказилган зарарни қоплаш шу масала билан боғлик мажбурият ва битимларни тўғри амалга ошириш ҳамда қўллаш ҳоллари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади<sup>2</sup>.

Юридик адабиётда тўғри таъкидланганидек, қонун талаби ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқиши учун қуйидаги шартлар бўлиши лозим:

- етказилган иктиносид, экологик ва мулкий зарарнинг мавжудлиги;
- экологик ҳуқуқий нормаларни бузганлик учун айбнинг мавжудлиги;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашин Ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 38-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси Тошкент, Адолат. 2011.

– қилинган ижтимоий ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг конунга хилофлиги;

– экологик ва иқтисодий зарар охирги зарурат ва зарурый мудофаа туфайли етказилган бўлса, суднинг ушбу ҳолат юзасидан жазо ҳорасини белгилаши.

Демак, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда субъектлар юқоридаги шартларнинг бажарилишига эришишлари лозим.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликнинг *субъекти* барча юридик ва жисмоний шахслар, жамоат ташкилотлари, хусусий корхоналар ва бошқалардир.

Ушбу соҳада содир этилган ҳуқуқбузарликнинг *субъектив томонини* эса касдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган айб оқибатида етказилган экологик зарар, яъни айбнинг мавжудлиги ташкил этади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш конун ва талабларини бузганлик оқибатида содир этилган ҳуқуқбузарликнинг *объекти* субъектнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолиятини бузиши, яъни субъектларга етказилган экологик, иқтисодий, генетик ва мулкий зарар билан боғлиқ бўлади.

*Объектив томони* деганда эса, ҳуқуқка қарши хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида субъектнинг ҳуқуқий муносабатни бузиши, белгиланган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва экологик конунларга ҳамда бошка ҳуқуқий нормаларга амал қиласлиги тушунилади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда экологик конун ва талабларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка хос энг асосий томон шундаки, субъектнинг экологик соҳада маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши уни етказилган зарарни ўз вақтида коплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Қўйилган муаммони ечишга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раёсати ҳам катта зътибор бермокда. Жумладан, Олий хўжалик суди раёсатининг Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги конунчиликни бузиш билан боғлиқ хўжалик низоларини кўриш амалиёти ҳақидаги 1997 йил 1 декабрь қарори ҳам катта аҳамиятга эга.

Мазкур қарорга асосан, табиатни муҳофаза қилиш ва атмосфера ҳавосини ифлослантиришга оид конун талабларини бузганлик, шартнома ва битимларни ўз вақтида бажармаганлик оқибатида етказилган зарар учун экологик моддий жавобгарлик ҳоллари кўрсатилган.

Масалан, умумий даъво микдори 143 млн. 211 минг сўм бўлган 754 та низоли иш кўриб чиқилиб, давлатга келтирилган зарарни қоплаш учун 49 млн. 132 минг сўм пул ундирилган. Табиятни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конунчиллик талаблари, табиятни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳужоатлаштиришда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, даъволарнинг 94 млн. 89 минг сўмлик қисми рад қилинган<sup>1</sup>.

Амалиётда айрим корхона, муассаса ва ташкилотлар ишлаб чиқариш жараёнида атмосфера ҳавосига белгиланган нормадан зиёд чанг, тутун ва заҳарли газлар чиқариб, атмосфера ҳавосини ифлослантирган ҳолларни кўплаб учратиш мумкин.

Масалан, Ўзгидрометга тегишли ҳудудда ҳозирги вактда 33 шаҳар ва аҳоли яшаш пунктларида 60 та тургун (стационар) постда атмосфера ҳавоси ифлослани шини кузатиш ишлари олиб борилмоқда. Шундан 24 шаҳарда тургун кузатувлар, колганида эса, эпизодик кузатувлар олиб борилмоқда. 15 та газ, 5 та оғир металл ва бенз(а)пирен коришмалари назорат қилинади.

Тожикистон алюминий компанияси давлат унитар корхонаси (ТАЛКО ДУК) ёки собиқ Тожикистон алюминий заводи таъсири зонасида табиий мухит ҳолатини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида атмосфера ҳавоси таркибида фторли водородни аниқлаш учун суткасига 5-8 марта оралиқда ҳаво намуналар олинади. 2007 йилда фторли водород бўйича санитар меъёрларининг 1,3 баравар ортиклиги кузатилди.

Шаҳарлардаги атмосфера ҳавосининг сифати атмосфера ифлосланишининг комплекс индекси билан баҳоланади. Градацияяга тегишли равишда республиканинг 4 та шаҳри – Навоий, Ангрен, Нукус ва Фарғонада 2007 йилда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг даражаси юкори деб тавсифланади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республиканинг бутун ҳудуди бўйича 90- йиллар бошларига нисбатан ифлосланиш даражаси кескин пасайди, бу ишлаб чиқаришнинг таназзули ва атмосферага ифлослангирувчи моддалар ташланишининг камайиши билан боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, кўплаб

<sup>1</sup>Олий ҳўжалик суди раёсатининг «Табиятни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилсан фойдаланиш тўғрисидаги комуничаликни бузиш билан боғлиқ ҳўжалик нисоларини кўриш амалиёти ҳақондаги» 1997 йил 1 декабр карори // Ҳўжалик ва ҳукук – 1998. – № 1. – 13–15-б.

шаҳарларда сўнгги 5 йил давомида атмосфера ҳавоси сифатининг баркарорлашиши ва яхшиланиши тамоилии сакланиб қолмоқда<sup>1</sup>.

Мазкур мисоллардан кўриниб турибдики, экология ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида фуқаролик ҳукукига оид жавобгарликнинг қўлланилиши давлатнинг экологик манфаатини химоя қилиш, юридик ва жисмоний шахслар, мулк эталарига етказилган моддий ва маънавий зарарни коплаш ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга доир конунларнинг бажарилишига қаратилгандир.

Хуллас, биринчидан, ушбу соҳада вазирликлар ва идоралар, табииатни муҳофаза қилиш кўмитаси атроф мухит ва атмосфера ҳавосига белгиланган нормадан ортиқча зарарли модда чиқарганилик ҳамда ифлослантирганилик учун тўланадиган ҳак миқдорини қайта кўриб чиқишилари; иккинчидан, эски норматив стандартларни бекор қилиб, ҳозирги технология талабига мос равишда янги норматив давлат стандартларини кабул қилиш лозим.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузганилик учун жиноят жавобгарликнинг белгиланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу соҳада содир этилган ҳукукбузарлик (жиноят) учун жиноят жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси<sup>2</sup> билан тартибга солинади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги жиноят, жиноят жавобгарлик конунчилигига белгиланган ижтимоий ҳавфли хатти-харакат ёки ҳаракатсизликларни содир килган фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилади. Мазкур ҳукукбузарликлар жамият учун ўта ҳавфилиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ушбу жиноятларнинг субъекти бўлиб фуқаролар ва мансабдор шахслар, обьекти бўлиб эса ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси хисобланади. Объектив томони деб атроф табиий мухитга, атмосфера ҳавоси ва бошқа табиат бойликларига етказилган зарар тан олинади. Субъектив томони эса ушбу жиноятларни қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этишdir. Мазкур жиноятлар асосан қасдан содир этилади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тутрисида Миллий Маркази-2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил). Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида, Тошкент.: 2008. -25-26 Б.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Тошкент. Адолат. 2011.

Таъкидлаш жоизки, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби билан боғлик жиноятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Экология соҳасидаги жиноятлар деб номланган тўртинчи бўлимида ифодаланган бўлиб, унинг XIV боби атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларга бағишиланган. Ана шу қонуннинг 193, 194, 196-моддаларида белгиланган ҳолатлар бевосита атмосфера ҳавосини ҳукуқий муҳофаза қилиш ва тартибга солиш масаласига алоқадордир.

Жиноят кодексининг 193-моддаси экология ҳавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузишга доир бир қатор масалаларни ўз ичига олиб, у бевосита атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид норма ва талабларнинг бузилиши билан ҳам боғлиқдир.

Ушбу моддада кўрсатилганидек, саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан обьектлари ёки бошқа обьектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, куриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу обьектларнинг норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул килиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади<sup>1</sup>.

Шунингдек, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талаби маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш ҳоллари билан ҳам боғлиқ бўлади. Жиноят кодексининг 194-моддасига асосан, маҳсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиги, тирик табиат учун ҳавфли бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларнинг қасдан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки баликларнинг кирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга

<sup>1</sup> Ўша жода.

сабаб бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача микдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлок тузатиш ишлари билан жазоланади. Ўша қилмишлар одам ўлимга сабаб бўлса, – уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Атроф-табиий мухитни ифлослантириш атмосфера ҳавосини ифлослантириш соҳаси билан ҳам боғлик бўлиб, мазкур ҳолат содир этилганлиги учун Жиноят кодексининг 196-моддасида тегишли жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддада кўрсатилган талабларга кўра, ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки баликларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача микдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлок тузатиш ишлари билан жазоланади. Ўша қилмишлар одам ўлимiga сабаб бўлса, уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг мусаффолигини таъминлаш кўпроқ табиат бойликларини, жумладан ўрмон ёки турли хил дарахтларни сақлаш, муҳофаза қилиш билан боғлиқ, бу эса, ўз навбатида, нафакат ўрмон майдонларининг кискаришига, балки атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига ҳам зиддир.

Юқорида кўрсатилган жиноят қонунчилигидаги ҳуқуқбузарлик турлари ва унга жазо тайинлаш масаласи ҳозирги талаб ҳамда содир этилган жиноятга баҳо беришда, жазолашда бир қатор мулоҳазаларга сабаб бўлиши мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш ёки ифлослантириш деб аталадиган алоҳида модда киритиш ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларини бузганлик, уни ифлослантирганлик ва унга оид айrim маълумотларни яширганлик ёки бузиб кўрсатганлик учун белгиланган жиноий жазони кучайтириш зарур. Чунки атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларини бузиш, экологик мұхитга, табиат объектларига, тирик мавжудот ва инсоният ҳаёти ёки уларнинг нормал сақланиши учун жуда катта иктисодий, экологик ва генетик заرار етказиши билан бирга, ҳаттоқи уларнинг ўлимiga сабабчи бўлиши ҳам мумкин.

Айrim ривожланган хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчи-

лигига асосан, энг оғир ҳазолардан бири атмосфера ҳавосини мухофаза килиш талабларини бузганлик учун белгиланганлиги хам фикризини тасдиқлади. Масалән, Германия Федератив Республикаси жиноят қонунчилигига күра, атмосфера ҳавосини мухофаза килиш талабларини бузган шахс 10 йыл муддатта озодликдан маҳрум этилади.

Шундай экан, атмосфера ҳавосини мухофаза килиш ва ундан фойдаланишининг ҳукукий тартибини бузганлик учун юридик жавобгарлик турларидан бири сифатида жиноий жавобгарликнинг белгиланиши ушбу соҳадаги ҳукукбузарлик (жиноят)ларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишга ёрдам беради.

### **Назорат саволлари:**

1. Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш соҳасидаги ҳукукбузарликлар тушунчаси нимадан иборат?
2. Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш соҳасидаги ҳукукбузарликларнинг кандай турлари мавжуд?
3. Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш тартибини бузганлик учун кандай юридик жавобгарлик турлари кўлланилади?
4. Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш тартибини бузганлик учун кандай жазо чоралари кўлланилади?
5. Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш тўғрисидаги конун талабларини бузганлик учун интизомий ҳукукий жавобгарлигининг хусусияти нимада?
6. Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш тўғрисидаги конун талабларини бузганлик учун фукаролик ҳукукий жавобгарлиги кандай ҳолатларда кўлланилади?
7. Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш тўғрисидаги конун талабларини бузганлик учун маъмурний ҳукукий жавобгарлик асослари кандай ҳолатларда кўлланилади?
8. Атмосфера ҳавосини мухофаза килиш тўғрисидаги конун талабларини бузганлик учун жиноий ҳукукий жавобгарликни кўлланилиши ва уни хусусиятлари нималардан иборат?

## ХУЛОСА

Мустакиллик ва бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида табиат бойликларидан, айниқса, атмосфера ҳавосидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза килишни бугунги кун талаби даражасида ҳуқукий тартибга солиш амалиётда атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш билан боғлиқ масалаларнинг ижобий ҳал этилишида, ушбу соҳада содир этилаётган гайриконуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда катта аҳамиятта эга.

Шу боис атмосфера ҳавосини муҳофаза килишни ҳуқукий тартибга солишни кўйидаги йўналишларда янада такомиллаштириш зарур:

- Атмосфера ҳавосини муҳофаза килишни ҳуқукий тартибга солиш анча кенг тушунча бўлиб, бир қатор хусусиятлари билан бошқа табиат бойликларини муҳофаза килишдан ажралиб туради. Атмосфера ҳавосини муҳофаза килишни ҳуқукий тартибга солиш атмосфера ҳавосидан фойдаланувчиларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари, бошқариш ва назорат этиш тартиби, атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш ҳамда юридик жавобгарлик элементларининг қўлланилиши билан бевосита боғлиқдир.

- Экология ҳуқукида атмосфера ҳавосини муҳофаза килишни ҳуқукий тартибга солиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза килиши институти билан бирга, атмосфера ҳавосини ҳуқукий муҳофаза килиш ва ундан фойдаланиш тушунчаси, унинг принциплари ва манбаларини; атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш соҳасида давлат бошқаруви ва назоратини; атмосфера ҳавосига нисбатан мулкчилик; атмосфера ҳавосидан фойдаланувчиларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари; атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш тўғрисидаги қонунларни бузганилик учун юридик жавобгарлик каби субинститутларни ўз ичига олади.

- Атмосфера ҳавосини муҳофаза килишни ҳуқукий тартибга солишнинг бир қатор принциплари мухим ўрин тутади: а) атмосферадаги озон қатлами ning таркибини янги талаб ва стандартлар асосида доимий равишда кузатиб бориш; б) ҳаво ва атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш тўғрисидаги қонун талабларига қатъий риоя килиш; в) атмосфера ҳавосини муҳофаза килишда биргина давлат эмас, балки ҳалқаро ҳуқук нормалари асосида бошка давлатларнинг ҳам манфаатларини инобатта олиш; г) экологияга оид ҳалқаро нормаларни ҳаётта татбиқ этиш; д) атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш тўғрисидаги қонунларни, давлат норматив стандартларини

**экологиялаштириш.**

- Амалдаги қонун ҳужжатларида атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқук ва мажбуриятлар аник ҳамда батафсил ўз аксини топмаган. Шу муносабат билан Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тўғрисидаги конунда ёки келажакда кабул килиниши мумкин бўлган Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш кодексида юридик ва жисмоний шахсларнинг мазкур соҳадаги ҳуқук ва мажбуриятларини, янги давлат норматив стандартларининг аник турларини курсатиш мақсадга мувофиқдир.

-Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланишини бошқаришни такомиллаштириш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур:

**биринчидан**, барча давлат қўмиталари ва вазирликлар, ҳуқуқни мухофаза килувчи органлар ва бошка идораларнинг атмосфера ҳавосини мухофаза қилишдаги ҳамкорлигини таъминлаш;

**иккинчидан**, жойларда маҳалла қўмиталари, фуқаролар йигини, тадбиркорлар, хусусий корхоналар ва хорижий фирмаларнинг табиатни ва атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш соҳасидаги фаолияти ва ҳамкорлигини кучайтириш;

**учинчидан**, атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш максадида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотларнинг ҳамкорлиги асосида уларнинг фаоллигини ошириш;

**тўртинчидан**, атмосфера ҳавосини мухофаза қилишда ва экологик фалокатларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашда депутатларнинг фаоллигини ошириш;

**бешинчидан**, амалдаги қонун ҳужжатларида атмосфера ҳавосини мухофаза қилишга масъул давлат бошқаруви органларининг ваколатларини янада батафсилроқ ва аник кўрсатиш ва ҳ. к.

Фикримизча, ушбу вазифаларни тез ва тўлиқ бажариш атмосфера ҳавосичинг ҳуқуқий жиҳатдан самарали мухофаза қилинишини таъминлашга ёрдам беради.

Шунингдек, ИИВнинг йўлларда ҳаракатланиш ҳавфсизлигини таъминловчи ходимлари ва экология пунктлари ҳамкорлигини кучайтириш, экологик назорат пунктларини кўпайтириш. Тоза ҳаво операцияларини доимий равишда ўтказиб туриш катта аҳамиятга эга.

-Атмосфера ҳавосини мухофаза қилишга йўналтирилган Табиатни мухофаза қилиш, Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш, Метрология, Санитария тўғрисидаги ва бошқа экологик қонунлар

талабларини бажариш мақсадида, ҳуқукни муҳофаза килувчи органлар, жумладан, прокуратура назоратини, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзгидрометеорология хизмати, Соғликни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш; шунингдек, атмосфера ҳавосининг тозалигини таъминлаш мақсадида, экологик экспертиза, экологик лойиҳалаш ва турли санитария-техник ҳамда бошқа тадбирларни ҳам амалга ошириш лозим.

Умуман олганда, мамлакатимизда атмосфера ҳавосининг муҳофаза килинишини ҳуқуқий тартибга солишни кучайтириш мақсадида қўйидаги вазифаларни бажариш зарур деб ўйлаймиз:

**биринчидан**, барча корхона, муассаса, ташкилотларнинг фаолиятида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ҳавонинг соғлигини таъминлаш учун профилактика ишларини кучайтириш ва янги технологияларни кўллаш;

**иккинчидан**, ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотнинг Тоза ҳаво комплекс дастурини ишлаб чикиши ва уни амалга оширишига эришиши;

**учинчидан**, ЙХХХ ҳамда Экологик постларнинг транспорт во-ситалари ва уларнинг газ чиқариши билан боғлиқ фаолиятлари юза-сидан назорат ишларини кучайтириш;

**тўртинчидан**, барча корхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда янги иш бошлаётган, қурилаётган корхоналар фаолиятида экологик экспертиза ўтказиш тартиби ҳамда талабини кучайтириш;

**бешинчидан**, ёшларга, айниқса, деҳқон, фермер, ижара ва (коопе-ратив) ширкат хўжаликлари ходимларига Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва бошқа экологик ҳуқук нормаларининг талабларини кенгрок тушунтириш;

**олтинчидан**, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш учун экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияни, экологик-ҳуқуқий маънавият ва маданиятни янада кўтариш;

**еттинчидан**, барча давлатлар, ҳалқаро ҳамжамиятлар, ноҳукумат ўюшмалари билан кенг ҳамкорликни йўлга кўйиш ҳамда мазкур масала юзасидан тузилган ҳалқаро шартномаларни ўз вақтида бажаришни таъминлаш.

Атмосфера ҳавосини, табиатни муҳофаза қилишга доир ва бошқа экологик қонунларнинг бажарилиши ҳамда уларга амал қилиниши фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий экологик онги ва савијасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, экологик ҳуқуқбузарлик-

ларнинг кўплаб содир этилаётганлиги аҳоли ва мансабдор шахслар ушбу қонунларни яхши билмасликларини кўрсатмоқда. Шу боис экологик-профилактик таъбиrlарни кўпроқ ўтказиш ижобий натижа беради.

- Атмосфера ҳавосинини муҳофаза қилинишини ҳуқукий тартибга солиш ҳамда атмосфера ҳавсси ва атроф мухитнинг мусаффолигини таъминлаш максадида, Экологик жамоатчилик назоратининг ҳуқукий фаолиятини кучайтириш лозим.

-Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун юридик жавобгарликнинг ҳуқуқ тизимидағи комплекс ҳуқуқ институти сифатида ўз ўрнига эга. Бу ҳуқуқ институти атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун интизомий-ҳуқукий, маъмурий-ҳуқукий, фуқаролик-ҳуқукий, жиноий-ҳуқукий жавобгарлик турларини камраб олади. Аммо мазкур юридик жавобгарлик турларининг амалиётда қўлланилиши талаб даражасида эмас. Шу муносабат билан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга доир юридик жавобгарлик нормаларини такомиллаштириш лозим.

-Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва бошка норматив ҳужжатларнинг самарадорлигини янада ошириш, амалдаги экологик қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чораларининг амалда қўлланишини таъминлаш корижий давлатлар (АҚШ)нинг мазкур соҳадаги тажрибаларидан келиб чиқиб экологик муаммоларни ҳал қилиш, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларга карши курашиш ва амалиётда уларга баҳо бериш максадида педагог- эколог, юрист-эколог, милиционер-эколог, судья-эколог фаолиятини ташкил этиш зарур.

### **Тест саволлари:**

1. Экология сўзи грекчада кандай маънони англатади?  
A) организмлар ҳақидаги фан  
B) ер ҳақидаги таълимот  
C) табиат ҳақидаги билим  
**D) уй, яшаш жойи ҳақидаги таълимот**
2. Илк бор фанга Экология сўзини ..., олиб кирган?  
A) Чарльз Дарвин  
B) Абу Наср Форобий  
**C) Эрнест Геккель**  
D) Абу Али ибн Сино
3. Табиат ва жамият ўртасида қандай муносабат шакллари мавжуд?  
A) оддий, оддий-иқтисодий  
B) иқтисодий  
C) экологик  
**D) ҳамма жавоб тұғы**
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг қайси бир асарида экологик муаммолар миilliй хавфсизлик омили сифатида атрофлича ёритилған?  
A) Биздан обод ва озод Ватан қолсин  
B) Тарихий хотирасиз келажак йўқ  
C) Ўзбекистон XX асрга интилмокда  
**D) Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари**
5. Экология ҳуқуқи предмети бу . . . ?  
**A) экологик-ҳуқуқий муносабатлардир**  
B) экологик муносабатлардир  
C) иқтисодий-экологик муносабатлардир  
D) иқтисодий-ижтимоий муносабатлардир
6. Экологик концепцияларга қайси бир дунёқарашлар киради?  
A) натуралистик  
B) истеъмолчилик  
C) алармизм  
**D) A, B, C,**
7. Нима учун экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарур?  
A) иқтисодий ривожланиш учун  
B) халқаро алоқаларни тиклаш учун

**C) атроф-мухитни ҳуқукий жиҳатдан мухофазалаш учун**

**D) ҳокимиятнинг бўлинниш принципини таъминлаш учун**

**8. Экология ҳуқуки. . , фанлар тармоғига киради.**

**A) ижтимоий**

**B) иқтисодий**

**C) ҳуқукий**

**D) экологик**

**9. Экология ҳуқуқининг мақсади . . . ?**

**A) табиатни асраш, табиий ресурслардан оқилона файдаланиш**

**B) бузилган экотизимларни тиклаш**

**C) ҳозирги ва келажак авлодларни тоза атроф-мухитга бўлган талабини қондириш**

**D) ҳамма жавоб туғри**

**10. Ўзбекистонда Экология ҳуқуки қачондан бошлаб ўқув предмети сифатида караладиган бўлинди?**

**A) 1970 йиллардан**

**B) 1950 йиллардан**

**C) 1980 йиллардан**

**D) 1990 йиллардан**

**11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида нечта модда бевосита экологик нормалар ҳисобланнилади?**

**A) 4**

**B) 3**

**C) 5**

**D) 2**

**12. Экологик-ҳуқукий муносабат обьектига нималар киради?**

**A) табиий ресурслар**

**B) табиий комплекслар**

**C) ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган организмлар**

**D, A, B, C**

**13. Экология ҳуқуқининг обьекти бўлиши учун табиий обьектлар қайси белгиларга эга бўлиши талаб этилади?**

**A) табиий келиб чиқкан**

**B) экологик тизимларда туриши**

**C) A, B**

**D) инсон томонидан яратилганлиги**

**14. Табиатни мухофаза қилиш тўғрисидаги қонун қажон қабул килинган?**

**A) 1992 йил 8 декабрь**

- Б) 1993 йил 9 декабрь  
С) 1992 йил 9 декабрь  
Д) 1993 йил 8 декабрь
15. Экологик-хукукий муносабат субъектлари ....бўлиши мумкин?  
А) жисмоний шахслар  
В) юридик шахслар  
С) давлат органлари  
Д) А, В, С
16. Экологик муносабатлар қандай усуллар орқали тартибга солинади?  
А) иктисадий  
В) ижтимоий  
С) сиёсий  
Д) тўғри жавоб йўқ
17. Конституциямизга биноан табиий ресурслар. . .  
А) давлат мулкидир  
В) жамоат мулкидир  
С) умумхалқ мулкидир  
Д) умуммиллий бойликлар
18. Экологик-хукукий механизм бу. . .дегани?  
А) экологик бошқарув  
В) экологик тартибга солиш  
С) экологик муросалаш  
Е) тўғри жавоб йўқ
19. Экологик экспертиза тўғрисидаги конун қачон кабул килинган?  
А) 25.05.1997 йилда  
Б) 25.05.1998 йилда  
С) 25.05.1999 йилда  
Д) 25.05.2000 йилда
20. Экология хукуқининг маҳсус қисмида қайси бир хукукий институтлар кўриб чикилади?  
А) экологик жавобгарлик  
В) халқаро экология хукуки  
С) ерларни экологик-хукукий тартибга солиш  
Д) тўғри жавоб йўқ
21. Чиқиндилар тўғрисидаги конун борми?  
А) ха  
В) йўқ

C) лойиҳаси бор

D) бекор қилингган

22. Ихтисослаштирилган Экология хукуки манбаларига куйидагилар киради?

A) мулкчилик, ижара, лизинг тўғрисидаги қонунлар

B) мулкчилик, экологик экспертиза, ижара тўғрисидаги қонунлар

C) ер, ўрмон, сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар

D) A, B

23. Экологик қонунларни қабул қиласди.

A) Олий Мажлис

B) Вазирлар Махкамаси

C) Президент

D) Олий хўжалик суди

24. Қизил китоб Экология хукукининг маини бўла оладими?

A) ха

B) йўқ

C) қисман

D) агарда Олий Мажлисда тасдиқланса

25. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилингган ?

A) 1999 йил 15 апрель.

B) 1996 йил 29 август.

C) 2000 йил 15 декабрь.

D) 1993 йил 6 май.

26 Экология хукуки бу..... ?

A) хукукининг мустақил тармоги.

B) мустақил ҳукуқи соҳаси.

C) Фан, ўқув курси

D) барча жавоблар тўғри

27. Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилингган?

A) 1996 йил 27 декабр.

B) 1996 йил 26 декабр.

C) 1996 йил 25 декабр.

D) 1996 йил 3 декабр.

28 Президент экологик қонунларни бажарилашини . . . .

A) назорат қиласди

B) кузатади

C) кафолатлайди

D) тартибга солади

29 Экологик-ижтимоий жавобгарлик қонунларда ўрнатиладими?

A) йўқ

B) қисман

C) ха

D) B, C

30.Мъумурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда табиий мухитни муҳофаза қилишга доир нечта модда белгиланган?

A) 30 та

B) 34 та

C) 32 та

D) 36 та

31.Қуйидагилардан қайси бири Атом энергияси бўйича халқаро агентлигининг ваколатига кирмайди?

\*A. Ифлослантирувчи моддаларнинг узоқ масофаларга кўчириш

Б. Атом электростанцияларни қуриш ва ишлатиш қоидаларини ишлаб чикиш

С. Атом қурилмалари ва материалларини атроф мухитга таъсирини баҳолаш

Д. Радиацион ҳавфсизлик меъёrlарини белгилаш

32.Иклимга таъсир этишни чегаралаш тўғрисидаги конвенцияга Ўзбекистон қачондан қўшилган?

A. 1993 йил 14 май

Б. 1995 йил 13 октябр

С. 1995 йил 15 июн

Д. 1996 йил 7 май

33.Ҳавфли чиқитларни ташиш ва уларни йўқотиш Базель конвенцияси Ўзбекистон қачондан қўшилган?

\*A. 1996 йил 7 май

Б. 1997 йил 7 май

С. 1998 йил 7 май

Д. 1999 йил 7 май

34.Ҳаво бассейнининг халқаро муҳофазаси йўналишларини кўrsatинг?

А. Иклим ва об-ҳавога салбий таъсирнинг олдини олиш ҳамда озон қатламини емирилишдан муҳофазалаш

Б. Атмосфера ҳавосини назоратлаш ва тозалаш

С. Атмосфера ҳавосини ифлослантиришни давлатлараро тарқалишини олдини олиш ва бартараф килиш

\*Д. Барча жавоблар тұғри

35. И.Каримов БМТ Бөш Ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида сүзлаган нұтқларидә атроф табиий мұхитни муҳофаза килишга оид қандай масаланы күтәриб чиқди?

\*А. Орол деңгизининг куриб бораётгандылығы ва унинг оқибати ҳакида

Б. Атом қуролларидан фойдаланишнинг атроф табиий мұхиттегі зарары ҳақида

С. Озон қатламининг емирилиши ҳақида

Д. Тұғри жавоб йўқ

36. АМГМТ қандай дастурларни мувоғикаштириб туради?

А.Атмосфера ҳавоси ҳолатининг мониторинги; қуруқликдаги ресурсларни тиклаш

Б. Ифлослантирувчи моддаларнинг узок масофаларга күчириш

С. Инсон саломатлиги; Дунё океанлари

\*Д. Барча жавоблар тұғри

37. Ўзбекистон Республикаси АМГМТ дастури бўйича тузилган Икlimни ўзгариши тұғрисидаги Конвенцияга қачондан бошлаб аъзо хисобланади?

\*А. 1993 йилдан

Б. 1994 йилдан

С. 1995 йилдан

Д. 1996 йилдан

38. 1996 йил 12-14 ноябрда Тошкент шаҳрида ўтказилған ушбу Икlimни ўзгариши тұғрисидаги Конвенция бўйича семинар йигилишида қандай масалалар кўриб чиқилган?

А. Икlimни ўзгариши тұғрисидаги Конвенция билан Марказий Осиё давлатлари ва нодавлат ташкилотларини таништириш

Б. Конвенцияга қўшилмаган мамлакатларни жалб қилиш

С. Марказий Осиё давлатларига БМТ, хусусан ЮНЕП нинг ёрдам кўрсатиш йўлларини аниклаш

\*Д. Барча жавоблар тұғри

39. Халқаро экологик жамғармалар (фондлар)нинг Фаолият юргазиши ва амалий ҳаракат килиш кўламига кўра қандай турларга ажратиши мумкин?

\*А. умумжаҳон, регионал ва регионаларо

- Б. Умумжахон ва регионал
- С. регионал ва регионаларо
- Д.умумий ва маҳсус

40. 1993 йил 4 январда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларини Қизилўрда учрашувида қандай жамғарма ташкил этилган?

- \*А. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси
- Б. Экосан
- С. Атроф мухит жамғармаси
- Д. Тўғри жавоб йўқ

41. Биринчи марта қачон ва қаерда халқаро миқёсда экологик муаммоларни халқаро ҳуқуқнинг маҳсус масалалари тоифасига кўтарди.

А. 1914 йил 18 январдаги Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда

\*Б. 913 йил 17-19 ноябрда Швейцариянинг Берн шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда

С. 1918 йилда Англиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда.

Д. 1948 йил АҚШ нинг Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда.

42. Қайси Халқаро ёшлар Конгрессида экологик муаммоларни хал қилишда ёшларни фаол иштирок асосий вазифалардан бири қилиб белгиланди.

А. 2000 йилда Истамбулда бўлиб ўтган Конгрессда

Б. 1998 йил августда Амстердам шаҳрида бўлиб ўтган Конгрессда

С. 1991 йил декабр ойида Венада бўлиб ўтган Конгрессда

\*Д. 1999 йил октябр ойида АҚШнинг Гавайи штатида бўлиб ўтган Конгрессда.

43. 1972 йил БМТ нинг атроф мухит муаммоларига бағишлиланган Стокгольм (Швеция) конференциясида қандай Декларация қабул қилинди.

А. Халқаро экологик ташкилотлар фаолияти тўғрисида Декларация қабул қилинди.

Б. Чиқиндиларни қайта ишлашга доир халқаро Декларация қабул қилинди.

\*С. Халқаро экологик принциплар ва ҳаракатлар режасига доир Декларация қабул қилинди.

Д.БМТ нинг халқаро миқёсда Нефт махсулотларни ишлаб чиқариш талаблари тұғрисида Декларация қабул қилинди.

44.Айрим космик фазони ўзлаштиришга оид дастурларни бажарувчи давлатлар, бирлашмалар ва халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган декларация.

- \* А. Космик кемалар орқали зарар етказиш Конвенцияси
- Б. Космик кемалардан фойдаланиш коидалари Конвенцияси
- С. Атмосферадан фойдаланиш тұғрисида Конвенцияси
- Д. Орбитадан фойдаланиш коидалари Конвенцияси

45. Радиациявий хавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплар берилған қаторни аникланг?

- \* А) нормалаштириш; асослаш;
- Б) минималлаштириш; радиациявий хавфсизликни таъминлаш;
- С) асослаш; бартараф этиш;
- Д) нормалаштириш; бартараф этиш;

46. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини қайси органлар олиб боради?

- А) Ўз Рес Вазирлар маҳкамаси; Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ички ишлар вазирлиги;
- Б) Ички ишлар вазирлиги; табиатни муҳофаза қилиш давлат күмитаси; Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;
- С) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги; табиатни муҳофаза қилиш давлат күмитаси; Саноатконтехназорат давлат инспекцияси;
- \*Д) Давлат божхона күмитаси; табиатни муҳофаза қилиш давлат күмитаси; соғлиқни сақлаш вазирлиги;

47. Радиоактив моддалар деганда нима тушунилади?

- А) ўзидан ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи ёки чиқаришга кодир бўлган курилма, ядровий материаллар;
- Б) кейинчалик улардан фойдаланиш назарда тутилмайдиган ядровий материаллар;

\*С) таркибида белгиланган радиациявий хавфсизлик нормалари ва коидаларининг энг кам қийматидан ортик активликдаги радионуклиидлар бўлган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги ядровий материалларга тегишли бўлмаган моддалар

Д) нормалар ва коидаларда белгиланган минимал қийматидан ошадиган ва нурланишга олиб келадиган радиоактив материаллар

48. Ўзбекистон Республикаси “Радиациявий хавфсизлик тұғрисида”ги қонуни качон қабул қилинган?

- А) 31 июл 2000 йил

- Б) 31 август 2001 йил  
\*С) 31 август 2000 йил  
Д) 30 август 2001йил

49. Транспорт воситалари ичиде автомобиль транспорт воситларини атроф табии түхиттега тасири неча фоизни ташкил этади?

- А) 90, 95 фоиз,  
Б) 25,30 фоиз,  
\*С) 75,80 фоиз,  
Д) 50,60 фоиз,

50. Айрим космик фазони ўзлаштиришга оид дастурларни бажарувчи давлатлар, бирлашмалар ва халқаро ташкилотларнинг табиатга етказилган заарни қоплашлари кераклиги қайси конвенцияда кўрсатилган?

- \*А. Космик кемалар орқали заар етказиш  
Б. Космик кемалар орқали табиатга заар етказиш  
С. Космик кемалар орқали табиатга заар етказилишини тартибга солиш тұғрисида  
Д. Тұғри жавоб йўк

## ГЛОССАРИЙ

**ЭКОЛОГИЯ** (юононча “oikos” – уй, яшаш жойи, яшаш мұхити, “logos” – таълимот) – тирик организмларнинг ўзаро ва уларнинг яшаш мұхити билан бўладиган муносабати ҳақидаги фан бўлиб, нозволюцион тарзда ривожланувчи табиат тизимидағи тирик организмлар ва уларнинг атроф – мұхит билан бўладиган муносабатларига доир қонуниятларни тадқик қиласди.

**АКУСТИК ИФЛОСЛАНИШ ТУРЛАРИ** - шовқин, тебраниш, магнит майдонлари ва атроф табиий мұхитга бошка салбий физикавий таъсир кўрсатиш киради. Атроф табиий мұхитни акустик ифлосланишнинг обьекти инсоннинг саломатлиги ва меҳнат қобилияти. Оддий шовқин бошка физикавий таъсир каби цивилизация давридаги ҳаётни доимий хусусиятларидан бири. Тегишли ҳаёт даражасини таъминлашда маълум бир даражадаги таъсир кўрсатиш зарурий элемент ҳисобланади. Лекин физикавий таъсир кўрсатишнинг йўл кўйиладиган даражадаги меъёрларнинг бузилиши инсонга салбий таъсир кўрсатиб уни касал бўлишига, ақлий ва жисмоний меҳнат лаёқатини пасайишига олиб келади ва жиддий асаб, рак, юрак-томир, руҳий касалликларга сабаб бўлади. Юкори даражадаги физикавий таъсирида нафақат инсон, балки моддий бойниклар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказилади. Инсонга шовқин таъсирининг йўл кўйиладиган даражадаги меъёрлари дицебаллда белгиланади. Оддий майший шовқин 20 дицебалл, шахар шовқини 30-40 дицебалл, осмондаги самолётлар учун 50 дицебаллда ўлчанилади. 90 дицебаллга тенг бўлган шовқин инсонда организмида оғриқни вужудга келтиради. Шовқиннинг йўл кўйилган даражадаги меъёрлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан саниттар норма ва қоидаларида ўрнатилади. Шовқинга қарши ҳимоялаш чоралари, шунингдек, курилиш меъёр ва қоидаларида ўз аксини топади. Мазкур қоидаларга риоя кильмаслиқ жавобгарлик ҳамда маъмурий олдини олиш (фаолиятни чеклаш ёки тўхтатиб туриш) чораларини қўллашга сабаб бўлади. Инсоннинг ва атроф табиий мұхитнинг шовқиннинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишнинг яна бир йўналиши бу ишлаб чиқариш жараёнларида ва транспортда экологик тоза, шовқинсиз технологияларни жорий килиш. Шовқин деганда товушларни қулайлик даражасидан чиқиб кетган товушлари комплекси тушунилиши мумкин. Механик манбаадан вужудга

келадиган мураккаб силкиниш жараёни тушунилади. Шовқин таъсири каби тебраниш дицебалларида ўлчанади.

**АНТРОПОГЕН** – (грекчада anthropos-киши) ўзгарган табиий мухит - кишиларнинг хўжалик фаолияти жараёнида маълум бир ҳудуд ёки теграларда тубдан ўзгарган атроф табиий мухит ҳолати. Бу ҳудуд ёки теграларни келтириб чиқарувчи омиллар мажмуасига қараб - шаҳар, саноат ва аграр (кишлок хўжалиги) теграларига ажратиб олсак бўлади. Бу ҳудуд ва теграларда табиат элементлари (ер, сув, атмосфера ҳавоси...)нинг сон ва сифат кўрсатгичлари, морфологик (ташқи) ва морфометрик (ўлчамли) белгилари ўзига хос тарзда намоён бўлади. Масалан, атмосфера ҳавоси атропоген ўзгарган табиий ҳудудларда бошқа кам таъсиранган атроф табиий мухитга нисбатан 10-15 баробар кўпроқ ифлосланган бўлади. Саноат теграларида ҳаво таркибида заҳарли ис гази ( $\text{CO}$ )нинг кўпайиши асосан металлургия (30-40%) ва химия саноати (15-20%), транспорт (10-15%) таъсирида юзага келса, шаҳарларда эса ис гази асосан транспорт (60-80%), оғир саноат (15-20%), химия саноати (5-10%) таъсирида юзага келади. Аграр теграларда тупроқларнинг морфологик (кўзга ташланадиган ташқи) кўриниши 1-1,5 метр чукурликгача тубдан ўзгарган ва янги тур ҳосил қилган бўлади. Уларда тупроқ ифлосланиши пестицид, гербицид, азот, фосфор, турли тузлар; шаҳарларда - майший аҳлат; саноат теграларида - саноат чиқиндилари ҳисобига амалга ошади. Саноат тегралари тоифасига кирувчи атом электростанциялари атрофида сув, тупроқ ва атмосфера ҳавосида радиоактив элементлар миқдори шаҳарларга нисбатан бир неча ўн баробар кўп бўлади, лекин ис газининг миқдори электростанция атрофида аграр теграларга тенглашган, шаҳарларга нисбатан эса бир неча ўнлаб баробар кам бўлади.

**АТРОФ ТАБИИЙ МУХИТНИНГ СИФАТИ** - табиатда, табиат ва инсон орасида моддалар ва энергиянинг алмашув жараёнини доимо таъминлаб турувчи ва ҳаётни қайта тикилашни кафолатловчи экологик тизимларнинг ҳолати тушунилади. Атроф табиий мухитнинг сифати табиатнинг ўзи томонидан унга зарарли бўлган моддалардан ўз-ўзини тозалаш, табиий обьектларни ўз-ўзини тикиланилишини таъминлаш йўли билан амалга оширилади. Табиатда табиий жараёнлар шундай ўтадики, бунда қайсиdir обьектни якуний маҳсули бошқа обьектнинг кўпайиши, ўз-ўзини тикилаши учун хом ашё бўлиб, чиқиндисиз жараён тамойиллари асосида ҳаёт ўтиб боради. Атроф табиий мухитнинг сифати, бу инсоннинг соглигига,

унинг ҳаётига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатмайдиган, табиий объеклар ва комплексларнинг сақланишини таъминлайдиган даражадаги барча табиий ресурсларнинг ҳолати демакдир. Бу тушунча орқали биз табиий объекларни бир бири билан ўзаро боғликларини, бирини сифати ўзгарган тақдирда бошқаларга таъсир кўрсатилишини ҳамда ularни инсон саломатлигига таъсир килишини тан оламиз.

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ** – келгуси авлодларнинг эхтиёжларини хавф – хатарга кўймасдан, хозирги даврдаги аҳолининг эхтиёжларини қониктирадиган аник ривожланиш

**КАДАСТР** – маълум бир табиий ҳўжалик ёки бошқа обьект муайян турининг географик жойлашуви, ҳукукий мақоми, миқдори, сифат тавсифлари ва баҳоси тұғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизими (Давлат кадастрлари тұғрисидаги конуннинг З-моддаси). Кадастр тизимиде маълум бир табиий обьектлардан ҳукукий фойдаланиш ҳақидаги тавсияномалар, фойдаланувчилар ва ифлослан-тирувчилар рўйхати, ularни қайта тиклаш чоралари ҳақида таклифлар ҳамда келажакдаги изланишлар ва бошқа шунга ўхшаш маълумотлар көлтирилиши мумкин.

**ҚИЗИЛ КИТОБ** – бу йўқолган ёки йўқолиш арафасида турган, йўқолиб бораётган, камёб ва камайиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генофондини саклаб қолиш мақсадида ташкил этилган маълумотлар рўйхати (реестри). Ушбу китобда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларининг қисқача тавсифи, тарқалиши, ўсиш ва яшаш шароити, кўпайиши, ареали (тарқалиш майдони) ва унинг ўзгариши, ularни маданийлаштириш ва хонакилаштириш, муҳофаза этиш чоралари кўрсатилган бўлади.

**ЛАНДШАФТ** - ўзаро таъсир этувчи табиат ёки табиий ва антропоген компонентлардан, ҳамда пастроқ таксономик табақали мажмуналардан ташкил топган табиий худудий мажмуа. Ландшафтнинг ўзгариши ландшафтнинг ташки таъсир остида ёки ички ўзгариши давомида янги хусусиятларга зга бўлиши ёки аввалгиларини йўқотиши. Табиат муҳофазасига оид адабиётларда куйидаги тушунчалар занжирида ўрта мавқени згаллайди: ландшафтга бўлган таъсир – ландшафтнинг ўзгариши - аҳолининг ҳўжалик фаолияти ёки саломатлигидаги асоратлар. Ландшафт чегаралари бир-бирига қўшни ландшафтларнинг бўлиниш юзаси, ularнинг сифат ва хусусиятлари алмашиниши ҳамда ландшафтни бошқа ноландшафт тузилмалардан ажратгандек

юзаликлар (мас: ландшафт таркибига кирмайдиган атмосфера ёки литосфера қатламлари). Л.ч.ни аниклаб олиш ландшафтларни хариталашнинг муҳим элементидир.

**МУХИТ** – теварак-атрофдаги ўзаро боғланишлардаги шарт-шароитлар ва таъсирлар мажмуи. Одатда табиий ва сунъий муҳитлар ажратилади. Табиий муҳитни сув, күёш, шамол, ҳаво, ер, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби табиий омиллар мажмуи ташкил этади. Сунъий муҳит инсон томонидан яратилган бўлиб, бунда инсоннинг меҳнат маҳсули етади. Табиий ва сунъий муҳитлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг мавжудлигини экологик муҳит тушунчаси ифодалайди. Экологик муҳит табиий ва сунъий атроф-муҳит бўлиб, тирик мавжудотлар субъект ва объект таъсирлар сифатида қатнашиб, таъсирлар сони эса теварак-атрофни саклаб қолиш ёки ҳавф солиш шароитини келтириб чиқаради. Экологик муҳит муайян экологик тизим ҳисобланиб, уни табиий ва ижтимоий-иктисодий қисмларга ажратиш мумкин.

**СИНЭКОЛОГИЯ**-(“син” – юонча “биргаликда”) биогеоценознинг тузилиши ва хоссаларини, айрим ўсимлик ва ҳайвон турларининг ўзаро алоқасини ҳамда уларнинг ташки муҳит билан муносабатини ўрганади. Шунинг учун уни ўзаро алоқадорлар экологияси деб ҳам юритилади.

**ТАБИИЙ РЕСУРС (ЗАҲИРА)** – табиий келиб чиккан ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ва ер ости бойликлари, атмосфера ҳавоси ва сув объектларидан кишиларнинг иктиносидий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ва бошқа ҳаётий зарур эктиёжларини қондириш мақсадида ишлатилаётган ёки шу мақсадларга мўлжалланган табиий объектлар.

**ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ** – инсонларнинг хўжалик ва бошқа фаэлиятларида табиат бойликларидан уларнинг қайта тикланиш қобилиятини саклаш, модда ва энергия алмашувининг табиий кечувини тўхтатмасдан, заҳираларининг умумий ҳажмини ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш.

**ТАКСА** -лотинча “taxatio” сўзидан олинган бўлиб, “нархни белгилаш”, деган маънени англаради. У ўзида айрим ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг белгиланган нархини ўзида ифода этади. Табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган фукаровий-хукукий чоралар орасида муҳим ўрин тутиб, етказилган зарарни қоплашнинг мазкур усули асосан, ноқонуний овлаш, балиқ овлаш, ўрмондан фойдаланиш қоидаларини бузиш каби холатларда кенг

кўлланилади. Такса жавобгарлиги ҳайвонот дунёси объектларини ноконуний фойдаланганлик, шунингдек, ўрмон ресурсларига ҳамда алоҳида табиат объектларига зарап етказилганлик учун кўлланилиши кўзда тутилган, ҳамда заарнинг киймати ва баҳоси тегишли норматив-хукукий хужжатларда олдиндан белгиланган бўлади.

**ТИКЛАНАДИГАН (ТУГАМАЙДИГАН) ТАБИЙ РЕСУРСЛАР** – Чекланмаган даражада фойдаланиш имконияти бўлган ресурслар (флористик, фаунистик, гидрологик, ўрмон, космик ва ер объектлари).

**ТИКЛАНМАЙДИГАН (ТУГАЙДИГАН) ТАБИЙ РЕСУРСЛАР** – яқин йилларда ёки узоқ мuddат даврида тамом бўладиган ресурслар (масалан, минерал бойликлар – нефть, газ, руда, кўмир ва х.к., айрим турдаги йўқолиб кетган ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари).

**ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ** бу экологик тизимда модда ва энергия алмашинувининг табиий ҳолатда кечишининг бузилиши ёки модда ва энергиянинг кичик ва катта айланиш жараёнларининг маълум бир боскичдаги узилишидир. Масалан, дежқончилик маданиятининг фан талаблари даражасида бўлмаслиги, тупрок унумдорлигининг пасайиши ва ундаги микроорганизмларнинг кирилиб кетиши оқибатида ерга тушадиган органик моддаларнинг ўсимлик дунёси учун озуқа бўлган минерал моддаларга айланмаслиги содир бўлади. Натижада тупрок экологияси бузилади ва инкиrozли ҳолат юзага келади. Орол денгизининг қуриб бориши натижасида Орол бўйи худудларида иқлим ресурслари, тупроқ унумдорлиги, атмосфера ҳавоси, ер ости ва ер усти сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот оламида рўй берастган ўзгаришлар ва салбий жараёнлар экологик инкиrozга мисол бўла олади. Экологик инкиrozли худудларнинг экологик тизимларида модда ва энергия алмашинувининг экологик ҳавфсиз даражада тиклаш жуда мураккаб ва ўта кўп чиқимли тадбирдир. Шунинг учун ҳам экологик ҳавфнинг олдинни олиш чора-тадбирлари бирламчи, унга карши кураш эса иккиласми аҳамият касб этиши даркор.

**ЭКОЛОГИК КОМПЛЕКСЛАР** -маълум худуддаги экологик тизимларнинг мажмуи ҳисобланади. Яъни, экологик комплекслар худудийлик хоссаси билан тавсифланади. Унга кўра, маълум маконда мавжуд бўлган барча биологик мавжудотлар, улар эгаллаб турган худуд билан биргаликда экологик комплексни ташкил этади. Экологик комплекс музлик, тундра, ўрмон тундраси, тайга, ўрмон, субтропик чўллар, ўрмон чўл, чўл, тропик чўл, ярим дашт, намли субтропик,

саванна, япалоқ баргли ўрмон, тропик нам ўрмон, төг, тоголди ва х.к. худудларда ўзига хос тусда шакланади.

**ЭКОЛОГИК СИЁСАТ** – бу субъектларнинг (индивид, гурух, партия, давлат ва б.к.) атроф табий мухитни муҳофаза килиш, табий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли экологик ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий– сиёсий, ижтимоий– иқтисодий, маданий– маърифий, ташкилий– ҳуқукий тусдаги чора– тадбирлари мажмуюи.

**ЭКОЛОГИК ТАҲДИД** – инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири билан боғлиқ ҳолда табиатнинг инсонга акс таъсири, яъни унинг иқтисодиётига, ҳаётида ҳўжалик аҳамиятига молик бўлган жараёнлар, табий ҳодисалар билан боғлиқ (стихияли талофатлар, иқлиминг ўзгариши, ҳайвонларнинг ялли кўчиб кетиши ва бошқалар) ҳар қандай ҳодиса.

**ЭКОЛОГИК ТИЗИМ** – бу биргаликда яшовчи ҳар хил турдаги организмлар ва улар яшашининг шарт– шароитлари. Улар ўзларини ўраб турган табий мухит билан алоқада бўладилар.

**ЭКОЛОГИК ҲАВФСИЗЛИК** – атроф табий мухит ҳолатини организмларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларига жавоб бера олиши ёки инсонлар учун соглом, тоза ва қулай табий шароитга эга атроф мухит ҳолати. У атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирини камайтиришишга йўналтирилган тадбирлар мажмунини амалга ошириш орқали эришилади. Н.Ф. Реймерс экологик ҳавфсизликка икки хил ёндошган: 1) табиат обьектлари, алоҳида инсон ва инсониятнинг бевосита ёки билвосита ҳаётий мухим элементларини заарланишларига (ёки бу заарланишдан келадиган ҳавфларга) олиб келмайдиган фаолият, вазият ва жараёнлар уйғуности; 2) Ер шари ва унинг турли минтақаларида инсониятнинг табий, иқтисодий– ижтимоий, техноген ва сиёсий тайёргарлиги (жиддий бўлмаган талофатларга мослашиши) даражасида экологик мувозанатни таъминловчи вазият, жараён ва фаолиятлар мажмуси. Т.Тилляев эса экологик ҳавфсизлик– шахс, аҳоли, саноат ва табиат обьектларини ташки таъсиридан химояланганлик даражасидир, деб изоҳлайди. Лекин муаллиф экологиянинг обьекти нафақат инсон, балки барча тирик организмлар бўлиши мумкинлигини инобатта олмаган. У экологик ҳавфсизликнинг маҳаллий, миллий, регионал ва курравий миқёсда, яъни худудийлик ҳусусиятига ҳам ўз эътиборини қаратмаган. Булардан ташқари, экологик ҳавфсизлик турғун ҳолатдаги, ўзгармайдиган даражада эмас. У доимо ҳаракатда ва ўзгарувчандир.

Бизнинг фикримизча экологик хавфсизлик- организмлар ва уларнинг яшаш муҳитини табиий ва антропоген омилилар таъсири туғайли түрги миқёсда ва тезликда юзага келувчи салбий холатлардан сақланганлик даражаси. Мазкур тушунчада ҳам экологияга (организмлар ва уларнинг яшаш муҳити), ҳам хавфсизликка (салбий холатлардан сақланганлик даражаси) тегишли бўлган иборалар ифода этилган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ  
ҚОНУНИ  
27.12.1996 й.  
N 353-І**

**АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУХОФАЗА  
ҚИЛИШ ТҮГРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг  
27.12.1996 й. 354-І-сон Қарорига мувофиқ амалга  
киритилган**

**Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофик ўзгартиришлар  
киритилган**

**ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни,  
ЎзР 10.10.2006 й. ЎРҚ-59-сон Қонуни**

**1-модда. Атмосфера ҳавоси табиатни муҳофаза қилиш  
объекти сифатида**

**2-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш түгрисидаги  
конун ҳужжатлари**

**3-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш түгрисидаги  
конун ҳужжатларининг асосий вазифалари**

**4-модда. Фукароларнинг ҳаёт учун қулай атмосфера ҳавосига  
эга бўлиш ҳуқуқи ва уни сақлаш соҳасидаги мажбуриятлари**

**5-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида  
давлат бошқаруви**

**6-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги  
стандартлар**

**7-модда. Атмосфера ҳавоси сифатининг нормативлари**

**8-модда. Доимий манбалардан атмосфера ҳавосига зарарли  
таъсир кўрсатиш нормативлари**

**9-модда. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативлари**

**10-модда. Кўчма манбалардан атмосфера ҳавосига зарарли  
таъсир кўрсатиш нормативлари**

**11-модда. Доимий ифлослантирувчи манбалардан атмосферага  
ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқариши**

ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланишни тартибга солиш 12-модда. Атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатишини тартибга солиш 13-модда. Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатишини ҳамда ундан фойдаланишни чеклаш, тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш 14-модда. Ёкилги ва ёнилги-мойлаш материаллари сифатига доир талаблар 15-модда. Ўзбекистон Республикаси худудига транспорт воситалари ва бошқа катнов воситалари ҳамда курилмаларини олиб кириш ва уларнинг кириб келиши шартлари 16-модда. Транспорт воситалари ва бошқа катнов воситалари ҳамда курилмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш 17-модда. Транспорт воситалари ва бошқа катнов воситалари ҳамда курилмаларини таъмирлайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар олдига қўйиладиган талаблар 18-модда. Кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш 19-модда. Озон катламига зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олишга доир талаблар 20-модда. Минерал ҳом ашёни қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлаш пайтида атмосфера ҳавосини муҳофаза килишга доир талаблар 21-модда. Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш ёки кўмиб ташлашга доир талаблар 22-модда. Атмосфера ҳавосининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа обьектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, куриш, қайта куриш ва фойдаланишга топшириш 23-модда. Кашфиётлар, ихтиrolар, саноат намуналарини, техника ва технологияларни жорий этиш пайтида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш 24-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари 25-модда. Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатганилик учун компенсация тўловлари 26-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш 27-модда. Атмосфера ҳавоси мониторинги

**28-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан назорат  
29-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги  
конун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик  
30-модда. Халкаро шартномалар**

**1-модда. Атмосфера ҳавоси табиатни муҳофаза қилиш  
объекти сифатида**

Атмосфера ҳавоси табиий ресурсларнинг таркибий қисми бўлиб, у умуммиллий бойлик ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

**2-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш  
тўғрисидаги конун хужжатлари**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конун хужжатлари ушбу Конун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа конун хужжатларидан иборатдир.

Қорақалпогистон Республикасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпогистон Республикасининг конун хужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш  
тўғрисидаги конун хужжатларининг асосий вазифалари**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конун хужжатларининг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

атмосфера ҳавосининг табиий таркибини саклаш;

атмосфера ҳавосига заарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатилишининг олдини олиш ҳамда камайтириш;

давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш.

**4-модда. Фуқароларнинг ҳаёт учун кулай атмосфера  
ҳавосига эга бўлиш ҳукуки ва уни сақлаш соҳасидаги  
мажбуриятлари**

Фуқаролар ҳаёт ва соғлик учун кулай атмосфера ҳавосига эга бўлиш, атмосфера ҳавосининг ҳолати ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ўз вақтида ва ишончли ахборот олиш, атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилиши ҳамда физикавий

омилларнинг атмосферага зарарли таъсир кўрсатиши оркали ўзларининг саломатлигига ҳамда мулкига зиён етказилган ҳолларда зарарни ундириб олиш ҳуқукига эгадирлар.

Фукаролар атмосфера ҳавосини авайяшлари, унинг ифлосланишига, камайишига ва унга физикавий омиллар зарарли таъсир этишига олиб келувчи харакатларни қилмасликлари шарт.

#### **5-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширадилар.

#### **6-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар атмосфера ҳавосини муҳофаза илиш тартибини, унинг ҳолати устидан назорат усулларини аниқлаб беради, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича ўзга талабларни белгилайди.

Инсон учун атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар (санитария нормалари) Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Атроф табиий мухит обьектлари учун атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, иқлимини ва озон қатламини саклаш соҳасидаги стандартлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

#### **7-модда. Атмосфера ҳавоси сифатининг нормативлари**

Атмосфера ҳавосининг ҳолатини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди учун атмосфера ҳавоси сифатининг қуйидаги ягона нормативлари белгиланади:

атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва атроф табиий мухит обьектлари учун йўл қўйиладиган даражада тўпланиши;

физикавий омиллар атмосфера ҳавосига акустик, электромагнит, ионлаштирувчи ва бошка хил зарарли таъсир кўрсатишнинг инсон ва атроф табиий мухит обьектлари учун йўл қўйиладиган даражалари.

Конун ҳужжатларида айрим минтақалар учун атмосфера ҳавоси

сифати нормативларига нисбатан оширилган талаблар белгилаб кўйилиши мумкин.

Атмосфера ҳавоси сифати нормативлари конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

### **8-модда. Доимий манбалардан атмосфера ҳавосига заарли таъсир кўрсатиш нормативлари**

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг ҳамда унга физиковий омиллар заарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари атмосфера ҳавосига чиқинцилар чиқарувчи ёки заарли физиковий таъсир кўрсатувчи ҳар бир доимий манба учун ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар ва физиковий таъсир кўрсатиш омилларининг ҳар бири бўйича белгиланади.

Ҳавони ифлослантирувчи доимий манбалардан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари ҳамда унга физиковий омиллар заарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва тегишинча Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, атмосфера ҳавосига физиковий омиллар заарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби эса - Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгилаб қўйилади.

### **9-модда. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативлари**

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативлари атмосфера ҳавосининг табиий таркиби ўзгаришига олиб келмайдиган даражада белгиланади.

Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан

тасдиқланади.

Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси томонидан белгилаб қўйилади.

**10-модда. Кўчма манбалардан атмосфера ҳавосига заарарли таъсир кўрсатиш нормативлари**

Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқариладиган ва фойдаланиладиган кўчма манбалар учун ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар ва улар физикавий омилларининг атмосфера ҳавосига заарарли таъсир кўрсатиш нормативлари белгиланади. Бу нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тегишинча Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан белгилаб қўйилади.

**11-модда. Доимий ифлослантирувчи манбалардан атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришини ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланишга солиши**

Доимий ифлослантирувчи манбалардан атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришига ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рұхсатнома асосида йўл қўйилади.

**12-модда. Атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг заарарли таъсир кўрсатишни тартибга солиши**

Атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг заарарли таъсир кўрсатиши йўл қўйиладиган тегишли даражадан ошмаслиги зарур.

Атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг заарарли таъсир кўрсатишига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан бериладиган рұхсатнома асосида йўл қўйилиши мумкин.

**13-модда. Атмосфера ҳавосига заарарли таъсир кўрсатишни ҳамда ундан фойдаланишни чеклаш, тўхтатиб қўйиш ёки тутатиш**

Атмосферага ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқариш, унга физикавий омилларнинг заарарли таъсир кўрсатиши ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланишга доир рұхсатномаларда

назарда тутилган шартлар ва талабларни бузиш билан боғлиқ фаолият маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан уларнинг ваколат доирасида қабул қилган қарорига кўра чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, заарли таъсир кўрсатиш сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда эса - тугатилиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда ахолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошка реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ холда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш суд тартибида амалга оширилади. (ЎзР 10.10.2006 й. ЎРҚ-59-сон Конуни таҳриридаги жумла)

#### **14-модда. Ёқилғи ва ёнилғи-мойлаш материаллари сифатига доир талаблар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган ёқилғи ва ёнилғи-мойлаш материалларининг барча турлари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси билан келишилган стандартлар талабларига мос бўлиши лозим.

#### **15-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда курилмаларини олиб кириш ва уларнинг кириб келиши шартлари**

Транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда курилмалари кўрсатадиган салбий таъсир ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар микдорига ва улар физикавий омилларининг заарли таъсир кўрсатишига доир Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал киладиган нормативлардан ошмаган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бу воситалар ва курилмаларни олиб киришга ва уларнинг кириб келишига йўл қўйилади.

#### **16-модда. Транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда курилмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш**

Ишлатилган газлар чиқариб юборилганида улардаги ифлослантирувчи моддаларнинг микдори ёки улар физикавий омилларининг заарли таъсир кўрсатиши нормативлардан юкори бўлган транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда

**курилмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.**

Транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда курилмаларининг эгалари ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг микдори ва улар физикавий омилларининг заарли таъсир кўрсатиши нормативларига риоя қилинишини таъминлашлари шарт.

**17-модда. Транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари  
ҳамда курилмаларини таъмирлайдиган ва уларга техник  
хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар олдига  
кўйиладиган талаблар**

Атмосфера ҳавосига заарли таъсир кўрсатувчи транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда курилмаларини таъмирлайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар микдорининг ҳамда улар физикавий омиллари заарли таъсир кўрсатишининг нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминлайдилар.

**18-модда. Кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш  
ва улардан фойдаланиш**

Кимёвий моддаларни ишлаб чиқарувчи ёки улардан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар бундай моддаларнинг атмосфера ҳавосида йўл кўйиладиган даражада тўпланиш нормативларини, уларни назорат қилиш усуслари ва экологик-токсикологик паспортларини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги белгилаган тартибда ишлаб чиқадилар.

Ишлатиш тақиқланган ва ишлатишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни заарсизлантириш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги берадиган рухсатнома асосида амалга оширилади.

Кимёвий моддаларни ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаси, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи омил, минерал ўғит ва бошқа препаратлар сифатида фақат ердан турниб ишлатишга йўл кўйилади. Қишлоқ хўжалиги экинларига кимёвий моддалар билан ишлов бериш конун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

## **19-модда. Озон қатламига заарлар таъсир кўрсатишининг олдини олишга доир талаблар**

Таркибида озонни бузувчи моддалар бўлган буюмлардан фойдаланувчи ва уларни тъмирловчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар бундай моддалар ҳисобга олинишини ва улар озон учун хавфсиз моддалар билан алмаштирилишини тъминлашлари лозим.

## **20-модда. Минерал ҳом ашёни қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлаш пайтида атмосфера ҳавосини муҳофаза килишга доир талаблар**

Минерал ҳом ашёни қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлаш атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг олдини олиш ёки ифлослантириш даражасини камайтириш коидаларига риоя қилган холда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси билан келишилган усувларда амалга оширилиши шарт.

## **21-модда. Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилиарини жойлаштириш ёки кўмиб ташлашга доир талаблар**

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба бўлиши ёки ҳавога бошқа тарзда заарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган техноген ҳосилаларни аҳоли пунктлари ҳудудида ёки уларга яқин ерларда жойлаштириш тақиқланади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба ҳисобланадиган ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилиари қайта ишланиши, тозаланиши, дезодорация қилиниши ёки маҳсус полигонларда сақланиши зарур, бундай полигонларнинг жойи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлигининг рухсати билан белгиланади.

## **22-модда. Атмосфера ҳавосининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ва фойдаланишга топшириш**

Корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ва

фойдаланишга топшириш, ишлаб турган технология жараёнлари ва асбоб-ускуналарни такомиллаштириш ҳамда янгиларини жорий этиш атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш тўғрисидаги конун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Атмосфера ҳавосининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошка обьектларни қуриш жойларини белгилаш, уларни қуриш ҳамда қайта қуриш лойиҳалари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишиб олинади.

**23-модда. Кашфиётлар, ихтиrolар, саноат намуналарини, техника ва технологияларни жорий этиш пайтида атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш талабларига риоя этиш**

Атмосфера ҳавосининг ҳолатига, иқлимга ва озон катламига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кашфиётлар, ихтиrolар, саноат намуналарини жорий этишини, техника, технологиялар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллардан, ёкилгидан фойдаланишни ҳамда тайёр маҳсулот чиқаришни сертификатсиз ёки унда белгиланган кўрсаткичдан четга чиккан ҳолда амалга оширишга йўл кўйилмайди.

**24-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш соҳасидаги мажбуриятлари**

Фаолияти атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар, иссиқхона газлари ва озонни бузувчи моддалар чиқариш ҳамда атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши билан бөглик бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

атмосферага чиқарилган чиқиндиларни тозалаш ва зарарли физикавий таъсирни камайтириш учун иншоотлар, асбоб-ускуналар ва аппаратуралардан, шунингдек улар устидан назорат килиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;

хўжалик обьектлари теварагида санитария-муҳофаза зоналари барпо этиш;

чиқиндилар чиқаришни ҳамда зарарли физикавий таъсирни камайтириш чора-тадбирларини кўриш;

чиқариладиган чиқиндилар ҳамда физикавий омиллар зарарли

таъсириниң йўл қўйиладиган доирадаги нормативларига риоя қилиш устидан назорат ўрнатиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва белгиланган тартибда статистика ҳисботини тақдим этиш;

энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, экологик жиҳатдан тоза энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

метеорология шароитлари нокулай келиши кутилаётганлиги муносабати билан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришни камайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда чора-тадбирлар кўриш;

корхоналар ва транспорт коммуникацияларининг таъсир доирасида атроф-муҳитга ҳамда аҳоли саломатлигига заарли таъсир кўрсатилишини баҳолаш;

кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар ҳамда буғланувчи бирикмаларни саклаш, улардан фойдаланиш ва улардан бўшаган идишларни заарасизлантириш шартларига риоя қилиш;

атмосферага бирваракайига ва авария туфайли чиқиндилар чиқиши, яширин ҳавфли вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, шунингдек атмосфера ҳавосининг чегаралараро ифлосланишини камайтириш чора-тадбирларини кўриш;

чиқиндиларни йўқ қилишни таъминлаш ҳамда улар тўпланиб қолганида ва қайта ишланаётганида атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш чора-тадбирларини бажариш тупроқ, сув ва атроф табиий муҳитнинг бошқа обьектлари ифлосланишига олиб келмаслиги лозим.

## **25-модда. Атмосфера ҳавосига заарли таъсир кўрсатганлик учун компенсация тўловлари**

(ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Конуни таҳриридаги модда номи)

Атмосфера ҳавосига заарли таъсир кўрсатганлик учун компенсация тўловлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан конун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган тартибда ва миқдорларда ундириб олинади. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Конуни таҳриридаги кисм)

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни чиқарганлик, унга физикавий омилларнинг заарли таъсир кўрсатганлиги ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланганлик

учун компенсация тўловлари тўлаш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ҳавони муҳофаза қилиш чора-тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Конуни таҳриридаги кисм)

#### **26-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш**

Кўйидагилар давлат томонидан ҳисобга олиниши зарур:

атмосфера ҳавосининг ҳолатига зарарли таъсир кўрсатаётган ёки зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган обьектлар;

фойдаланилаётган атмосфера ҳавосининг ҳажмлари;

атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар, иссиқхона газлари ва озонни бузувчи моддаларнинг турлари ва миқдори;

атмосфера ҳавосига физикавий омиллар кўрсатадиган зарарли таъсирнинг турлари ва ҳажмлари.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ягона тизим бўйича амалга оширилади.

#### **27-модда. Атмосфера ҳавоси мониторинги**

Атмосфера ҳавосининг ҳолатини кузатиш, у ҳақдаги ахборотни тўплаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва истикболни белгилаш атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги ягона тизими бўйича конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **28-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан назорат**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, шунингдек маҳсус ваколат берилган давлат органлари томонидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бўйича маҳсус ваколат берилган давлат органларидир.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан идоравий, ишлаб

чиқариш ва жамоат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**29-модда. Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тұғрисидаги қонун ҳужжатларини бузғанлық учун жағобгарлық**

Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тұғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жағобгар бўладилар.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тұғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарар ўрнини қонун ҳужжатларидан белгиланган тартибда қоплашлари шарт. Зарар ўрнини қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жағобгарликка тортишдан озод этмайди.

**30-модда. Халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонунда назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**И. Каримов**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий Мажлисийнинг Ахборотномаси,**

**1997 йил, № 2, 52-модда**

## **Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мағкура. - Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. - Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби мұқаддасдир. - Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. - Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. - Т. 5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: - Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. - Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок керак. - Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. - Т.11. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. - 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлик. - Т.12. - Тошкент: Ўзбекистон, 2004. - 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т.13. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. - Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006 – 280 б.
- 15.Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. - Т.15. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2007 – 320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида.Т.16.– Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 366 б.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор

- ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.
18. Каримов, Ислом Абдуғаниевич Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгис, мамлакатни модернизация килиш ва таракқий топган давлатлар даражасида кўтариш сари. / И.А.Каримов, - Тошкент.: Ўзбекистон, 2010. – Т.18. 264 б.
19. Каримов, Ислом Абдуғаниевич Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шаклантириш мамлакатимиз тараккиётининг асосий мезонидир. / И.А.Каримов, - Тошкент.: Ўзбекистон, 2011. – Т.19. 360 б.
20. Каримов И.А. “Баркамол авлод йили” давлат дастури. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
- 21.Каримов И.А. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақилигининг 19 йиллигига бағишлиланган тантаналар маросимидағи табрик сўзи. //Халқ сўзи. 2010 йил 1сентябрь
- 22.Каримов И.А.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Самити Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутки. //Халқ сўзи. 2010 йил 22 сентябрь
- 23.Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруzasи. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
- 24.Каримов И.А.Инсон манфаати,хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш-бизнинг бош мақсадимиздир.Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи.// Инсон ва конун, 2012 йил 8 декабрь.

### **Норматив – хуқукий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. –№ 5-6. 82 – модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2011. -

4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. -Тошкент: Адолат, 2011.

5. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. - Тошкент: Адолат, 2011.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси. Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Тошкент: Адолат, 2011.

7. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2010.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Табиятни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 37-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 165-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 2001. – № 1-2. – 18-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси. - 1993. - №5. - 221-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 1998. - №1. - 12-модда.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 1998. - №1. - 14-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 1999. - №5. - 122-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 1997. - №2. - 52-модда.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири). // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 2003. - №1. - 5-модда.
17. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 2002. - №4-5. - 72-модда.
18. Ўзбекистон Республикаси “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 2002. № 4-5. - 68-модда.
19. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги Низом. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1996. – № 5–6. – 70-модда.
- Ўзбекистон Республикасининг Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуни (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003, №1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 й. №50-51, 512-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маишӣ секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори. //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2008, №5, 25-модда
20. “Озон қатламини сақлаш”. Бутун жаҳон муаммоси, 1990.
21. Озон қатлами емирилишини илм-фанга асосланиб баҳолаш. 1994. 47-сон маъруза. Йўл-йўрик кўрсатадаган якун.
- 22.“Озон қатламини химоя қилиш тўғрисида” Вена конвенцияси томонлари бўлган мамлакатлардан озон бўйича ўтказилган тадқиқотлар раҳбарлари Тўртингчи кенгаши маърузалари. Женева, 1999.
23. Таълим бериш қўлланмаси. ЮНЕП. Совутиш асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатишдаги энг яхши тажриба. I боб. Озон қатламини камайиб кетиши: сабаблар ва натижалар. Тошкент. 2001.
24. Алиханов Б.Б, Лим В.П, Ахмедов Н.А, ва бошқалар “Қўриқхоналар ва миллий боғлар” Тошкент: 2005.
- 25.Аҳмедов Т. Иқлим ўзгаришлари: дунё ҳамжамияти ътиборида.//Жамият, 2012 йил, 30 ноябрь
26. Бўронов Ю. Иқлим ўзгаришлари: тилсим ва ечим. // Халқ сўзи, 2008 йил 6 ноябрь.
- 27.Бринчук М.М. Правовая охрана атмосферного воздуха. М.,

1985. С.5.

28.Баратов П. “Табиатни муҳофаза қилиш” Тошкент. Ўқитувчи. 1991.

29. Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш: Олий ўқув юртлари учун Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 240.

30. Эргашев А., Эргашев Т. Агрозэкология. Дарслик. – Тошкент: Ёшлар матбуоти, 2006. – Б. 534.

31.Сайдов А.Х. Халқаро ҳуқук. Дарслик. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001, 223-бет

32.Содиков Д. Онажоним – табиат // Ҳалқ сўзи. 2008 йил, 23 июль.

33.Сайхун С. Табиатга муносабат // Ўзбекистон овози, 2008 йил, 5 июнь.

34. Холмўминов Ж.Т., Маллаев Н. Табиат ёрдамга мухтож. Природа требует защиты // Сельское хозяйство Узбекистана. 1991. № 1. – Б. 39-40.

35.Холмўминов Ж.Т. Табиат ва муҳофаза // Ҳаёт ва қонун. 1998. № 12. – Б. 49-51.

36. Холмўминов Ж.Т., Мирзаев Т. Экология ва ҳуқук // Фан ва турмуш. 1998. № 6. – Б. 16-17.

37. Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун.-Тошкент: “Адолат”, 2000.- 352 б.

38. Холмўминов Ж.Т. Экологик қонун талабларини бузганлик учун фуқаровий-ҳукукий жавобгарлик муаммолари // Ҳўжалик ва ҳуқук, 2001.№2,17-20 б.

39. Холмўминов Ж.Т. Экология муаммолари: кечада, бугун, эртага // Муҳофаза. 2004. № 3-4. – Б. 20-21.

40. Холмўминов Ж.Т., Маллаев М.Р. Атмосфера ҳавосини ҳукукий муҳофаза қилиш, Ўқув кўлланма, Тошкент, ИИВ Академияси, 2004, 93 бет.

41. Холмўминов Ж.Т. Ресурслардан оқилона фойдаланинг // Муҳофаза. 2004. №2. 20-21 бетлар.

42. Холмўминов Ж.Т. Ҳавф билан ёнма-ён // Муҳофаза. 2005. № 1. 20-21 бетлар.

43.Холмўминов Ж.Т. Ёшларга экологик-ҳукукий тарбия бериш ва шакллантиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари// Фалсафа ва ҳуқук, 2006. №3, 65-67 бетлар.

44. Холмуминов Ж.Т. Сохранив небо, защитить себя // Вестник Высшего Хозяйственного суда Республики Узбекистан. 2008. № 9. –

**С. 83-85.**

45. Холмұминов Ж.Т. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва мухофаза қилишнинг экологик-хуқукий муаммолари. Тошкент, Фалсафа ва хуқук, 2009, 240 бет.
46. Холмұминов Ж.Т. Экологическое законодательство Республики Узбекистан и международный опыт Европейского Союза. Тошкент, 2009, 330 стр.
47. Холмұминов Ж.Т. Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш, иклим ўзгариши ва озон қатлами бузилиши олдини олишнинг ҳалқаро хуқукий асослари // Фалсафа ва хуқук. 2009. № 2.14-17 бетлар.
48. Холмұминов Ж.Т. Аҳоли соғлигини мухофаза қилишнинг экологик-хуқукий асослари. //Соғлом авлод учун, 2009, № 4, 8-13 бетлар.
49. Холмұминов Ж.Т. Инсон ва фуқароларнинг экологик хуқукларини кафолатлашнинг ҳалқаро-хуқукий асослари //“Инсон хуқуклари ва гуманитар ҳуқук: фалсафий ва хуқукий масалалари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент-2009. 30-35 бетлар.
50. Холмұминов Ж.Т. Ёшлар тарбиясида экологик-хуқукий, valeologik ва акмеологик ёндашув. Т.: Турон-Иқбол, 2010. 80 б.
51. Холмұминов Ж.Т. Экология ва ҳаёт: қонунчилликни такомиляштириш масалалари. –Т: ЎзРФА ФХИ, 2010. 210 б.
52. Холмұминов Ж.Т. Реализация конвенции по охране использованию трансграничных водотоков. //Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўкув курслари Ахборотномаси. 2010, №1. С.24-28
53. Холмұминов Ж.Т. Баркамол авлодни тарбиялашда экология, valeologия ва акмеология фанларининг хуқукий аҳамияти” //Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, хуқукий, экологик, valeologik, акмеологик ва иктисадий масалалари. Илмий-амалий конференция. Т.: Фалсафа ва хуқук, 2010 йил, 26 марта. 93-96-бетлар.
54. Холмұминов Ж.Т. Баркамол авлодни шакллантиришда экологик-хуқукий таълим ва тарбиянинг ўрни. //“Хуқукий тарбия – баркамол авлодни шакллантиришнинг мухим омили” мавзуидаги Республикаси илмий-амалий конф.материаллари. Тошкент: ТДЮИ, 2010 (18 май). 46-51- бетлар.
55. Холмұминов Ж.Т. Экология ва ёшлар. //Тошкент оқшоми, 2010 йил 4 июнь.

56.Холмўминов Ж.Т. Экологик мухофазанинг айрим масалалари. //Арбитраж ва хукуқ, 2010 йил 11 август.

57.Холмўминов Ж.Т. Инсоннинг асосий бузилмас хукукларига мос равища. (Фукароларнинг экологик хукукларини мухофаза килишнинг айрим масалалари.) // Соглом авлод учун, 2011. №10. 12-15-б.

58.Холмўминов Ж.Т. Экология на экология хукуки фанларини ўқитишни такомиллаштириш масалалари. //“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси – ёш олимлар илмий тадқиқотларини юксалтириш асоси”. Тошкент: Академия, 2011. 14-17-б.

59.Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикаси фукароларининг экологик хукукларини химоя килиш масалалари.// Т., Научные исследования в сфере прав и свобод человека: состояние и перспективы. Тошкент, Фан ва технология, 2011, 58-67-стр.

60.Холмўминов Ж.Т. Табиатни мухофаза килишнинг хукукий кафолати. //Жамият, 2011 йил 25 март.

61.Холмўминов Ж.Т. Значение Конвенции о трансграничном загрязнении воздуха на большие расстояния для Республике Узбекистан. //Ж.Философии и права.2012. №1. 61-63 стр.

62.Холмўминов Ж.Т. Оиласда экологик хукукий таълим ва тарбияни олиб бориш ва уни узлуксизлигини таъминлашнинг хукукий асослари. // ТДЮИ Ахборотномаси, 2012, №1. 73-77 б.

63.Холмўминов Ж.Т. Экология хукуки фани: илмий изланишлар ва соҳа истиқболи. // Хукуқ ва бурч, 2012 №9, 52-53 б.

64.Холмўминов Ж.Т. Экологик назорат – табиатни мухофаза килишнинг кафолатидир. // Жамоатчилик назорат ва унинг шакллари: Илмий назарий жиҳатлари. Илмий амалий-семинар материаллари. Тошкент. ТДЮИ. 2012, 15 ноябрь.

65.Холмўминов Ж.Т. Экологик муаммолар ечими: табиатни мухофаза килишнинг конституциявий асослари.//Инсон ва конун,2012, 31 январь

66.Холмўминов Ж.Т. Келажакка мухим одим. (15 апрел халқаро Экологик билимлар куни) // Жамият, 2012, 13 апрель

67.Холмўминов Ж.Т. Конституция ва экологик конунчилик. // Жамият 2012. 23 ноябрь.

68. Ражабов Н.Ш. Экологик меъёрлашнинг хукукий муаммолари: Монография. Масъул муҳаррир М.Б. Усмонов.-Тошкент: ТДЮИ,

2007.-142 б.

69. Маматқулов Р. Табиатни соф сақлаш – одамни асрар демак // Ўзбекистон овози, 2008 йил 22 май.
70. Мухамаджонов Р.С “Шаҳар ҳавоси муҳофазага муҳтож”. Ўзбекистон экологик хабарномаси. №3. 1997.
71. Намозов Ф.С. Ўзбекистон Республикасида ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишини такомиллаштиришнинг хуқуқий муаммолари – Т., ТДЮИ 2008.
72. Отабоев Ш., Набиев М. Инсон ва биосфера. Т., 1995.
73. Ражабов Н.Ш. Экологик меъёrlашнинг хуқуқий муаммолари // Ж. Давлат ва хуқук. ТДЮИ. 2004. №
74. Турсунов Х. “Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш” Тошкент. 1997.
75. Тўхтаев А. “Экология” Тошкент. Ўқитувчи. 1998 .
76. Тўхтаев А., Хайдарова Х., Сидиков Ю. “Экология алифбоси”. Тошкент.2004.
77. Усмонов М.Б. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари. // Ж. Қонун химоясида, 2004. № 7.
78. Ўзбекистон Республикаси Қизил Китоби. II-жилд. Ўсимликлар. Тошкент. 1984.
79. Ўзбекистон Республикаси Қизил Китоби. I-жилд. Ўсимликлар. Тошкент. 1998.
- 80 Ўзбекистон Республикаси Қизил Китоби. II-жилд. Ҳайвонот олами. Тошкент. Chinor ENK. 2003.
81. Экология хуқуки. Дарслик. Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Х., Холмүминов Ж.Т. ва бошқалар. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси, 2001. -92-118.
82. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишининг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза (1988-2007 йиллар). Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида. - Тошкент:2008
83. Экология конунчилигини такомиллаштириш муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 304 б.
84. Ер конунчилигини такомиллаштириш муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 243 б.
85. Правовое регулирование пользования и охраны водных и рыбных ресурсов Республики Узбекистан. Материалы круглого стола. - Ташкент: ТГЮИ, 2006. - 130 с.

86. Экологик конунчилликни қўллаш механизмини такомиллаштириш муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 258 б.
87. Сув ҳуқуки. Дарслик. Ю.ф.д., проф. Ж.Т.Холмўминовнинг умумий таҳрири остида. -Т.: ТДЮИ, 2011. - 338 б.
88. Ўрмон ҳуқуки. Дарслик. Ю.ф.д., проф. Ж.Т.Холмўминовнинг умумий таҳрири остида.. -Т.: ТДЮИ, 2011. - 218 б.
89. Горное право. Учебник для магистрантов обучающихся по специальности 5А380106 – Сельскохозяйственное право, земельное, водное, лесное и горное право; экологическое право. Коллектив авторов. Рустамбаев М.Х., Холмуминов Ж.Т., Усмонов М.Б. и др. /Ответственный ред-р. Усмонов М.Б., Холмуминов Ж.Т., Умаров Д.М. -Т: ТГЮИ, 2011. -336 стр. (21 п.л.)

## Экологик календарь

### Табиаттын мухофаза қилиш билан бөгликтүү мұхит мәдениеттегі саналар

1. 11 январь – Құрикхона ва миллий парклар куни.
2. 2 февраль – Халқаро сув ботқоқликлари куни.
3. 19 февраль – Халқаро денгиз сут эмизувчиларини мухофаза қилиш куни.
4. 14 март – Халқаро тұғонларга қарши ҳаракат қилиш куни.
5. 21 март – Халқаро Она сайёра куни
6. 21 март – Халқаро ўрмон куни.
7. 22 март – Халқаро оби-хаёт куни. Бутунжаңын сув куни.
8. 23 март – Бутунжаңын метеорология куни.
9. 29 (30) март – Ерни мухофаза қилиш куни.
10. 1 апрель – Халқаро күшлар куни.\1906\
11. 7 апрель – Халқаро соғыкни сақлаш куни.
12. 15 апрель – Халқаро экологик билимлар куни.
13. 18 – 22 апрель – Парклар паради.
14. 22 апрель – Халқаро оламни асраш куни.\1990\
15. 22 апрель – Халқаро ерни мухофазалаш куни.\1992\
16. 19-24 апрель Бөглар куни.
17. 24 апрель – Бутундуң лабаратория ҳайвонларини мухофаза қилиш куни.
18. 28 апрель – Кимёвий хавфсизлик куни.
19. 3 май – Қуёш куни.
20. 12 май – Экологик таълим куни.
21. 15 май – Халқаро иқлим куни.
22. 15 май – Кичик дарё ва ҳавзаларни ұмоялаш куни
23. 22 май – Халқаро биохилма – хиллик куни.\2000\
24. 5 июнь – Бутунжаңын атроф мұхитті мухофаза қилиш куни.\1972\
25. 8 июнь – Бутунжаңын океандар куни.
26. 15 июнь – Юннат ҳаракатининг ташкил топған куни.
27. 17 июнь – Үмумжаңын чүлланиш ва күргөңчиликка қарши кураш куни.\1994\
28. 11 июль – Халқаро ахоли куни.
29. 11 июль – Балик тутишга қарши тадбирлар куни
30. 2 август – Кийик (буғы) куни.
31. 6 август – Ядро куролларини құллашни тақиқлаш куни.

32. Сентябрдаги ҳафта – Бутунжахон “Сайёрамизни чиқиндиладардан тозалаймиз” тадбири
33. 15 сентябрь – Бутунжахон тинчлик куни
34. 15 сентябрь – Ўрмон куни.
35. 16 сентябрь – Халқаро озон қатламини муҳофаза килиш куни.\1994\
36. 17 сентябрь – Халқаро кўршапалаклар кечаси куни.
37. 21 – 27 сентябрь – “Биз оламни тозалаймиз” ҳафталиги.
38. 22 сентябрь – Бутунжахон автомобиллардан холи кун.
39. 26 сентябр – Бутунжахон дengизлар куни
40. 27сентябр – Бутунжахон туризм куни
41. 29 сентябрь – Бутун жаҳон дengиз куни.
42. 4 (5) октябрь – Халқаро ҳайвонларни муҳофаза килиш куни.
43. 6 октябрь – Бутунжахон яшаш (табиий) мухитни муҳофаза килиш куни.
44. 8 октябрь – Халқаро экологик фалокатларга карши курашиш куни.
45. 11 октябрь – Халқаро табиий оғатлар хавфини камайтириш куни.
46. 14 октябрь – Халқаро стандартлаштириш куни.
47. 14 октябрь – Кўрикхона ишчилари куни.
48. 16 октябрь – Бутундунё овқатланиш куни.
49. 17 октябрь – Халқаро қашшоқликка карши курашиш куни.
50. 17 октябрь – Халқаро БМТ куни
51. 15 ноябрь – Иккиламчи қайта ишлаш куни
52. 20 ноябрь – Чекишдан воз кечиш куни.
53. 24 ноябрь – Савдосизликка барҳам бериш куни.
54. 29 ноябрь – Бутунжахон Табиатни муҳофаза килиш жамияти ташкил этилган кун.
55. 3 декабрь – Халқаро пестицидларга қарши курашиш куни.
56. 5 декабрь – Халқаро кўнгиллилар куни.
57. 9 декабрь – Халқаро био хилма – хилликни саклаш куни
58. 10 декабрь – Ҳайвонлар ҳукуқлари бўйича декларацияси қабул қилингандигига багишлиланган тадбирлар куни
59. 11 декабрь – Халқаро тог куни.
60. 29 декабрь – Халқаро био хилма – хиллик куни.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-13
<b>I-БОБ. АТМОСФЕРА ҲАВОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ.....</b>	<b>13-23</b>
1.1. Атмосфера ҳавосини тирик мавжудот ҳаётидаги аҳамияти.....	13-17
1.2. Атмосфера ҳавосини муҳофаза килишда фаннинг ўрни ва унҳозирги ҳолати.....	17-20
1.3. Атмосфера ҳавосини муҳофаза килишнинг экологик-хуқукий тадбирлари.....	20-23
<b>II-БОБ АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....</b>	<b>24-45</b>
2.1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза килиши хуқукий тартибга солиш ва унинг принциплари.....	26-34
2.2. Атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш ва ундан фойдаланиш хуқукининг субъектлари ва обьектлари.....	30-37
2.3. Атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги хуқук ва мажбуриятлар ..	37-45
<b>III – БОБ. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА НАЗОРАТИ.....</b>	<b>46-67</b>
3.1. Атмосфера ҳавосини хуқукий муҳофаза килиши тартибга солишида давлат бошқаруви,унинг функцияси ва шакллари..	48-48
3.2. Атмосфера ҳавосидан фойдаланишини назорат килувчи ва муҳофаза киловчи давлат бошқарув органлари ҳамда уларнинг ваколатлари....	49-55
3.3. Атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш ва ундан фойдаланишда давлат назорати ..	55-67
<b>IV- БОБ. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ.....</b>	<b>68-90</b>
4.1. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар ва уларни бартараф этишнинг хуқукий йўллари...	68-75
4.2. Ҳавонинг ифлосланиши ва озон катламининг бузилиши. Озонни бузувчи моддалардан фойдаланиш.....	75-79
4.3. Тургун ифлослантирувчи манбалар.....	79-83
4.4. Иклим ва ҳарорат ўзгариши.....	83-84
4.5. Атмосфера ёғинлари.....	84-95
4.6. Бугона газлари (БГ) ташламалари.....	85-90

<b>V-БОБ. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ХУКУКИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	91-118
5.1. Экология: Атроф мухит ва инсон саломатлиги.....	91-95
5.2. Атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланиши.....	95-104
5.3. Атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш, иклим ўзгариши ва озон катламини бузилишини олдини олишнинг халқаро хукукий асослари.....	104-106
5.4. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар мониторинги.....	106-116
5.5. Халқаро Конвенция ва табиятни муҳофазаси масаласидаги битимлар.....	116-118
<b>VI-БОБ. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК.....</b>	119-147
6.1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш соҳасидаги хукукбузарниклар ва уларнинг турлари.....	119-128
6.2. Атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш тартибини бузганлик учун юридик жавобгарлик турлари ва кўлланиладиган жазо чоралари.....	148-170
<b>ХУЛОСА.....</b>	148-151
Тест саволлари.....	152-160
<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	161-167
<b>АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА КОНУНИ.....</b>	168-180
Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	181-189
Экологик календарь.....	190-191

**Жуманазар Тоштемирович ХОЛМУМИНОВ, юридик  
файлар доктори, профессор.**

**Нормамат Рамазонович МАДЛАЕВ, юридик файлар номзоди,  
доцент.**

**ЭКОЛОГИЯ ВА АТМОСФЕРА  
ХАВОСИНИ ҲУҚУҚИЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

**Ўқув қўлланма**

Мухаррир                   Р.Х.Кенжав  
Техник мухаррир        М.Х.Одинаева

Босишга руҳсат этилди: 26.12.2012 й.  
Бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$ . Шартли босма табоги: 14,25.  
Буюртма рақами № 51.  
Адади: 200 нусха.

МЧЖ “Fan va ta’lim poligraf” босмахонасида чоп этилди.  
100170, Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 24-й.









5000 c